

**Насимхон Раҳмонов**

# **Ўзбек адабиёти тарихи**

**Ўқув қўлланма**

Тошкент-2017.

### ХIII – ХIV АСРЛАР АДАБИЁТИ

**Олтин Ўрда** давлатининг ташкил топиши ва бу давлатда маданий ҳаёт. Ўзбек адабиёти турли даврларда кўп бухронларни бошидан кечирди. Маълум бир замонда адабиёт таназулга юз тутган бўлса, бошқа бир даврда тараққий этди, юксалди. Марказий Осиёдаги ижтимоий- сиёсий ҳаёт адабиётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чингизхон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даври бунга яққол намуна бўла олади. Бинобарин, чингизийлар замонида ўзбек адабиётининг тақдирида кутилмаганда кескин ўзгаришлар пайдо бўлди.

Чингизхон истилосидан кейин унинг авлодлари Осиё ва Европанинг турли ҳудудларида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи – Сирдарёнинг шимолига чўзилиб кетган қора хитойлар давлатини мулк қилиб олган эди. Иккинчи ўғли Чигатой эса

Ўрта Осиёда, Ўктой хон (Угадай деган ном билан ҳам юритилади) - Жунғорияда, Тулуй – Мўғулистонда ҳукмронлик қилдилар. Мазкур давлатларнинг тарихдаги ўрни тўғрисида ўша давр муаррихларининг асарларидан маълумот олиш мумкин.

Олтин Ўрда давлати ўз мавқеи ва тарихда тутган ўрнига кўра, Чингизхоннинг бошқа ўғиллари ҳукмронлик ўрнатган давлатлардан тамомила фарқ қилади. Олтин Ўрда Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжининг номи билан боғлиқ бўлса ҳам, бу давлатнинг ҳудуди кенгайишида ва ривожда унинг ўғиллари хизматлари катта бўлди. Жўжи отасидан олдин вафот этди. Жўжининг иккинчи ўғли Боту Европани забт этиб, ғарбга томон ўз давлати ҳудудини кенгайтирди. Жўжининг учинчи ўғли Товка Темур Итил дарёсининг юқори оқимини - Булғористонни мулк қилиб олди. Жўжининг тўртинчи ўғли Шайбон кейинчалик қирғиз деб ном олган чўл ҳудудига ҳукмронлик қилди. Бешинчи ўғли Тувог бажноқлар (нўғайлар номи остида машҳур бўлган халқ) устидан ҳукмронлик қилди.

Олтин Ўрда бу давлатлар орасида алоҳида из қолдирди. Олтин Ўрданинг давлат тузумидан ҳам кўра, мамлакатдаги маданий муҳит ғоят муҳимдир. Аввало, “Олтин Ўрда” деган ном ва ҳудуди тўғрисида.

“Олтин Ўрда” номи араб ва Эрон манбаларида деярли учрамайди. Рашидиддиннинг “Жомеъ-ут-таворих” китобида шунлай воқеа келтирилади: “Тўртинчи йили – от йилида Чингизхон ўзининг ўрдасида бўлди, кузда эса ўша эрдан жангга отланиб, тангутларнинг муҳим шаҳарларидан бирини қўлга олди. Бу шаҳарни Иригай деб атайдилар”<sup>1</sup>. Чамаси, Олтин Ўрдага асос бўлган бўлиши мумкин. Зотан, Олтин Ўрда ташкил топа бошлаганда, Чингизхон ҳаёт эди.

“Олтин Ўрда” деган ном рус тарихий манбаларида учрайди, холос. Шарқ манбаларида бу давлат Жўжи улуси ёки Кўк Ўрда деб юритилган. Рашидиддиннинг уч жилдлик бу асарида Олтин Ўрда тўғрисида умуман маълумот йўқ. Чамаси, Рашидиддин Чигатой улусида ва Эронда ҳукм сурган мўғул элхонлари тарихинигина ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

“Олтин Ўрда” деган ном дастлаб Чингизхон ўрдасига нисбатан қўлланган. Чингизхон вафотидан кейин эса Жўжи улусининг номи деб тушунилган. Жўжи отаси Чингизхондан олдинроқ вафот этди (Бу ҳақда “Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари”да ҳам қизиқарли ривоят берилган). Жўжи вафотидан кейин унинг тўнғич ўғли Ўрда тахтга ўтирди. Жўжининг иккинчи ўғли Боту отаси улушини ғарбга томон кенгайтди. Жўжининг учинчи ўғли Товка Темур Булғористонни – Итил дарёсининг юқори оқимини мерос қилиб олди. Тўртинчи ўғил Шайбон чўлга эгалик қилди. Жўжининг бешинчи ўғли Тувоқ бажноқлар (нўғайлар) устидан ҳукмронликни қўлга киритди. Бу ҳудудларни гарчи ўғиллари мустақил бошқарсалар ҳам, ҳаммалар Боту хонадонига итоат этар Жўжининг эдилар. Боту ака-укаларига қараганда кучли эди. Шу боисдан ҳам отасидан қолган ҳокимиятни мустаҳкамлашга киришди ва ўз давлатининг пойтахтини Итил

---

<sup>1</sup> Рашидаддин. Собрание летописей. Том 1, Изд. Академии наук СССР, Москва-Ленинград, 1952, 144-бет.

дарёси бўйида барпо қилди. Бу пойтахт шаҳар Сарой деб номланди. Ботунинг кўл остидаги ҳамма қавмлар Олтин Ўрда номи остида бирлашди. “Олтин Ўрда” номи Сир Ўрда, яъни “олтин қароргоҳ” маъносидадир. Олтин Ўрда давлатига қарашли жамики аҳоли асосан туркий қавмлардан иборат эди.

Хуллас, Олтин Ўрда жуда катта ҳудудни – шимоли- шарқда Булғор вилоятини, шимолда рус князликлари эрларини ўз ичига олган; жанубда Қрим ва унинг денгиз бўйидаги шаҳарларини, Дарбандгача чўзилиб кетган Кавказ, ҳатто Бокугача бўлган жойларни, шунингдек, Шимолий Хоразмни камраб олган. Ғарбий ҳудуди Днестрдан бошланган дашт ўлкалар, шарқда – Ғарбий Сибир ва Сирдарё этакларигача шу давлатга қараган. <sup>2</sup>Чингизхон салтанати йиқилгандан кейин Каспийдан тортиб Олтойгача Чигатой улуси ташкил топди. Агар Олтин Ўрда давлатининг этник таркибига назар ташласак, бу давлат ҳудудидаги асосий аҳоли туркий қавмлардан ташкил топганига амин бўламиз. Шу сабабдан “Олтин Ўрда қандайдир бир халқнинг нормал ривожланиши асосида ташкил топган давлат эмас, балки бировларнинг эрини зўравонлик билан босиб олиш орқасида вужудга келган сунъий бир давлат бўлган эди”<sup>3</sup>

Олтин Ўрда маданий муҳити ўзига хос тарзда ривожланиб борди. Бу давлат ҳудудидаги маданий ҳаётда, хусусан, яшаш тарзида, диний эътиқодда, архитектурада ўтроқлашган туркий қавмларнинг таъсири катта бўлди. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда жамиятининг юқори табақаси ислом динини расмий қабул қилди. Юқори табақанинг кўзга кўринган вакиллари ислом динига жалб қилиш ишларига Олтин Ўрда хонларидан Беркахон биринчи бўлиб асос солди. Беркахон томонидан ислом динининг қабул қилинишини ХИВ асрда яшаган машҳур араб тарихчиси ибн Халдун қуйидагича тасвирлайди: “У (Берка) ислом динини Шамсиддин Элбахарзийдан қабул қилди. Элбахарзий эса Нажмиддин Кубронинг мухлисларидан бўлган шогирд эди...Бухорода истиқомат қилиб турган Элбахарзий ислом динини қабул

---

<sup>2</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент, 1956, 53-бет.

<sup>3</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Юқоридаги асар, 11-бет.

килиш тўғрисида Беркага таклифнома юборди. У (Берка) ислом динини қабул қилди ва: “Менинг қўл остимдаги бошқа эрларда ҳам диний тарғибот ишларини бемалол олиб боришингизга тўла ҳуқуқ бераман”, деб Элбахарзий номига ёрлик жўнатди. Аммо у (Элбахарзий) бундан бош тортди.

Берка Элбахарзий билан учрашиш учун йўлга чиқади. Лекин Элбахарзий ўзининг яқин одамлари илтимос қилмагунларича Берка унинг ҳузурига киришига рухат этмади. Элбахарзийнинг яқин одамлари Берка киришига рухсат олиб бердилар. У Элбахарзий ҳузурига киргач, ислом динига кертирган иймонини яна такрорлади ва шундан кейин шайх ислом динини ошкора тарғиб қилишни унга юкледи. Берка ўзига қарашли халқлар орасида ислом динини ёйди, ўз қўл остидаги эрларда масжид ва мадрасалар курдирди, олимлар ва фикҳшунослар (қонуншунослар)ни ўз атрофига тўплаб, улар билан иноқлашди.<sup>4</sup>

Айнан шу давлатда туркий адабиётга ва туркий адабий тилга эътибор кучайди. Гарчи бу даврдаги адабиёт – туркий адабиёт, тил – туркий тил деб юритилса ҳам, туркий тилли халқлар орасида алоҳида мавқе тутган ҳар бир ўзбек китобхонига Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарлар жуда яқин.

Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётини ва ўзбек адабий тилини даврлаштириш масаласига эътибор қаратиш заруратини айтиб ўтмоқчимиз. Олтин Ўрда ўзбек адабиёти ривожига алоҳида босқични пайдо қилди. Бу давр адабиёти ўзидан олдинги ва кейинги давр адабиётини асло такрорламаган, аксинча, ўз қиёфасига, мавқеига эга бўлган адабиётдир. Олтин Ўрда давлатидаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт маданий ҳаётнинг тубдан янгиланишига, ўзига хослик касб этишига хизмат қилди. Ўрта Осиёдаги маданий ва адабий ҳаёт Олтин Ўрдага кўчди. Бу кўчиш тарих оқимининг табиий самараси бўлган эди. Шу боис “Олтин Ўрда адабиёти” деган терминни ишлатиш, Олтин Ўрдада ва Миср мамлуклар давлатида яратилган

---

<sup>4</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Юқоридаги асар, 139-140-бетлар.

адабий жараёнга нисбатан шу термидан истифода этиш мақсадга мувофиқдир.

Олтин Ўрда адабий муҳити шуниси билан диққатга сазоворки, *биринчидан*, ўзбек адабиётига янги жанр – нома жанри кириб келди; *иккинчидан*, мусулмон маданиятини ва ислом динини ёйиш учун ўзбек тилида биринчи марта пайғамбарлар тарихига оид асарлар яратилди. Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (710\1310 йил), Маҳмуд ибн Али ас-Саройининг “Наҳжул - фародис” (“Жаннатларга очик йўл”, 761/1361 йил) асарлари бунинг ёрқин намунасидир. “Қисаси Рабғузий” сингари “Қисас ул-анбиё”ларнинг ўзбек тилидаги кўплаб нусхалари бугунги кунда Туркия музейларида, кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарларнинг кўп қисми Олтин Ўрда давлати ҳукм сурган даврда яратилган. Мазкур “Қисас ул-анбиё”ларнинг аксарияти форсчадан қилинган таржималардир. Турк олими Исмаил Жамилўғли “XIV асрга оид бир “Қисас ул-анбиё” нусхаси устида синтактик тадқиқот” (Анқара, 1994) номли асарида ана шу китобларнинг кўлөзма нусхалари тўғрисида қимматли маълумотларни берган.

*Иккинчидан*, Олтин Ўрда давлатидаги маданий-адабий ҳаётнинг такомилли натижасида ўзбек адабиётига янги жанр — нома жанри кириб келди.

Хоразмийнинг биринчи марта ўзбек тилида яратилган “Муҳаббатнома” (1353) асари бунинг далилидир. *Учинчидан*, Олтин Ўрдадаги адабий муҳитнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири таржимачиликка алоҳида эътибор берилганидир. Турли тиллардан ўзбек тилига нодир асарларнинг таржима қилиниши бевосита ва билвосита Чингизхон ҳамда унинг фарзандлари олиб борган сиёсат, эрли аҳолига бўлган эҳтиром самарасидир. Чингизий ҳукмдорлар фармонларини туркий тилда эълон қилганлари, эски уйғур-туркёзуви асосида мўғул ёзувини яратиб, мўғул давлатида янгича маданий тараққиётга асос солганлари бунинг яна бир далилидир.

Чингизхон авлодларининг мурувватпешалиги ва эрли аҳолига хайрихоҳ муносабатларини Олтин Ўрда хонлари давом эттирдилар. Олтин Ўрдада ўзбек тилида яратилган ҳар бир асарнинг юзага келишида бирон ҳукмдорнинг таъсири бор. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”и таржимаси шаҳзода Тинибекка бағишланган. “Муҳаббатнома” айнан ўзбек тилида Муҳаммад Хўжабекнинг ҳомийлиги ва таклифи билан, “Қисаси Рабғузий” Хоразм бекларидан Тўқбуғабекнинг илтимоси билан ёзилган ва ҳ. Булардан ташқари, тил жиҳатдан “Қисаси Рабғузий”га яқин бўлган “Тафсир” ва “Сирож ул-қулуб” асарлари ҳам Олтин Ўрдада яратилди.

Албатта, Олтин Ўрда абадий давлат бўлиб қола олмади. Шаҳзодалар ўртасидаги мулкпарастлик ҳукмронликка интилиш Олтин Ўрдани ичдан эмира бошлади. Олтин Ўрда, Товка Темур ва Шайбон сулолалари ўртасидаги ихтилофлар ХИВ асрнинг 60-йилларида кучайди. Аслида таназзул аломатлари Олтин Ўрда иккига – Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлиниб кетган пайтда бошланган эди. Айниқса Жонибек даврида (1340-1357) таназзул тезлашди.

Олтин Ўрда давлатининг таназзулига яна бир сабаб – Олтин Ўрдадаги иқтисодий бухронлар, ишлаб чиқарувчи кучлар издан чиқиб бораётгани, хунмармандларнинг ва бошқа табақа аҳолининг катта қисми қашшоқлашуви, фақат маҳаллий бозорлар билан чегараланиб қолингани эди. Шубҳасиз, иқтисодий ва сиёсий заифлашув Олтин Ўрданинг адабий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Олтин Ўрда адабий ҳаёти иқтисодий ва сиёсий бухронларга аралашиб, таназзулга юз тутмаслиги учун вазиятни ҳам, маконни ҳам ўзгартиришига тўғри келди. Адабий ҳаёт тамомила ўзга юртга – Мисрга кўчди. Бу адабиёт равнақи учун Мисрда барпо этилган туркий қавмлар давлати асос бўлди.

**Мамлуқлар давлатининг қисқача тарихи.** Бу давлатдаги **ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.** Тарихда Мамлуқлар давлати деб ном олган бу давлат ҳукмдори Изиддин Ойбег номи билан боғлиқ бўлиб, 1250 йили ташкил топган.

Мамлук – кул деганидир. Бу давлатнинг ташкил топишида Мисрда сотилган собиқ куллардан кипчоқлар, черкаслар, грузинлар муҳим рол ўйнади. Миср подшоҳи ас-Солиҳ Аюб вафот этгандан кейин, то унинг ўғли Турон шоҳ тахтга келгунга қадар подшоҳ Аюбнинг аскарлари Мисрда салиб юришлари қилган Людовик IXнинг аскарларини тор-мор қилиб, уни асирга олдилар. Аюбнинг лашкарлари мамлуклардан иборат эди. Шу тариқа мамлуклар Мисрда мавқеини мустаҳкамлар олдилар. Орадан тўрт хафта ўтгач, Аюбнинг ўрнига тахтга ўтирган Турон шоҳ мамлуклар томонидан ўлдирилди. Мамлуклар давлатига Аюбнинг беваси Шожар ад-дур ўтирди. Орадан бир неча ой ўтгач, Мамлуклар давлати тахтига Изиддин Ойбег ўтирди.

Мамлуклар давлати 1250 йилдан XVI асрнинг бошларигача --- 1516-1517 йилларгача Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилди. Мамлукларнинг биринчи ҳукмдори Изиддин Ойбег ҳам асли кипчоқ қавмидан эди. Кипчоқларнинг мавқеи Мисрда баланд бўлгани учун ҳокимиятни улар бошқарди. Тахминан 1260-йилларгача Мамлуклар давлатида парокандалик бўлиб турди. 1260 йили Рукниддин Бойбарс тахтга ўтириб, ўзини Миср султони деб эълон қилди. У келиб чиқиши бўйича Хоразмдан. Бу ҳукмдор тахтга ўтиргач, Мисрнинг Олтин Ўрда билан алоқалари жонланди, тарихий асарлар яратиш йўлга қўйилди. Туркий сулолалар ва халқлари ҳақида тарихий-географик маълумотларни ўз ичига олган қомуслар яратилди. Мисрда султон Бойбарснинг таржимаи ҳолига бағишланган тарихий асар ёзилди. Бу асарни Бойбарснинг котиби Абду Зоҳир ёзди. Асарда Олтин Ўрда билан муносабатлар тўғрисида маълумотлар келтирилади, Қримдан Волгага қадар қисқача йўл кўрсаткич берилади, Қрим аҳолиси ҳақида этнографик, диний маълумотлар келтирилади. Бу пайтда Дашти Қипчоқдан келган кўп аҳоли яшарди.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> ru.wikipedia.org/wiki/Мамлюкский султанатё



Бойбарс мамлуклар давлатини мустаҳкамлади, ҳар бир шаҳарда доимий армиясини ташкил қилди. Давлат ичида тартиб-қондани мустаҳкам қилди. Саройдаги ўзаро низоларга тамомила барҳам берди. Мамлуклар давлати шу қадар гуллаб-яшнадики, Бойбарсгача ҳам. ундан кейин ҳам бу даражада ривожланмаган эди. Мамлуклар давлатига дунёнинг ҳамма томонидан савдогарлар келадиган бўлдию Дарёларга кўприклар, ҳар бир шаҳарда масжидлар барпо қилинди. Бойбарс Шарқдаги ҳамма араб эрларининг, Салжуклар ва Ўрта Осиё, Арманистоннинг ўлкаларининг ҳукмдори бўлиб қолди. Атрофдаги ҳамма давлатлар мамлуклар билан ҳисоблашадиган бўлди.<sup>6</sup>

Бойбарс султон бўлганда, қипчоқ эрлари Олтин Ўрда давлатига қарар, бу давлатни мўғул хонларидан Беркай (1256-1266) бошқарарди. Бойбарс унга мактуб юбориб, дўстона алоқалар ўрнатишни таклиф қилди. 1262 йили ҳар иккала давлат ўртасида дўстона алоқалар ўрнатиш мақсадида Бойбарс ўз элчисини жўнатди. Шундан сўнг Олтин Ўрда ва Мамлуклар давлати ўртасида ҳарбий, савдо, диний, маданий алоқалар мустаҳкамланди.

1277 йили Бойбарсни ўзининг вазири, қипчоқлардан бўлган Қоловун заҳарлаб ўлдирди. У Дамашқда дафн этилди. Шундай қилиб, Бойбарс султон мамлуклар давлатини қудратли салтанатга айлантирди, Миср ва Сурияни салиб юришларидан, мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилди.<sup>7</sup>

Мамлуклар давлати билан Олтин Ўрда ўртасида Рукниддин Бойбарс ўрнатган алоқа кейинчалик ҳар иккала давлат тақдирида муҳим рол ўйнади. Айниқса Олтин Ўрда маданий ва адабий муҳитининг яшаб қолиши учун замин яратилди. Бойбарс илк бор Олтин Ўрда хони Беркайга мактуб юборган пайтда, Олтин Ўрда таназзулга юз тутган эди. Адабий муҳит аста-секин Мисрга кўча бошлади. Миср малуклар давлатидаги адабиёт билан Олтин Ўрдадаги адабий жараённи тил бирлаштирди. Миср-турк давлатидаги адабиётнинг тил хусусиятлари чифатой тили ёдгорликлари билан

---

<sup>6</sup> Gumilevica kulichki net/HE2/

<sup>7</sup> tarihi-tulgalar kz/ru/beibars-sultan.

қиёсланганда, кипчоқ тили элементлари билан бир қаторда, ўғуз тили элементлари ҳам кўп экани кузатилади. Бу тўғрида машҳур туркийшунос Амир Нажип алоҳида тадқиқот яратган.

Миср турк давлатидаги адабиётнинг йирик намунаси сифатида Сайфи Саройи ва унинг замондошлари адабий меросини келтириш мумкин. Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асари илм аҳлига биринчи марта 1915 йили маълум бўлган.<sup>8</sup> Асар Олтин Ўрдадаги таржима адабиётларининг Мисрдаги анъанавий давомидир.

Сайфи Саройи ва унинг ижодкор замондошлари она Ватандан узоқда бўлсалар ҳам, XIV асрнинг иккинчи ярмидаги туркий адабиётни юқори даражага кўтариб, жамики туркий халқлар ўлкаларидаги аҳолига тушунарли тилда ижод қилдилар. XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрда Миср маданий муҳитини мамлуклар тамомила ўзгартириб юбордилар. X В асрда яшаган араб муаррихлари кипчоқ адабий тилида ва араб тилида ижод қилган кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирларнинг номларини келтирадилар. Улар Мисрдаги мадрасаларда турли фанлардан дарс бердилар. Олтин Ўрдадаги ўзаро жангу жадаллар оқибатида XIV асрнинг иккинчи ярмидан кўплаб маданият арбоблари Мисрга кўчиб бориб, янги-янги туркий маданий марказларни пайдо қилдилар. Бу даврда кипчоқ-ўғуз тилида турли мазмундаги ва жанрдаги адабиёт шаклланди. Араб ва форс тилларидан бу тилга таржима қилинган бар қатор асарлар туркий адабиётни миқдор ва сифат жиҳатдан бойитди. Умуман туркий маданий муҳит, туркийча анъана ва руҳ адабиётнинг ривожига имконият яратиб берди. “Шоҳнома”нинг таржимаси ҳам ана шу маданий муҳитнинг маҳсулидир. Машҳур венгер туркийшуноси Вон Лекок шундай ёзган эди: “Мисрнинг маданияти ва санъатининг ривожини муттасил равишда ҳокимият араблардан туркий ҳукмдорлар қўлига ўтган давр билан боғлиқ”. Мисрда нафақат адабиёт

---

<sup>8</sup> Нажип А.Н. Юқоридаги асар, 80-бет.

туркий тилда эди, балки туркий қавмларнинг азалий удум ва кадриятлари ҳам сақланиб қолган эди.

Олтин Ўрдада шаклланган туркий адабий ва илмий муҳитнинг Мисрда мустаҳкам қарор топиб борганини ўша даврда яратилган илмий асарлар ҳам кўрсатади. Туркча-арабча луғатлар (муаллифи номаълум “Таржумони туркий ва ажамий ва мўғулий ва форсий” луғати, Абу Хайённинг “Китоб ал-идрок ли-Лисон ал-Атрок” номли лексика ва грамматикага оид асари, муаллифи номаълум “Ат-Тухфат аз-Закия фил-луғатит-туркия” номли лексика ва грамматикага оид асар, Жамолиддин Туркийнинг “Булғот” номли қипчоқ тили луғати ва ҳ.) бунинг бир далилидир.

Умуман, Олтин Ўрда ва Миср мамлуклар давлати туркий халқлар маданий ва адабий ҳаётида катта из қолдирди. (

## **НОСИРУДДИН БУРҲОНУДДИН РАБҒУЗИЙ ВА УНИНГ “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИ**

**Асарнинг яратилиши, мақсади ва тузилиши.** Юқорида айтилганидай, исломни туркий қавмлар орасига кенг ёйиш, пайғамбарлар ҳаёти билан оммани таништириш ва бу пайғамбарлар тарихига оид асарлар яратиш учун Беркахон ҳукмронлиги давридан бошлаб Олтин Ўрда ҳукмдорлари астойдил ҳаракат қилдилар. “Қисаси Рабғузий” шундай асарлардан биридир.

Рабғузийнинг ҳаёти, ижоди тўғрисида бирон тарихий ёки адабий манбада маълумот сақланиб қолмаган. Бу ижодкор ҳақидаги қисқа маълумотни “Қисаси Рабғузий”дан топиш мумкин.

Асар инсон зотини Оллоҳ Таоло яратгани, аввало хотинни эмас, эркак зотини яратгани, инсонни ёвуз йўлдан қайтаргани ва пок йўлга солгани ҳақидаги ҳамду сано билан бошлайди. Шундан сўнг Муҳаммад Мустафо

с.а.в.га бағишланган бир ғазални келтиради. Чамаси, Рабғузий бу ғазални ўзи ёзган.

Шундан кейин Бурҳониддин ўзининг кимлиги ва “Қисаси Рабғузий”нинг ёзилиш сабабини қуйидагича баён қилади: “...бу китобни тузган, тўат йўлинда тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуклуғ, кўп ёзуклуғ Работ ўғузининг қозиси Бурҳон ўғли Носуриддин уруғи... андоғ айтур...беклар уруғи, йигитлар ариғи, улуғ отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзгу қилқлиғ, ислом ёриғлиғ, мўғул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз, ақли тегиз бегимиз Носируддин Тўқбуға саббаталлоҳу ало динил-ислом ва саломуху”.<sup>9</sup> Бу таърифдан сўнг Тўқбуғабекка бағишланган ўттиз уч мисрадан иборат қасида келтирилади. Қасиданинг талаблари ва қонун-қоидаларига кўра, Тўқбуғабекнинг шахсий фазилатлари мадҳ этилади: у исломга эътиқод қўйган, муттасил Қуръон ўқийди, ҳиммати осмондан ҳам юксак, исломга чин дилдан эътиқод қўйган, хулқ-атвори яхши, кўпроқ дўст орттиришга ҳаракат қилади, кўриниши арслон сифатлиқ, ёши кичик бўлса ҳам улуғсифат, зоти тоза ва ҳ.

Рабғузий асарнинг яратилган йили (ҳижрий 150) ва Тўқбуғанинг унга қилган илтимоси тўғрисида баён қилади. Рабғузий келтирган маълумотлардан шу нарса англашиладики, Тўқбуға пайғамбарлар тарихига бағишланган қиссалардан яхши хабардор. Шунинг учун Тўқбуғабек Рабғузийга пайғамбарлар тўғрисида асар яратишга илтимос қилишдан олдин бу хилдаги қиссаларнинг мазмуни ва шакли тўғрисида маълумот беради. Пайғамбарлар тўғрисидаги баъзи асарлар тўғри, баъзилари нотўғри, айримлари нуқсонли, баъзиларида камчилиги борлигини уқтиради. Асарга “Қисаси ар-Рабғузий” деб ном қўйганини муаллифнинг ўзи қайд этади.

Рабғузий асарни ёзишда Қуръондан, Абу Ишоқ Нишопурийнинг форсча “Қисас ул-анбиё”сидан, Ваҳб ибн Мунаббихнинг араб тилидаги “Каъб ул-ахбор” (мил.728) асаридан фойдаланган. Шунингдек, Шарқда

---

<sup>9</sup> Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1 жилд. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти. 1990, 10-бет. (Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, фақат асар номи ва саҳифаси кўрсатилади.)

яратилган ва машхур бўлган “Қисас ул-анбиё” фақат шулардан иборат эмас. Сахи бин Абдуллоҳ ат-Тустарий (мил. 896), Муҳаммад бин Абдулмалик ал-Мусаббиҳий ал-Хороний (мил.1029) ҳам араб тилида “Қисас ул-анбиё” ёзганлар.

Рабғузийнинг “Қисаи Рабғузий” асари бошқа “Қисас ул-анбиё”лардан фақат тузилиши ва тил жиҳатидангина эмас, балки муаллифнинг бирон далилни тасдиқлаш ёки рад қилиш учун синчков олим сифатида муносабат билдиргани билан ҳам фарқ қилади.

**Рабғузий – манбашунос ва танқидчи.** Рабғузий қиссаларни хикоя қилар экан, нозик дидли, чуқур билимли адабиётшунос сифатида қиссаларнинг мавжуд вариантларини ўрганади, қайси ривоят ҳақиқат, қайси бири уйдирма эканини таҳлил қилади. У қиёсий усулдан фойдаланган ҳолда, ўз қарашларини илгари суради. У манбашунос ва танқидчи сифатида қарашларини тасдиқлаш ёки рад қилиш учун ривоят ҳамда хабар жанрларидан фойдаланади. Бу жиҳатдан Рабғузийнинг ривоят жанридан фойдаланиш усули Берунийникига ўхшайди. Рабғузий деярли ҳар бир қисса таркибида “савол” ва “жавоб” келтиради. Бу “савол” ва “жавоб”лар воқеаларга аниқлик киритиш, уларга китобхонни ишонтириш мақсадида келтирилади. Бунинг учун далилларнинг бир нечтасини китобхон ҳукмига ҳавола қилади. Бир мисол келтирайлик:

Оллоҳ Таоло ўтдан яратган Жонн исмли халқ тўғрисида уч далилни Рабғузий баён қилади. Бири – Калбийнинг ривояти, иккинчиси – Абдулла ибн Аббоснинг ривоятидир. Учинчи далил сифатида бошқа бир хабарни келтиради. Ҳар учаласида келтирилган далиллар бир-биридан тамомила фарқли, бир-бирини тўлдирмайди, аксинча, бир-бирига зиддир. Рабғузий асло, мана бу далил ёки ривоят ишончлидир, деб айтмайди, балки ишончли далилни охирида келтириб, бошқа далилларга нисбатан батафсил баён қилади. Унинг ишончли ривоят ёки ишончли хабар жанрига қўйган талаби шудир. Юқоридаги Калбий ривоятида ўтган яратилган Жонн исмли халқ дунёни этмиш минг йил бошқарди. Абдуллоҳ ибн Аббос ривоятига кўра эса,

ўн саккиз минг йил бошқарди, деган маълумотни келтиради. Ҳар иккала ривоят ҳам Рабғузийда тўлақонли ишонч ҳосил қилмайди ва учинчи далилни – хабарни келтиради. Хабарнинг Рабғузий учун ишончилиги шундан иборат: Мавло Таоло дунёни яратганда, эрни қушларга мулк қилиб берди, этти минг йил қушлар бошқарди. Ундан сўнг Жин ибн ал-Жоннга берди, этти минг йил унинг халқи бошқарди. У халқ кўп гуноҳ ишлар қилди, қон тўққанлари учун, эрни улардан олиб, фаришталарга берди. Этти минг йилдан кейин фаришталардан олиб, эр юзида халифа яратурман, деб хитоб қилди.

Сўнгги хабарни Рабғузий ишончли деб топгани учун батафсил ҳикоя қилади. Шу хабардан кейин келтирилган “савол” ва “жавоб” айнан хабарда келтирилган воқеаларни яна бир марта тасдиқлаш учун келтирилган (14-15-бет).

Рабғузий қисса, ривоят, хабар ва бошқа жанрлар таркибига олиб кирган “савол” ва “жавоб” “Қисаси Рабғузий” таркибида муҳим қисм эканига эътибор қаратиш лозим. Рабғузий барча “савол”га ҳикмат, яъни сир, сабаб юклайди, “жавоб” ана шу сирларни, сабабларни очади.

Баъзан қисса таркибидаги “савол” битта бўлгани ҳолда, жавобларнинг бир неча вариантлари келтирилади. Масалан, “Юсуф” қиссаси бошланишида “аҳсан ул-қасас” – “қиссаларнинг энг гўзали” деб таъриф берилади. Сўнгра Рабғузий “Юсуф” қиссасининг моҳиятига ва қиссанинг ҳақиқатан гўзал қисса эканига эътиборни қаратади: “САВОЛ: “Аҳсан” демакда ҳикмат не эрди?” Рабғузий бу саволга тўққизта жавоб илова қилади. Жавоблар сўнгида “Юсуф” сураси ўн турли қайғудан халос қиладиган сура эканини таъкидлайди (100 б.) Умуман, савол ва жавоблар қиссаларнинг асосий мазмунига урғу қаратишга, қиссаларни тўғри тушунишга хизмат қилади.

Рабғузий ўз даврининг этук адабиётхунос олимидир. У далилларнинг ишончли эканини тасдиқлаш усуллари топади. “Қиссаи Исмоил алайҳиссалом” ва “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да Рабғузий ишончли манбага таяниш учун қиёсий усулдан фойдаланади. Бу усул Рабғузийнинг нуқтадон адабиётхунос сифатидаги қиррасини кўрсатади.

Жумладан, Исмоил Ҳожардан туғилгани воқеасини ҳикоя қилганда, икки ривоятни қиёслайди. Баъзи ривоятларга кўра, дейди Рабғузий, Исмоил Ҳожардан шу эрда (яъни ўзлари яшаб турган Канъон юрти – Н.Р.) туғилди, айрим ривоятларга қараганда, Ҳожарнинг ой-куни яқинлашганда, Сора сабр қилмай, Ҳожарни ўзлари яшаб турган жойдан Иброҳим билан бир жўнатиб юборди. Иккинчи ривоятни Рабғузий ишончли деб топгани учун, шу вариантини ҳикоя қилади. Ёки “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом” қиссаси аввалида уламолар орасида ихтилоф борлигини айтади. Ихтилоф шундан иборатки, “забиҳ (бўғизланадиган, қурбонлик қилинадиган) Исмоилму ё Ишоқму?” Бу ихтилофни баён қилар экан, бу борада араблар - Исмоил, яҳудийлар - Ишоқ, бошқа айрим уламолар эса ҳар иккиси ҳам забиҳ бўлгани тўғрисидаги мунозарага тўхталади. Шундан сўнг мунозараларга барҳам бериш мақсадида ишончли манбага – Пайғамбар а.с.нинг қуйидаги ҳадисига мурожаат этади: *“Икки бўғузланмишнинг ўғлиман”*. Рабғузий ана шу ҳадисга таянади ва воқеани шу ҳадисга боғлаб давом эттиради, ҳадиснинг қанчалик ишончли эканини очиш мақсадида ҳадисга оид воқеани баён этади.

Рабғузий манбаларга таяниб, хулоса чиқаради, китобхонда саволга ўрин қолдирмасликка ҳаракат қилади. Китобхонда савол туғилиши мумкинлигини доим назарда тутаяди. Масалан, Рабғузий юқоридаги ҳадисни ишончли манба ва далил сифатида келтирар экан, бунинг ортида яна бир савол туғилиши мумкинлигини эътиборга олади. Шу ўринда Рабғузий туғилиши муқаррар бўлган саволни ва саволга жавобни тадқиқ этади:

“САВОЛ: Мустафо алайҳиссалом Исмоилдин турур, Ишоқдин эрмас...Икки бўғузланмишнинг ўғлиман демак не бўлур?” Мана, китобхонни ўйлантирадиган муаммо. Рабғузий бу муаммони этнограф сифатида ҳал қилади: “Арабнинг одати бор. Амmani ота деюрлар. Уламолардан бириси айтур: агар Исмоил забиҳ эрди деб уч талоқ онт ичса, эвлуги талоқ бўлмағай, анинг учунким, Оллоҳ Таоло Куръон ичинда Исмоил қурбон қилинмиш қиссасин тамом қилинмишда хабар берур, ёрлиқар: *Ва башишарнаҳу би Исхака набийян мин ас-солиҳина*. Аммо дурустрак қавл ул турурким, *инни ибну забиҳайн* (Ики бўғузланмишнинг ўғлиман) дан мурод бири Исмоил турур, яна бири отаси Абдуллоҳ

турур”. Демак, Исмоилнинг қаторида тургувчи Ишок, яъни Тавротдаги Ишок эмас. Шу жавоб ортидаги воқеани китобхонга Рабғузий шарҳлайди, воқеани исломнинг илк шаклланиш давридаги хабарларга асосланган ҳолда батафсил келтиради. Хабарда келтирилишича, Мустафо алайҳиссаломнинг катта отаси Абдул Муталлиб даврида Замзам кудуғи қуриб қолади. Абдул Муталлиб: “”Оллоҳ Таоло сув берса, бир ўғлимни қурбон қиламан”, деб онт ичади. Абдул Муталлибнинг бир хотинидан тўққизта ўғли бор эди. Ўша кунлари бошқа хотини ўғил туғди. Бу ўғлини Абдул Муталлиб бошқа ўғилларига қараганда ортиқ севар эди. Абдул Муталлиб Оллоҳга берган ваъдасига кўра, қуръа ташлаб, ўғиларидан бирини қурбон қилмоқчи бўлди. Қуръа Абдуллоҳга чиқди. Абдул Муталлиб пичоқ олиб. Ўғлини қурбон қилишга шайланди. Маккада Абдуллоҳнинг Темур махзум деган онаси томондан қариндоши бор эди. У Маккада анча обрўли одам эди. Темур махзум, Шом вилоятида машҳур фолчига бор, одам юборинглар, фолбин қандай ҳукм қилса, бажаринглар, деди. Борган одамлар фолбиндан ўраган эдилар, фолбин шундай деб буюрди: “Абдуллоҳни ва ўнта туяни ёнма-ён қўйиб, қуръа ташланглар. Қуръа туяга чиқса, туяни қурбон қилинглар, Абдуллоҳ қолсин. Абдуллоғ отига чиқса, яна ўнта туя қўшинглар ва қуръа ташланглар”. Қуръа туяга чиққунча шундай қилдилар. Туялар миқдори юзтага этганда, қуръа туяга тушди дея туяларни қурбон қилдилар. Абдуллоҳ қолди.

Бу воқеани Рабғузий “Бу кун шариатда эр баҳоси юз туядан қолди”, деб изоҳлайди ва Пайғамбар а.с.нинг “Икки бўғузланмишнинг ўғлиман”, деб айтган ҳадиси маъносини шу тариқа тўлиқ очиб беради.

Рабғузий асарни ёзиш жараёнида ўзининг зиммасида катта масъулият ётганини ҳар доим ҳис қилиб туради. Шу боис ҳам манбаларни чуқур ва диққат билан ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Унинг учун мусулмон манбалари ҳам, яҳудий манбалари ҳам бирдир. У учун энг муҳими – манбаларнинг ишончлилигидир. Жумладан, Рабғузий ўзигача яратилган тафсирларни синчиклаб ўрганиб, бошқа тарихий, адабий манбалар билан солиштириб чиққан, ихтилоф бор ўринларда манбаларга аниқ ишора қилади. Масалан, Рабғузий келтирган ривоятларга кўра, Юсуфга зарар этказган акалари пайғамбар уруғидан экан. Аммо Имом Абулҳасан Шофибийнинг “Усмаат ул-анбиё” асарида Юсуфнинг қариндошлари унга зарар этказган пайтда ялавоч эмас эдилар, деган маълумотни келтиради.



“Қисаси Рабғузий” – бадий асар. Асар 72 қиссадан ташкил топган. Ҳар бир қисса таркибида ҳикоят, ғазал, латифа, ривоят, тўртлик (118-б.), савол ва жавоб, ҳикмат, ҳадис каби жанрлар ва шакллар бор. Айниқса, Яссавий ҳикматларига мазмун ва шакл томондан ҳамоҳанг ҳикматларнинг учрагани диққатга сазовор. Бу ҳикматлар ҳар бир қиссада ҳар бир пайғамбарга бағишлаб ёзилган.

“Қисаси Рабғузий” туркий тилда сўзлашувчи китобхонларга пайғамбарлар ҳақида тўлақонли, далилларга асосланган, ишончли маълумотларни этказиш, шу билан бирга, Шайх Шиблий (23), Умар Хаттоб разияллоҳу (34), Имом Шайх Жўйборий (34), Шайх Басрий (107) каби қатор улғ мутасаввифлар ҳаёти ва таълимотига оид лавҳалар билан таништиришдан иборат. Қуйида “Қисаси Рабғузий”даги ҳар бир жанрни кўриб чиқамиз.

**Қисса.** Рабғузий қисса жанрини бугунги сингари адабий термин маъносида – бир бутун асар маъносида ишлатади. Зотан, ҳар бир қисса таркибининг тузилиши, воқеалар баёни, композицияси шундан далолат беради. Ҳар бир қисса мустақил бадий асар сингари тузилган. Намуна сифатида “Қиссаи Одам сафий алайҳиссалом” қиссасини олиб кўрайлик.

Қисса Одам алайҳиссаломнинг таъриф-тавсифи билан бошланади: унинг тупроқдан яратилгани ва Иблиснинг васвасасига илиниб, қоронғу оламга тушгани, каромат туфайли яна мукаррам бўлгани баён қилингандан сўнг, ўн тўрт мисралик шеър келади:

Ҳақ яратди тангсуқ Одамни тафиз эр кўркидин,

Ўзга сураат тузди андоғ ажун ичра илкидин.

Тахтини кўтуруб фаришта ужмоҳ ичра кивуруб,

Тезгинурда чиқмадилар ҳаргиз анинг эркидин.

“Қиссаи Рабғузий” воқеалари изчил хронологияга асосланган, ҳар бир қисса маълум мақсадга бўйсундирилган. “Қисаси Рабғузий” – инсон

қалби ва кўнглига мурожаат этиб, уни маънавий камолотга йўлловчи асардир. Қиссалардан ибратли хулоса чиқариш, қиссаларда кўтарилган қонун-қоидалар, ахлоқ-одоб, ўғитларни китобхонга сингдириш ҳам қиссаларнинг асосий мақсадларидандир.

Инсонни нима йўлдан оздиради, нима тубанлаштиради деган савол ҳар бир қиссада кўндаланг бўлиб туради. Рабғузий инсониятга ўғит бермайди ёки насиҳат қилмайди, балки ҳикоятлар, пайғамбарлар ҳаётидан ривоятларни келтириб, китобхоннинг ҳукмига ҳавола қилади. Бу оламнинг бойликларига кўнгиладан боғлаш инсониятни йўлдан оздирадиган иллат экани асарнинг кўп ўринларида маълум ривоятлар воситасида баён қилинади. Бу эътиқоднинг ёрқин намунаси Одам алайҳиссалом қиссасида баён қилинган:

Оллоҳдан эр юзига ёрлиғ келиб, жамики инсониятга қарата, дунёни кўриб келинг, деди. Одамлар келиб, дунёни кўрдилару у эрда қолдилар, озгина қисми қайтиб келди. “Хитоб келди: “Ўзгаларингиз қани?” теб. Айдилар: “Дунёни кўрдилар, кўнгиллари дунёни тилади, анда қолдилар”. Ёрлиғ келди: “Ужмоҳға боринг, ужмоҳ нима кўрунг”. Бордилар, ужмоҳни кўрдилар, уларнингма укушраки ужмоҳта қолдилар. Ёрлиғ келди: “Азинларингиз қани?” Айдилар: “Илоҳий, уларма ужмоҳни тиладилар, анда қолдилар”. Аймишлар, дунёда қолганлар кофирлар эдилар, ужмоҳта қолганлар мўъминларнинг омлари эрдилар. Ужмоҳни унамадин ҳазратға келганлари хос қуллар эрди. Ёрлиғ келди: “Дунёға кўнгиладан бермадингиз, ужмоҳни унамадингиз, эмди не тилаюрсиз?” Айдилар: “Илоҳий, бизга дунё керакмас, уқбо керакмас. Бизга сен кераксен”. Ёрлиғ келди: “Ким мени тилади эрса манинг хазинам ичинда қаю бало улуғроқ эрса ул балони анга берурман”. Айдилар: “Ула бало бермишда сан бизнинг била бўлғаймусен?” Айдилар: “Бўлурмен”. Айдилар: “Илоҳий, бало тегмишда сен бизнинг бирла бўлсанг, ул онча балони бизга ҳавола қилсанг, қабул қилғаймиз”, тедилар

Мазкур ривоятнинг мазмунидан кўриниб турибдики, инсонлар учун Оллоҳ раво кўрадиган бало – маломатдир. Маломат ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобу машаққатдир. Оллоҳнинг йўлида хизмат қилиш учун инсонларга бу дунё ҳам, жаннат ҳам керак эмас, балки Оллоҳ раво кўрган машаққатларни улар хурсандчилик билан қабул қиладилар.

Маломатийларнинг асосий ақидалари шундан иборатдир. Аксарият пайғамбарларнинг ҳаёти ва эътиқоди ана шу маслакка асосланган.

“Қисаси Рабғузий”да бир қатор пайғамбарлар – Шис алайҳиссалом, Идрис ва Нух, Ҳуд ва Солиҳ, Иброҳим ва Исмоил, Ишоқ ва Лут, Ёқуб ва Юсуф, Мусо ва Исо алайҳиссаломга оид воқеалар ҳамда уларнинг ҳар бирига хос фазилатлар ҳикоя қилинади. Бу қиссаларда Рабғузий асосий эътибор қаратган нуқталар – мазкур пайғамбарларнинг ҳунари ва аъмоли, пайғамбарнинг ҳаёти, феъл-атвори билан боғлиқ диққатга сазовор воқеалардир. Жумладан, Шис алайҳиссалом қиссасида ҳикоя қилинишича, унга бўзчилик ҳунари ато қилинган. Шундан сўнг мутасаввиф Шақиқ Балхий билан бир бўзчи ҳикояси берилган бўлиб, Шақиқ Балхий бу бўзчини тасаввиф йўлини давом эттиришга даъват қилади.

Ёки Идрис алайҳиссалом қиссасида воқеалар баёни куйидагича: унинг исми Ахнух, кўп сабоқ олгани учун Идрис деб ном олган. Дастлаб либос кийган ҳам у, танасига игна санчганларида ҳам тасбиҳ айтган ҳам у эди. Жамики инсониятнинг тоат ибодати қанча бўлса, Идриснинг тоати уларники билан тенг эди.

Идрисга оид бу таърифдан сўнг фариштанing Идрисни синовига оид воқеа келтирилади. Фақат Идрисга Мавло абадий яшаш ҳуқуқини берган.

Рабғузийнинг барча пайғамбарлар тўғрисидаги қиссалари ҳажман ва тузилиш жиҳатидан бир хил эмас. Айтайлик, Нух пайғамбар қиссасида ҳикоя қилинган воқеалар яҳудий ва ислом манбаларида кенг тарқалган анъанавий Тўфон афсонасидан кескин фарқ қилмайди. Ёки Шис, Солиҳ алайҳиссалом қиссалари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин – воқеалар қисқа, мазкур пайғамбарларнинг ҳаётдан бир-икки лавҳани ҳикоя қилиб билан чекланилган. Иброҳим ва Юсуф қиссалари эса воқеалар қамровининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Зотан, бу қиссаларда Рабғузийнинг маҳорати ҳам, мафқураси ҳам, фалсафий қарашлари ҳам аниқ юзага чиқади. Бу қиссалар бир неча жанрлар кесишувида яратилган деб айтиш мумкин. Жумладан, Иброҳим қиссаси фақат Иброҳим ва Сорага оид воқеалардан

иборат эмас, балки ишончли манбалардан ташқари, халқ орасидаги ривоятларни ва афсоналарни, бошқа пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни ҳам бу қиссага олиб киради. Қиссанинг энг диққатга сазовор жиҳати - Иброҳимнинг туғилиши лавҳасидир. Мусо ва Исо туғилганда, ҳукмдорлар туш кўриб, ёки башоратчиларнинг сўзларига ишониб, мамлакатда чақалоқларни қирғин қилган эдилар. Худди шу воқеа “Қисаси Рабғузий”да Иброҳимнинг туғилиш лавҳасига кўчирилган. Бу воқеалар ва мажусий Намруд ва Иброҳим ўртасидаги баҳс-мунозаралар, бутпарастлик оқибатида Намруднинг ҳалокати шуни кўрсатадики, Рабғузий қисса жанрига фалсафий, ахлоқий-маънавий қарашларини сингдирди.

Қиссанинг сюжет ҳам ўзига хос. Намруднинг ҳалокати билан қисса сюжети ниҳоясига этгандай таассурот қолдиради. Аммо қиссанинг кейинги воқеалари ривож Иброҳим образининг тўлақонли чиқишига имкон берган. Зотан, Исмоил, Ишоқнинг онаси Сора, Ишоқнинг хотини Рукъа ва уларнинг фарзандлари Ияз ва Ёқуб, Иброҳим ва Соранинг вафоти воқеалари бу қиссани бир неча сюжет чизиқлари орқали яратишга асос бўлди.

“Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳиссалом” (соддароқ шаклда Юсуф қиссаси ҳам дейилади) худди Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қисса сингари кўп қирралидир. Юқорида Юсуф қиссаси энг гўзал қисса экани тўғрисида айтган эдик. Қиссанинг тузилишида, воқеалар ривожиди ҳам ўзига хослик бор. Бу ўзига хослик, биринчи навбатда, мазкур қиссанинг ҳажман катталиги бўлса, иккинчидан, қисса таркибида бир қатор жанрлар – ғазал, латифа, ҳикоят ва тўртлик шакли бор. Ҳар бир жанр Юсуфнинг бирон қиррасини – одамийлик сифатларини, эътиқодини, тенгсиз ва такрорланмас ишқ эгаси эканини очади. Қолаверса, Рабғузий ўзининг шоирлик маҳоратини ҳам шу қисса орқали намоён қилди.

“Қисаси Рабғузий”даги Юсуф қиссаси – ўзбек адабиётида алоҳида ҳодиса. Қисса жанри талабларини тўлиқ ифода этади. Қисса таркибида бир қатор жанрлардан истифода этишдан Рабғузийнинг мақсади бор. Мақсад шундан иборатки, Рабғузий эпик асар қаҳрамонининг – Юсуфнинг

тўлақонли, мукаммал образини яратиш ва қиссанинг барча жанрларида баён қилинган воқеаларни Юсуф образига бўйсундиришдир. Шу боис Рабғузий Юсуфнинг таржимаи ҳолини хронология бўйича ҳикоя қилмайди, қайси воқеа ёки детал Юсуфнинг бирон қиррасини очадиган бўлса, ўша воқеани келтиради. Масалан, қиссанинг аввалида Юсуфнинг кейинги ҳаётига оид воқеалар - унинг гўзаллиги, хушхулқлиги, отасининг суюкли фарзанд экани, тушларни таъбирлаш қобилияти борлиги, ўғай акалари унга ҳасад қилиб, сотиб юборганлари ва ниҳоят, Миср юртида ҳокими бўлгани баён қилинган шеър (ғазал) келтирилади. Бу шеърни Юсуф қиссасининг эпиграфи деб айтиш мумкин. Айти пайтда Шарқдаги барча “Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” қиссаларининг асоси бўлган мана шу сюжет “поетик ўзлаштириш”нинг маҳсули сифатида қаралади. Ана шу ўзак сюжет орқали китобхонда Юсуф қиссасининг анъанавий сюжети ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Юсуфнинг изчил ҳаёти билан боғлиқ воқеалар шу шеърдан кейин бошланади.

Ўзбек қиссаларининг, хусусан, “Қисаси Рабғузий”даги қиссаларининг юзага келишида Шарқнинг диний адабиётидаги, хусусан, Қуръон сюжетларининг таъсир этгани аён ҳақиқат. Айти пайтда Шарқ адабиётига бошқа манбалар – халқ оғзаки ижоди ҳам таъсир этди. Масалан, “Қисаси Рабғузий”даги Юсуф қиссаси ва кўплаб “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларидаги бегуноҳ йигит ва ёмон хотин ҳақидаги сюжетларнинг илдизи Рамзес даврида шаклланган Миср адабиётида шаклланган эди. Бу эртак “Тўғрилиқ ва эгрилик ҳақида эртак” деб номланади. Эртакда ҳикоя қилинишича, ёмон хотин ёш йигитни йўлдан урмоқчи бўлади. Аммо адолат ғалаба қилади ва йигитнинг бегуноҳлиги исботини топади.

Асардаги қисса жанрининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, бирон воқеа-ҳодиса ҳақидаги ҳикоя ёки ривоятни ҳам Рабғузий “қисса” деб атайди. Масалан, “Қиссаи бинои Каъба”, “Чугуртка қиссаси”, “Тавротнинг қиссаси” кабилан шулар жумласидандир. Бу қиссаларда воқеаларни баён қилиш усули пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларга монанддир:

воқеалар кенг қамровли, энг муҳим воқеалар баён қилинади ва уларга урғу қаратилади.

**Ҳикоят.** Бу жанр қиссаларнинг таркибида берилган. Рабғузий қиссанинг қаҳрамони – бирон пайғамбар ёки бошқа шахснинг ҳаётидаги бирон воқеани тасдиқлаш, китобхоннинг диққатини жалб қилиш учун ўша воқеа мазмунига ҳамоҳанг ҳикоят келтиради.

“Қиссаси Рабғузий”да қиссалардан кўра ҳикоятлар кўп. Ҳикоятларнинг баъзилари бирон пайғамбарнинг сифати ва мўъжизавий қудратини тасдиқлаш учун келтирилган. Масалан, Исо алайҳиссалом қиссасида Исонинг хасталарга шифо бериш, ўликларни тирилтириш қудратини тасдиқлаш мақсадида Рабғузий бир ҳикоят келтиради.

Ҳикоятда айтилишича, Исо бир хумдан сув ичган эди, сув аччиқ экан, тўкиб ташлади. Сўнг ариқ сувидан ичган эди, сув чучук экан. Ҳайрон бўлиб сўради: “Ариқ суви чучук, хумнинг суви аччиқ. Бунинг ҳикмати нимада экан?” Шу лаҳзада: “Хумдан сўра”, деган нидо келди. Оллоҳ Таоло хумга тил ато қилди ва Исо бояги саволини берди. Хум шундай жавоб берди: “Мен инсон эдим, ўлдим. Кўп йиллар ўтди. Этим, танам, суякларим чириди, тупроққа айланди. Ўша тупроқдан хум ясадилар. Сувнинг аччиғи жоннинг аччиғидир”. Айтишларича, Исога бир хилда туриш раво эмас эди. У юрганда, хасталар манфаат топар эдилар. Исо қачон ҳаракатда бўлиб, юрганда, халойиқ **озор топар эди**.

Ёки Исо ҳақидаги бошқа бир ҳикоятда унинг фақирликни ихтиёр қилгани баён этилади. Инсонлар мол-дунё ташвишида умрини беҳудага ўтказишлари ақлдан эмас деган ўғитни илгари суради, фақирлик улуғланади.

Бир куни Исо чўлга чикди. Инидан чиқаётган бир тулкини кўрди. Исо айтди: “Тулкининг уйи бор, Исоники йўқ”. Одамлар бу гапни эшитиб: “Биз сенга бир уй қуриб берайлик”, дедилар. “Молим йўқ”, деди Исо. Одамлар мол йиғдилар, сўрадилар: “Қаерда қурайлик?” Исо денгиз қирғоғига борди ва “Қумнинг устига қуришлар”, деди. Одамлар айтдилар: “Қум устида уй турадимиз?” “Оқил одам бу дунёда уй қиладими?!” деб жавоб берди Исо.

Рабғузий бу ҳикоятни келтириш орқали уй қуришни эмас, балки ҳашаматлиликни қоралайди, инсон ҳашамат билан яшар экан, бунинг

оқибатида инсон кўп нарсадан – эътиқод, мақсад, кўпчиликка манфаат келтириш, рухий собитлик, маънавий уйғоқликдан халос бўлади, деб айтмоқда. Исо ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган солиҳ зот эканини таъкидламоқда.

Айрим ҳикоятларнинг тузилиши, баён усули эса эртақларникига ўхшайди. “Қиссаи валодати Муҳаммад Расулulloҳи Саллаллоҳу алайҳи ва саллам”да Муҳаммад а.с.нинг дунёга келишига оид ҳикоят бор. Бу ҳикоятни уч қисмга бўлиш мумкин. Ҳикоятнинг биринчи қисми худди эртақларнинг бошланмаси сингари макон тасвири билан бошланади: “Шом вилоятиндаги маликнинг бир Фотима отлиғ қизи бор эрди”. Ҳикоядаги бундан кейинги воқеалар сафар (Фотиманинг қуллари ва хизматкорлари билан молу бойликларини туяларга юклаб, Маккага келиши) мотивини эслатади. Воқеалар ривожда ғайритабиий детал – Абдуллоҳнинг кўлидаги нур алоҳида тасвирланади, Фотима ўша нур илинжида Абдуллоҳга, менга уйлангин, деб таклиф қилади, аммо нур Абдуллоҳдан ўз завжаси Аминага ўтиб қолади ва Амина юкли бўлади. Шу орада Абдуллоҳ вафот этади. Абдуллоҳ вафотидан кейин Амина ўғил туғади. Ўғилнинг туғилиш лавҳаси ғаройиб тарзда берилади: жамики фаришталар ўғил туғилиши арафасида ҳавода йиғилиб турадилар. Фаришталар оламнинг фахри ана шу туғилажак чақалоқ эканини башорат қиладилар. Чақалоқ ўғил туғилганда, бир парча оқ булут тушиб, уни осмонга олиб чиқиб кетади.

Худди шу воқеадан сўнг Рабғузий воқеани тамомила бошқа томонга буради. Бу воқеани **киритма ҳикоя** деб атасак тўғрироқ бўлади. Бир парча оқ булут тушиб келиб, чақалоқ Муҳаммадни осмонга олиб чиқиб кетгандан кейин Муҳаммаднинг сифатлари Тавротда, Забурда, Инжилда баён қилингани, оқ булут доимо Расулға умри давомида ҳамроҳ бўлгани, Расулнинг онаси Амина аммаси Отикага юз берган воқеаларни – ўғли билан боғлиқ мўъжизаларни ҳикоя қилиб бергани ва Расулнинг кейинги ҳаётига оид кўп воқеалар ҳикоя қилинади (2 том, 104-105). Гуноҳкор бандалар минг

йил кофир бўлганда ҳам, бир соат Муҳаммадга эргашса, гуноҳлари ювилиб кетиши ҳақидаги воқеа билан Рабғузий киритма ҳикояни ниҳоясига этказади.

Ана шу ўринда Рабғузий ҳикоячиликдаги маҳоратини намоён қилади. У мазкур ҳикояни қолган жойидан – оқ булут чақалоқни осмонга олиб чиқиб кетган жойидан “*келдук баёқи сўзга*” дея давом эттириб кетади: “Ул замонким, Муҳаммадни булут келтурди. Амина ўғлонга эмукин берайин теди эрса, олмади”. Ҳикояда баён қилинишича, чақалоқ онасини йигирма беш кун давомида эммагандан кейин, Амина қайғуриб оламдан ўтди. Ўғилни дояга бердилар.

Маълум бўладики, Рабғузий шу биргина ҳикояда бир неча воқеаларни, кўп деталларни беради. Барча воқеалар ва деталлар ҳикоятни эртак жанрига яқинлаштиради. Эртакларда кўп учрайдиган баён усули (“енди сўзни фалон подшоҳдан эшитинг” ёки “енди гапни фалончидан эшитинг” каби) орқали Рабғузий мазкур ҳикоятни бир неча сюжет чизиқли қилиб яратишга эришган.

Рабғузий қиссалар таркибига ҳикоятларни олиб кирар экан, ҳикоялар сюжетига афсонавий руҳ ва мазмун сингдиради, ҳикояларнинг дидактик моҳиятига алоҳида урғу қаратади. Бу билан Рабғузий ўз асарига ҳикояларнинг ранг-баранглигини таъминлаган, бадиий асарнинг муҳим адабий категорияларини – муаллиф позициясини, ҳис-туйғуларни, мавзунни, яъни ахлоқий, фалсафий муаммоларни, ғояни шакллантирган. Айниқса, эътиқод ва бадиий асар бутунлигини таъминлашга эришган. Нуҳ алайҳиссалом қиссасида баён қилинган қуйидаги ҳикоят айти шу мақсадларни гавдалантиради:

Нуҳнинг бир қизи бор эди. Бири қизига совчиликка келди. Берсаммикан, деб ўйлади. Яна бир келди, бунга берсаммикан, деди. Хуллас, тўрт совчи келди ва ҳаммасига беришни ихтиёр қилди. Ҳаммалар қизни олиб кетгани келдилар. Нуҳ алайҳиссалом қайғуга ботди. Уйига кирди. Уйида бир қиз ити ва бир моча эшаги бор эди. Худонинг қудрати билан иккаласи ҳам қиз эди. Худо жаннатдан бир хурни берди. Тўртала қизни Нуҳ тўртга куёвга берди. Қизларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшар эди. Ўзининг қизини таний олмади. Бир неча кундан кейин совғалар олиб, қизларини кўргани келди.



Бир куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” “Яхшиман, аммо у эмайдиам, ичмайдиам”. Нух билдики, у хур экан. Иккинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви: “Қанжиқ экан”, деди. Нух билдики, ит экан. Учинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви: “Эйди, ичади. Эшакдай ётаверади”. Нух билдики, у мода эшак экан. Тўртинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви деди: “Мен ундан мамнунман, пайғамбарлар уруғидан экан”. Нух алайҳиссалом билдики, буниси ўзининг қизи экан. Олиб келган совғасини унга берди.

**Ривоят.** Қиссалар таркибида қўлланадиган сермахсул жанрлардандир. Рабғузий келтирган ривоятлар мавзу жиҳатидан турлича бўлиб, асосан, ҳажм жиҳатидан ҳикоятга нисбатан каттароқ, ривоят қаҳрамонининг мўъжизаларини, унинг ҳаётига оид воқеаларни баён қилади. Ривоятда маълум даражада тарихийлик тамойили бўлади. Шунингдек, афсонавий-эпик рух ривоятларнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Солиҳ ялавоч қиссасидаги ривоят айнан шундан дарак беради. Рабғузий Солиҳ ялавочни ва унинг фаолиятини ҳикоя қилар экан, у одамларнинг қўйларини ва йилқиларини хуркитиб, ҳадеб безовта қилаверадиган туяни ким ўлдиришини башорат қилади. Қиссанинг таркибидаги ривоят айни шундан бошланади. Ривоятнинг бошланишида Солиҳ ялавоч башорат қилган “қизил юзли, сариқ сочли, чақир кўзли” одам туяни ўлдиради деб қилган башорати оқибатида одамлар шу ранг ва қиёфада туғилган болани ўлдираверадилар. Охири Солиҳ ялавоч билан туяни ўлдирган одамлар ўртасида зиддият келиб чиқди ва одамлар Солиҳни ўлдириш пайига тушадилар. Ривоят баёни давомида Солиҳнинг мўъжизалари, унинг азиз мукаррам ялавоч экани далиллар билан кўрсатилади.

“Қисаси Рабғузий”даги ривоятларнинг бир тури борки, ақидалар ва удумлар ривоятга асос бўлди. Ривоятда воқеаларнинг баёнидан кўра, маълум удумларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва омиллари асосий ўрин эгаллайди. Масалан, Одам алайҳиссалом қиссасида қурбонлик удумларининг пайдо бўлиш сабабларига оид ривоят шундан далолат беради (1, 28 б.).

Рабғузий айрим ривоятларга айнан тарихий далилларни юклайди. Масалан, Нух алайҳиссалом қиссасида инсониятнинг пайдо бўлиш тарихига оид ривоятни келтирар экан. Бу ривоятни Рабғузий Каъбнинг асаридан олиб келтиради. Ривоят эпик сюжетга эга бўлмай, фақат Каъбнинг хулосаларидан иборатдир (1,46). Рабғузий Каъбнинг асарида келтирилган маълумотлар ривоят хулосаси учун кифоя деб билгани сабабли воқеаларни баён қилишни лозим деб билмаган.

Рабғузий ривоят жанрига алоҳида урғу бериб, бу жанрга дидактик мазмун юклайди. Айни пайтда ривоятнинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бир томондан, ривоятни турли ишончли манбалардан келтиради, иккинчи томондан, қиссада баён қилинаётган воқеаларга аниқлик киритиш мақсадини ривоят намоён этади. Юсуф қиссасида келтирилган ривоят бунга яққол далилдир. Ривоятни Рабғузий икки қисмга бўлиб берган: ривоятнинг биринчи қисмини Абдуллоҳ ибн Аббосдан келтиради. Унинг асаридан келтирилган ривоят Юсуфнинг ва Ибн Яминнинг тақдири ҳақида кўп асарларда баён этилган анъанавий сюжетни тўлдиради, шарҳлайди: Ёқубнинг Юсуф ва Ибн Ямин тақдири ҳақида Азроилга берган саволлари, Азроилнинг Ёқубга Юсуф ва Ибн Ямин бегуноҳ ва айбсиз эканлари ҳақида берган хабари, бир кун Ёқуб иккала ўғли билан кўришуви муқаррар экани тўғрисидаги воқеалардан иборат. Ривоятнинг бу қисми тугалланмасида Рабғузий қуйидаги ўғитни беради: “Одам болалари насибаси келишини биладилар, аммо қачон келишини билмайдилар, қўрқувлари шундандир” (153 б). Бу ривоятдан кейинги – қиссанинг таркибига кирган воқеалар Юсуфнинг Мисрдаги мавқеи, Ёқуб ўғилларини Мисрга дон олиб келиш учун юбориши, Юсуф саройининг тасвири, Ёқуб ўғиллари Ибн Яминни қайтариб беришни сўраб Юсуфга қилган илтижоларидан иборатдир. Қисса воқеалари билан кейин келтирилган ривоят узлуксиз давом этган. Рабғузий “ривоят” деб алоҳида таъкидлашига сабаб шуки, бу ривоятнинг манбаи бор. Манба - Абдуллоҳ Ҳорис Ибн Навфал асаридан келтирилган воқеалардир. Ривоятда баён қилинишича, Юсуфга Ибн Яминни сўраб қилган илтижолари беҳуда

кетди. Акалар Юсуфдан Ибн Яминнинг тақдирини сўраганда, шундай жавоб берди: “Уни сотдим, битик олдим, мана ўша битик, у иброний тилида, биз ибронийчани билмаймиз, ибронийча – сизларнинг тилингиз, ўқинглар, биз ҳам эшитайлик”. Ака-укалар битикни бир-бирларига узатдилар, биронтаси ўқимади, “Биз ўқишни билмаймиз”, деб жавоб бердилар. Юсуф уларга: “Нега ўз тилингизни билмайсизлар?” деб эътироз билдирди. Охири Яхудо ўқиган эди, ҳамма саргузаштлар маълум бўлди. Битигда Юсуфни молик Заърга сотганлари ҳақида ёзилган эди. Юсуф: Ҳозиргача бўри эган дер эдингиз, у сизларнинг туғишганингиз экан; қариндошни сотмоқ раво бўлурми?” деб ҳаммалари тутишга амр берди. Юсуф уларни азоблаб ўлдиринглар, токи бошқаларга сабоқ бўлсин, дея фармон қилди. Юсуф акаларининг сўнгги илтимосини – буғдой беражагини ва қолган ишларини эртага амалга оширувини айтди.

Бу воқеа Юсуф қиссаларида учрамайди. Рабғузий мазкур ривоятни келтиришидан мақсад – инсонларни тўғри йўлга бошлашдир. Шу боис ҳам ривоят сўнгида мазкур ривоятнинг хулосаси сифатида куйидаги ўғит келтирилади: “Шу тариқа қиёмат куни Мавло Таоло ҳамма бандаларни дўзах ўти билан қўрқитади, бандалар азобни кўрадилар. Шундан кейин ўз фазилатлари билан жаннатга кирадилар” (1, 157).

Келтирган ривоятлар, гарчи афсоналар мазмунига монанд бўлса ҳам, деярли ҳаммаси бирон манбадан олингани учун Рабғузий ривоят жанрига мансуб деб қарайди ва албатта, ривоят терминини ишлатади. Кўпроқ ривоятларни у Ваҳб ибн Мунаббихдан келтирган. Бунинг сабаби шуки, “Қисаси Рабғузий”нинг яратилишида асосий манбалардан бири унинг асари бўлди.

**Шеърый жанрлар.** “Қисаси Рабғузий”даги бу жанрлар ҳар бир қиссада бор. Қиссалар, одатда, шеър билан бошланган. Асардаги барча шеърларнинг муаллифи Рабғузийнинг ўзидир. Рабғузий қиссалар дебочасида пайғамбарларнинг ҳаммасига шеър билан таъриф беради. Ҳар бир пайғамбарга хос фазилат, лаёқат, Худо инъом қилган қобилиятларни баён

килади. Сўнгра ана шу шеърда пайғамбарга берилган таъриф-тавсифларни қисса давомида шарҳлайди. Қиссаларда бирон пайғамбарга оид воқеалар билан шеърда келтирилган воқеалар, таърифу тавсифлар ҳамоҳангдир. Жумладан, “Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом қиссаси”даги шеърга мурожаат этайлик:

Довуд ўғли ул Сулаймон Тенгримизнинг совчиси,  
Эр улоғлиқ шоҳ эдию ҳам учар қуш элчиси.  
Одамий, учқан, югурган, дев, пари, ҳам эл, булут,  
Оғулуғ бўлсун озиглиғ барча анинг ишчиси.  
Кўзи тўрт юз қангли эрди кунда қушлуғ ошиға,  
Борғусида кур арслон, бўри, қоплон қўйчиси.  
Тупучоқ отнинг уруғи қолди андин дунёда,  
Тилда хужжат, танда хидмат, қўлда мулкат қамчиси.  
Ўзи “нимаъл абду” атанди ҳам ялавоч ҳам малик,  
Йўлдин озғанларға эрди ўзи ужомох йўлчиси.

Рабғузий шеърий жанрларни фарқлайди ва ҳар бирини ўз номи билан атайди. Келтирилган шеър қофияланишига кўра ғазални эслатади. Аммо Рабғузий мазкур шеърга нисбатан *ғазал* терминидан истифода этмайди, балки *шеър* деб атайди. Ёки “Қиссаи Нух набий алайҳиссалом”да қиссанинг бутун мазмунини ўзида мужассам этган шеър бор. Бу шеър ҳам шаклан - қофияланиши жиҳатдан ва мазмунан худди юқоридаги шеърнинг айнан ўзи. Рабғузий бу қиссада ҳам шеър терминини ишлатади. Шу туркумдаги айрим шеърлар мақтаида Рабғузий таҳаллус келтиради. Қуйидаги

Рабғузий Носир таянма тунла кундуз  
инграниб,

Сайрағил, сучук тилиндин сўз чиқар сўзлар  
соғи (2, 197)

ғазал мақтаи бунга бир мисолдир. Рабғузий нима учун бу туркумдаги – айнан қиссалар бошланмасидаги шеърларга ғазал терминини қўлламайдию

айнан ғазал термини остида берилган байтлар унингча ғазал ҳисобланади? Рабғузийнинг шеърий жанрларга қараши мавжуд анъанавий усуллардан келиб чиққан. Ғазал мақтаида тахаллус қўлламасдан мазкур жанр талабларига риоя қилинган шеърлар ўзбек адабиётида бор.

Рабғузий ғазал терминини айнан мазкур жанр талабларига жавоб берадиган шеърга нисбатан қўллайди. Юсуф қиссасида *ғазал* термини остида келтирилган жанр бунинг ёрқин мисолидир. Бу ғазални Зулайҳо Юсуфнинг фироқида ўртанганда айтган.

### *Ғазал*

Жилва бирла солну чиқған ол янгоқлиғ ёни қор,  
Кўзлари юлдуз, юзи кун, олини кўкнинг ойидин.

Кўрсаюрман кўркингизни кўргу бўлмас кўзгинам,  
Кўрк закотин берки вожиб қилса кўркнинг бойидин.

Қош отиб кўнглумни олған жон қўларсиз берайин,  
Ул нетак ошиқ бўлурким, қайца маъшуқ раъйидин.

Ногаҳон бир кубла қўлсам ўфқа бирла ҳойқирар,  
Жон бериб ўлгай телим ул жумла қилғон ҳойидин.

Рабғузий қул Носируддин таъби турлук сўз тузар,  
Гулчираб усрук ўлай кўз боқса қуймоч қошидин (1. 126).

Мазкур ғазал мақтаида Рабғузий тахаллусини келтиряпти. Аммо эътибор берсак, ғазал жанри қоидаларига хилоф қоидани кўрамиз. Бу – ғазалнинг матлаи қофияланмаганидир, яъни ғазалнинг қофияланиш тизими *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлиши лозим эди. Матласи қофияланмаган шеърни

Идрис алайҳиссалом қиссасида ҳам учратамиз. Эҳтимол, ғазалнинг матлаи кўлёмани кўчириш жараёнида тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Чамаси, *ғазал* термини остида Рабғузий мазкур жанрга оид ҳамма шеърларни жамламаган. Жумладан, яна Юсуф қиссасида “шеър” термини остида муламмаъ санъатининг намунаси сифатида ғазал берилган. Шеър мактаи

Рабғузий Носир кўрурса юз ўвурмас ишқдин,

Бек неча бушуб сўкарса кул қачон кўнглин кесар (1, 116).

мисраси билан тугайди.

Рабғузий ўз асарида истифода этган шеърларга турли терминларни ишлатган. Жумладан, у байт термини остида асосан тўртликларни келтиради. Мазкур тўртликлар тўрт ёки саккиз мисрадан иборат, қофияланиш тизими *а-а-б-а* ёки *а-а-а-а* шаклида. “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да келтирилган икки тўртлик (1,78,79), “Қиссаи Юсуф сиддик алайҳиссалом”да берилган саккиз мисрадан иборат тўртлик (1,101) шунини тасдиқлайди. Айрим ҳолларда икки мисрага нисбатан байт терминини қўллайди (Алишер Навоий ҳам икки мисрага нисбатан байт терминидан истифода этган ўринлар бор). Бу байт фард мазмунини ўзида ифода этади. Масалан, “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да қуйидаги байт фард хусусиятига эга бўлиб, тақдирда бўлмаса, бирон ўзгариш бўлмайди деган маънони ифода этади:

Сувда турған от боласи неча бўлса ул кичик,

Кенг денгизнинг суви ани элту-мас (1, 78).

Рабғузийнинг ижодида энг муҳим ўрин эгаллаган шеъррий жанрлардан бири – баҳориётдир. Рабғузий “Қиссаи Юсуф сиддик алайҳиссалом”да “баҳориёт” деган ном билан Наврўзга бағишланган ғазални келтиради. Рабғузийнинг бу ғазалида табиат, бутун эр юзи уйғонган ва безанган, дилларга хушнудлик бахш этадиган фасл экани, баҳор фаслининг

жамики кўрк-таровати тасвирланади. Шу боисдан ҳам Рабғузий “баҳориёт” деб ном берган. Қолаверса, Рабғузий (1,103).

Хуллас, Рабғузий бу асарида келтирган шеърий жанрларнинг кўпчилиги ғазал жанридан, сўнгра тўртликлар иборат.

**Латифа.** Асарда асосан, “Қиссаи Юсуф сиддик алайҳиссалом”да келтирилган. (1: 117,127,) “Латифа” термини остида ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳозирги латифа, яъни юморга йўғрилган, кулгили воқеаларга алоқаси йўқ. Аксинча, латифаларда мўъжизавий воқеалар ҳикоя қилинади. Бунинг устига, мўъжизавий воқеа муҳим хулосаларга, ўғит ва ҳикматлар келиб чиқишига омил бўлади. Мазкур жанрнинг асосий белгиси шулардан иборатдир.

Биринчи латифа Юсуфнинг дуоси туфайли бир қатор мўъжизалар юз бергани ҳикоя қилинади. Ҳикоя қилинишича, Молик Заър Юсуфга арз ҳолини баён қилди:

“Эй Юсуф, сенга бир ҳожатим бор...Молим кўп, аммо амолим йўқ. Қурук йиғочман, бутоғим йўқ. Сендан дуо, ҳақдин уманчим бор”. Юсуф Молик Заърнинг илтижосини эшитиб, қўлларини кўтариб дуо қилди: “Эй давлат тожин бошинга уруғли, эй мазаллат жавонин эгниша кизукли, кузи тушганларни юқору кўтурган, ура кўпғанларни юмурған, берга сан, олған сан. Бу абушқаға ўғулар каромат қилғил”.

Юсуфнинг дуоси ижобат бўлиб, Малик Заър ўн икки чўрисидан бир кунда эгизак ўғил – йигирма тўрт ўғил кўрди. Латифа сўнгида чўриларнинг Малик Заърга қилган илтифотларини Рабғузий қуйидаги ҳикмат орқали яқунлайди: “Қамуғ тўнлар йигна бирла тикилур, азинларни ўртар, аммо ўзи яланг қолур, ё кенду чироғ менгизлик ўзи ёнар, ўзгаларга ёруклук берур” (1, 119). Рабғузий бу ҳикматни чўрилар орқали Молик Заърнинг илтижоси ва орзуси ушалиб фарзандли бўлгани, чўриларнинг ўзлари эса игна сингари ёлғиз қолганига ёки чироқ сингари ўзлари ёниб, Молик Заърнинг ҳаётини шод-хуррам қилганига ишора этмоқда.

Иккинчи латифа Юсуф ва Зулайҳо ўртасидаги можаро ҳақида ҳикоя қилади. Юсуфнинг ишқида ёнган Зулайҳо эри Азизи Мисрга Юсуф устидан

туҳмат қилди. Латифадаги воқеалар баёнида ким ҳақ ва ким ноҳақлигини Зулайҳо чўрисининг тўрт ойлик бешикда ётган ўғли Зулайҳо –ноҳақ, Юсуф эса ҳақлигига ишорат билан гувоҳлик беради. Латифа сўнгида Рабғузий тўрт ойлик чақалоқнинг ишорат орқали гувоҳлик бергани ниҳоятда мақбул иш бўлганини фойдали маслаҳат сифатида келтиради. Сўнгра кимдир ўз гуноҳини бошқа бировга юкламоғи бандаларга ҳам, Яратганга ҳам хуш келмаслигини айтиш билан бир қаторда, гуноҳни бошқаларнинг олдида ошқора айтмоқ ҳам инсонийликнинг аломати эмаслигини, гуноҳкор ва бегуноҳни ажрим қилишда ақл билан иш кўриш лозимлигини Рабғузий шундай хулосалайди:

“Эй мўъмин, ўз ёзуқингни ўзгаларга юкламагил, экладинг эрса Мавло ўғлонтек анинг ариғлиқин билгуртгай, сени расво қилгай...Ўнгингда кимарсанинг айдини очмагил. Юсуфга зарурат бўлмагунча, “Сизларнинг макр ва ҳийлаларингиз улуғдир”, демади. Яна ўғлон тануклук берди эрса, равшан айтмади, ўртуклук айди. Азизи Миср ўзи англади” (1, 128).

Ҳар иккала латифа ўзбек адабиётидагина эмас, балки туркий адабиётда мазкур жанрнинг мазмунан тамомила янги намунаси бўлиб, дидактик адабиётнинг узлуксиз давом этганини кўрсатадиган далилдир.

**Ҳикмат (1, 24. 25.2- 133).** “Қисаси Рабғузий”да ҳикмат шакл томондан ривоят, ҳикоят жанрларидан фарқ қилмайди. “Қисаси Рабғузий”даги ҳикмат “билимдонлик”, “донишмандлик” маъносидан ташқари, “сир” маъносида ҳам ишлатилган, шу боис Рабғузий ҳикматларида фалсафий мазмун этакчилик қилади.

Рабғузий ҳикматга ўз асарида алоҳида урғу беради ва ҳикматни қисса жанрининг калити сифатида талқин қилади – қиссадаги маълум бир воқеанинг сабаб ва натижасини очиш, унинг моҳиятини китобхонга этказиш учун ҳикмат келтиради. Асосий гап – ҳикматнинг мақсадида, “сир”ни ўқувчига этказишда. Бу ҳикматларда жавонмардлик ва фақирликни улуғлаш ўз ифодасини топган. Илк ҳикмат “Қиссаи Одам сафий алайҳис-салом”да бор. Рабғузий бу қиссада Одам алайҳиссаломнинг жаннатга кириши сири



нимада эди, деган саволга жавоб берар экан, “мўминларнинг танини, молини сотгин олиб, ужмох (яъни жаннат) бергусини, кўрулмаган нарсани байъ (яъни савдо) қилмоқ шариатда раво бўлмас теб ужмохга кивур (яъни кирит)”ганларини (1, 22) асосий сабаб қилиб кўрсатади. Мўминларнинг танини ва молини сотиб олиш эвазига жаннатнинг инъом қилиниши Одам алайҳиссаломда жавонмардларга Бу масалада уламолар ўртасида ихтилоф борлиги ҳақида ҳам хабар бериб ўтади.

Рабғузий ўз ҳикматлари “сир”ини фақат савол ва жавобларда кашф қилади. Ҳикматларнинг жанрий белгилари савол ва жавоблардадир (1; 24, 25).

Айрим ҳикматларда бирон тоифанинг аломатлари билан тарихий воқеа, тарихий шахсларнинг сифатлари уйғунлаштирилади. Луқмони ҳаким валийларнинг аломати ҳақида сўз юритган ҳикматда айтиш мумкин. Луқмони ҳаким қуйидаги учта аломатни валийларга хос деб айтади: биринчиси - жавонмардлик, иккинчиси - ёмон хулқдан, ҳасад ва киндан холи экани, учинчиси - уламо ва фузалолар билан дўстлиги. Айтиш пайтда бу уч аломатни Муҳаммад а.с.ҳаётига боғлайди:

“Билгилким, Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн ал-Хаттоб ризияллоҳу анҳумо Расул алайҳиссаломнинг қайин оталари эрдилар. Ойша ва Ҳафса йўлиндин. Яна Усмон ва Али разияллоҳу анҳумо куявлари эрдилар. Усмон разияллоҳу анҳу Руқайя сабабидан. Ул вафот бўлди эрса яна Умми Қулсумни берди. Анинг учун Зуннурайн атанди. Яна Али разияллоҳу анҳу Фотима йўлиндин куяв эрди теб аймишлар”.

Бу ҳикмат савол ва жавоб асосига қурилмаган. Гарчи шундай бўлса-да, Муҳаммад а.с.нинг сифатлари валийларда бор эканига ишора қилгани юқорида келтирилган ҳикматдаги фақирликка ҳамоҳанглиги бу ҳикматларни бирлаштиради.

Бу байт муродға текинмак тилар,  
Телим халқлар аро ўқунмак тилар,  
Кун, ой сажда қилғай ариғ юзга ман,  
Бу кун отдин иниб, юкунмак тилар (1. 114)

**Хабар.** Хабар жанрини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, асардаги бирон пайғамбарга оид қиссада айтилмаган кичик воқеалар баён қилинади ёки хабар берилади, шу тариқа қаҳрамонларнинг бирон муҳим қирраси очилади. Ғайритабий воқеалар, мўъжизалар ҳам айрим хабарларда иштирок этади ва шу орқали қисса қаҳрамонлари – пайғамбарларнинг тўлиқ қиёфаси яратилади. Масалан, Нух пайғамбар ҳақидаги қиссада одамлар солиҳ бўлмаганлари учун уларга қирқ йил давомида ёмғир ҳам берилмади, фарзандлар туғилмади, одамлар, йилқилар қирилиб кетди. Рабғузий шу воқеадан сўнг “Хабар андоғ келур” дея хабар келтиради:

“Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмади. Анинг учунким, дайёр жумласиндин эрмас эрди. Дайёр – эвлук – барқилиғ темак бўлур. Авжнинг барқи йўқ эрди, тенгизлар атоғинда турур эрди. Тўфон суйи тизинга ошмади”.

Хабар жанрига оид воқеа шундан иборат. Ҳали тўфон воқеасини Рабғузий ҳикоя қилмаган бўлса ҳам, юқоридаги воқеадан – жамики инсонлар, жонзотлар қирилиб кетгандан сўнг Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмагани ва бунинг сабабини унинг хоксорлиги – жамики инсониятдан фарқи бошпанаси йўқлигидан деб изоҳлайди. Бу ўринда Рабғузий инсониятни ҳалокатга элтувчи йўл – молпарастлик деб уқтирмақчи бўлади. Ёки “Қиссаи Қорун алайҳиллаъна”да баён қилинган воқеаларнинг ишончли, далилларга асосланганини таъкидлаш, қолаверса, Қоруннинг очкўзлигини, Мусонинг сабрлилигини кўрсатиш мақсадида қуйидаги хабарни келтиради: Мусо ялавоч ҳар куни бани Исроилни йиғиб, минбарга чиқиб, мажлис қилар, халққа насиҳат қилар эди. Қорун эса олтин пиёлада, Мусонинг рўпарасида чолғучилар ҳозир қилар, хизматкорлари олдида шаробхўрлик қиларди. Мусо эса фақат сабр қиларди.

Бу хабар ҳам ҳажм жиҳатидан қисқа бўлишига қарамай, Қорун ҳақидаги асосий воқеалар оқимига – Қоруннинг баднафслиги ва молпарастлигига, Мусонинг сабрли эканига аниқлик киритиш учун муҳим далил бўлган (2, 12).

**(1, 23, 26. 41. 180. 2-12,15. 30.31.33.42.)**

**Фойда.** Бу жанр “Қисаси Рабғузий”да, асосан, дидактик жанрдаги кичик ҳажмдаги воқеаларни ҳикоя қилишдан иборат. Фойда ўз номи билан инсониятнинг зоҳиран ва ботинан солих, тўғри бўлишга ундашдир. Масалан, “Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳиссалом”да иккита фойда жанрига мансуб парча бор (1, 128). Биринчи фойдада одам ўз гуноҳини бошқаларга юкламаслиги, акс ҳолда Яратувчи айбланувчининг гуноҳини билиши ва тухматчига шунга яраша жазо бериши ҳақида бўлиб, Азизи Мисрнинг хотини Зулайҳо Юсуфга тухмат қилганда, тўрт ойлик чақалоқ Юсуфнинг поклиги ҳақида гувоҳлик беради. Юсуф ва Зулайҳо можароси ҳамда шундан хулоса сифатида Рабғузий “фойда” термини остида ўғитни беради.

Бу ўғитни бериб бўлгач, Рабғузий одамлар бир-бирларига ёмонлик қилмасликлари ҳақидаги ўғит бўлиб, Азизи Миср Юсуфнинг тўни орқасидан йиртилганини кўради ва бундан хулоса чиқариб, Зулайҳога қарата: “Бу – сиз аёлларнинг ҳийласидир. Ўзингизни пок деб, гуноҳингизни бошқаларга юклайсиз. Аёлларнинг ҳийла-макри кўпдир” деб айтади. Мана шу ҳикматомуз гап фойданинг жанрий белгисини ташкил қилади (1, 128).

Яна бир фойда “Қиссаи меърож ан-набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам” қиссасида бўлиб, бунда ҳам ҳикматомуз ўғитнинг мазмуни ҳикоя қилинади. Фойданинг мазмуни шундан иборат: Тангри жаннат хурларини яратгандан бери, хурлар ўзларига оро берар эканлар, ҳеч безанишдан тинмас эканлар. Қиёмат куни келганда, уларнинг кўрки-таровати ҳам йўқ бўлар экану аммо уларнинг холи бўлмагани учун чиройдан ҳеч асар қолмас экан. Қиёмат куни келганда, Тангри Билол ҳабашийнинг қора рангидан жамики жаннат хурларига нуқта-нуқта улашиб берар экан. Ҳаммасига биттан ҳол тегар экан. Шу ҳол билан хурларнинг чиройи ниҳоясига этар экан (2, 157).

Бу воқеада ҳам маълум бир вазиятга мос ўғит, хулоса бор. Бу жанр ҳикматларга яқин туради. (1, 128,2- 111, 125. 157. 159).

**Муножот.** Бу жанр асосан, ислом пайғамбарлари ва халифалари баёнида бор бўлиб, Оллоҳнинг марҳаматига ноил бўлганлари, энди йўлдан адашмасликлари учун Ундан марҳамат сўраганлари баён қилинган (2; 112, 128. 136).

Хуллас, “Қисаси Рабғузий” ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, балки туркий адабиёт тарихида ҳам ўзига хос, такрорланмас наср намунасидир. Асарда истифода этилган жанрлар XIV аср ўзбек адабиётининг ривожидан, диний адабиётлар билан мустаҳкам алоқасидан дарак беради.

## **РАШИДДИН ФАЗЛУЛЛОҲ ҲАМАДОНИЙ**

Шарқ адабиётида тарих ва адабиёт доимо ёнма-ён юрган. Ўтмишдаги муаррихлар айни пайтда катта ижодкорлар сифатида ҳам фаолият кўрсатганлар. Шу боис тарих ҳар доим адабиёт сифатида уқилган. Тарихий асарлардаги ривоятлар, ҳикоятлар, шеърлар кўпинча муаррихларнинг ижодий қобилиятидан дарак беради. Ёки муаррихлар халқ оғзаки ижодидаги жанрлардан унумли фойдаланганлар ва ўз тарихий асарларига олиб кирганлар.

Ўғуз шахси ёритилган тарихий асарлар яна бир жиҳати билан биридан фарқланади. Бу Ўғузхон тарихига оид лавҳаларнинг кенг ёки тор баён қилинганидир. Рашиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асари Ўғузхон тарихи батафсил ёритилган манбалардан биридир.

Рашиддин Ҳамадоний туркий қавмлар тарихини илк бор илмий асосда ёритиб берган олимдир. Биз таъкидлаган Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи, Абдулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарларини ёзишда ҳам муаллифлар «Жомеъ ут-таворих»дан фойдаланганлар.

«Жомеъ ут-таворих форс тилида ёзилган былиб, олим ўз асари орқали мўғулларнинг ҳамма қабиласи туркий қавмлардан тарқалганлигини асослаб берди. Бу қабилаларнинг ҳаммаси Ығузхонга, Ығузхоннинг шажараси Нух пайғамбарга бориб тақалишини кырсатади.

«Жомеъ ут-таворих»нинг Ўғуз шахсини ёритишдаги аҳамиятли жиҳати шундаки, асарда Ўғузхон мусулмон сифатида кўрсатилган бўлса ҳам, туркий мифологиянинг баъзи излари кўзга ташланади. Бу жиҳат «Жомеъ ут-таворих» билан «Ўғузнома» ўртасидаги умумийликлардан биридир. асарда таркий мифология сақланган ўринларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Маълумки, эски турк дини-томонийликда пайғамбар ва муқаддас китоблар бўлмаганлиги сабабли қомлар яъни шомонларнинг ўрни беқиёс бўлган. Туркиялик олим Усмон Турон шомонлар (қамлар) ҳақида шундай ёзади: «Шомонлар истиқболининг яхши ва ёмон ҳодисаларидан уларни (яъни кўк туркларни воқиф айлайдилар. +омларнинг тавсияларисиз қўшин тплаб урушга киришилмас эди»<sup>1</sup> «Ўғузнома» достонидаги «Улуғ Турк, «Дада +урқут китоби»даги +ўрқут ота эски туркийларнинг шомонларига мисол бўла олади. «Жомеъ ут-таворих» асарида келтирилган Ирқли Хўжа аслида «Ўғузнома» достонида келтирилган Улуғ Туркдир. У Ўғуз авлодлариининг ҳар бирининг лақабини, номини, тамғаси ва белгисинитаин этади. Ўғузхондан тарқалган 24 уруғнинг ҳар бирига маълум ҳайвонларнинг номи берилади. Бу ҳайвонлар ҳар бир қабиланинг ҳужум қилмаслиги лозим. «Ўғузнома» да ҳам Улуғ Турк Ўғузхоннинг авлодлари ўртасида ҳокимятнинг қандай тақсимланишини олдиндан башорат қилади.

«Жомеъ ут-таворих» асарининг Ўғуз шахсини ёритиш борасида яна бир аҳамиятли жиҳати мавжуд. Бизга маълумки, Хитой солномалари қадимги турклар тарихи учун энг қадимий, ишончли манбадир. Рашиддин Ҳамадоний «Жомеъ ут-таворих» асарини ёзиш арафасида, 1286 йили Эронга амир Пўлод Чжен Син деган бир тарихчи келади. Бу Одам Хитой

---

<sup>1</sup> Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси.Т.; Чылпон, 1995, 56-бет.

солномалари муғул ривоятлари бўйича чуқур билимга эга бўлган. Рашиддин Ҳамадонийнинг «Жомеъ ут-таворих» асарида илмийлик бош ўрин тутганининг, Ўғуз шахси кенг ёритилганининг уч йил давомида ҳар кун олиб борган маърузаларидан қидириш лозим.<sup>1</sup>

Демак, «Ўғузнама» достонидаги тарихийлик хусусиятлари Ўғузхоннинг юришларида, унинг туркийларга ном бериши уларни бирлаштириб марказлашган давлат тузими билан боғлиқ воқеаларда ўз аксини топган.

Ўғуз ҳоқонининг бошқа юрт ва элатларга юришларидан қадимги туркий халқлардаги марказлашган давлат тузишга бўлган интилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

**Қутб ва унинг “Хусрав ва Ширин” асари.** Асли хоразмлик бўлган Қутбнинг бизгача этиб келган бирдан бир асари “Хусрав ва Ширин” бўлиб, бу асар машҳур озарбайжон шоири Низомий қаламига мансуб шу номли достоннинг ўзбек тилидаги эркин шеърий таржимасидир. Зотан, Қутб ўз асарини Низомийнинг шу номдаги достони таржимаси экани тўғрисида шундай деб хабар беради:

Қозонтег қайнаб уш савдо бишурдум,  
Низомий болидан ҳалво бишурдум.

Хоним отинга ушбу форси тилни  
Чевурдум туздум уш назм узра қилни.

Чикардим хуш йидиғлиғ сув бу кўлдин,  
Кўнгуллар қонсу теб бу софи сувдин.

---

<sup>1</sup> Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. Т.; 2002 й, 80-бет.

Гарчи Қутб камтарлик билан ўз таржимасини Низомий болидан пиширилган ҳолва деб айца ҳам, у ниҳоятда катта меҳнат самараси ва буюк истеъдоднинг зуҳури деб айта оламиз.

“Хусрав ва Ширин”нинг муқаддимасидаги маълумотларга кўра, Қутб ХИВ аср ўрталарида яшаб ижод этган (парча) Қутбнинг ижоди Хоразмнинг Олтин Ўрда давлатига тобелиги даврига тўғри келади. Асар 1340 йили ёзилиб, Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли Тинибек ва унинг маликасига бағишланган.

парча. Бу асарнинг ягона нусхаси Парижда сақланади. Қутбнинг таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотларни “Хусрав ва Ширин”даги “Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр” бобидан билиш мумкин. Парча

Маълумки, Олтин Ўрдадаги парокандалик туфайли илм-фан ва маданий марказ Мисрга кўчган эди. Достоннинг бизга маълум бўлган ягона нусхасини ҳам шоир вафотидан кўп ўтмай 1383-1384 йилларда Мисрда амир Қутлуғ Хўжанинг тавсияси билан Фақиҳ ибни Бароказ Эдгу Қипчоқий кўчирган.

“Хусрав ва Ширин” “Қутадғу билиг”дан кейин туркий тилда маснавийда ёзилган нодир асарлардандир. “Хусрав ва Ширин” достонининг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шарқ халқлари адабиётида бу қисса кенг тарқалиб, анча шуҳрат қозонган. Бир қатор “Жангнома” (Фирдавсий “Шоҳнома”даги Хусрав ҳикояти), “Ишқнома” (Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достони)ларнинг юзага келишига асос бўлган.

“Хусрав ва Ширин” таржима асари. Лекин шундай бўлса ҳам Қутб катта ижодкор сифатида воқеалар тасвирида анча эркин йўл тутган. (мисол) Қутб достон муқаддимасида Низомийнинг чуқур ҳурмат билан тилга олади. Бутун достон давомида улуғ салафини устод сифатида кўп марта эслайди. Лекин Низомий томонидан яратилган бу асарнинг эркин таржимаси жараёнида Қутб ўз ўз даврини кузатиш асосида пайдо бўлган қарашларини ҳам ифодалайди. Қутб Низомий образларини сақлаб қолган ҳолда, асар

таржимасига ижодий ёндошди. Натижада Низомий образларининг характери ўзгарган. Ана шу ҳолатлар Қутбнинг маълум даражада мустақил йўл тутганини кўрсатади. Бунинг устига, асарда Қутб томонидан кўшилган ўринлар, халқ оғзаки ижодиёти ва урф-одатлари сингдирилган ўринлар ҳам бор. Айни чоқда Қутбнинг асарида асл матндан қисқартирилган ўринлар, ўзгартирилган географик номлар ҳам мавжуд. Масалан, Қутб ўқувчига қулайлик туғдириш мақсадида Низомий достонидаги Сосонийлар сулоласини Эрон давлати деб атайди. Форсча матндаги мамлакатлар, давлатлар номларини Қутб ўзига таниш мамлакатлар номлари билан алмаштиради. Жумладан, Хусравнинг суҳбатида Хуросон беклари иштирок этадилар. Ёки Низомийдаги Меҳинбону саройи тасвири Қутбда 1ўқ. Низомийга Мадойиндан Хурмузд тазйиқидан қочиб келган Хусравни Меҳинбону ўз саройида кутиб олади. Қутб эса бу лавғани яйловга кўчирган ва ҳ. Достоннинг кириш қисмидаги бағишлов одатдаги қасидаларни эслаатганидек, достон сюжети давомида, боблар хотимасидаги лирик чекинишлар Қутбнинг нафис ғазаллар ҳам яратганидан далолат беради

### **Сайфи Саройи ва унинг “Гулистони бит-туркий” асари**

Сайфи Саройи XIV асрда яшаб ижод этган ва эпик жанр тараққиётида сезиларли из қолдирган ижодкордир. У 1321 йили туғилиб, 1396 йили вафот этган.

Шоирнинг тахаллусидан маълум бўладики, у Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида яшаб ижод қилган. Шунингдек, у маълум вақт Мовароуннаҳрда ва Туркияда ҳам истиқомат қилган. Сайфи Саройининг қуйидаги шеъри унинг таржимаи ҳолига оид баъзи томонларни ёритишга ёрдам беради:

Илоҳи, бу қари мискин қулингни



Бағишла кўргузуб тўғри йўлингни.

Маликлар расмидир дилшод қилмоқ,

Қариса қулларни озод қилмоқ.

Сайфи Саройи бу шеърини Мисрда – мамлуклар давлатида ёзган бўлиб, ҳаётининг сўнгги йилларини ўша эрда ўтказган. Юқорида айтганимиздек, Олтин Ўрда таназулга юз тута бошлаган пайтда Сайфи Саройи Мисрга кетган. У бу шеъри орқали шохдан ўз юртига қайтиш учун ижозат сўраган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Сайфи Саройи шох саройидаги эътиборли шахслардан бўлган. Замондош шоирларга шеърини жавобларидан ҳам Сайфи Саройининг мавқеи ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Сайфи Саройи вафот этган йиллари Миср мамлуклар давлатида Зоҳир Сайфиддин Барқуқ иккинчи марта (биринчи марта 1382 й.) тахтга ўтирган эди.

Сайфи Саройининг адабий меросидан оз қисми этиб келган. Унинг бир неча ғазаллари, қасида, қитъа, рубоийлари, “Сухайл ва Гулдурсун” достони ва Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарининг ўзбек тилига қилган эркин таржимаси этиб келган. Сайфи Саройи бу асарига “Гулистони бит-туркий” деб ном қўйган.

Сайфи Саройи “Сухайл ва Гулдурсун” достонида дунёвий ишқ, севгида вафодорлик, мардликни тараннум этади (**қисқа мазмуни**). Бу дoston кўпроқ Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги “Сухайл ва Меҳр” ҳикоятини эслатади.

**Сайфи Саройининг замондош шоирларига шеърини жавоблари.** Сайфи Саройи ўз замондошларидан Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Ишқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Аҳмад Хожа ас-Саройи, Абдул Маждид, Тўғли Хожа, Ҳасан ўғли, Хоразмий каби шоирларнинг шеърларига бир вазнда ва бир хил қофияда жавоб айтган шоирдир.

Сайфи Саройининг бизгача этиб келган лирик шеърлари миқдор жиҳатидан оз бўлса-да, мавзу қамрови кенг: гоҳ одамийлик ва инсон

кадр қиммати, гоҳ самимий ишқ-муҳаббат, гоҳ олийжаноб инсоний туйғулар шоир шеърларининг асосий моҳиятини ташкил қилади.

**Шеърӣй ҳикоятлари (Ҳикояти манзума).** Сайфи Саройининг шеърӣй ҳикоятлари дидактик мазмунда бўлиб, инсонлар ўртасидаги аҳду вафо, садоқатга бағишланган. Жумладан, бир ҳикоятида Сайфи Саройи ишқ йўлида ҳатто жондан ҳам кечмоқ лозим деган ўғитни беради.

Бир йигит севиқли ёри билан кемага ўтириб, сайрга кетдилар. Тасодифан қарши томондан шамол келиб, тўлқин кўтарилди ва кемани сувга ғарқ қилди. Иккаласи ҳам сув гирдобига тушиб ғарқ бўла бошладилар. Ногаҳон бир одам келиб, йигитга қўлини чўзиб қутқаришга шошилди. Шунда йигит ёрдам қўлини чўзган одамга, мени қўй, бор, ёримнинг қўлини тут, ёрдам бер, деб илтимос қилди. Шу воқеани ҳикоя қилиб бўлгач, Сайфи Саройи ошиқликнинг қисматини шундай ифода этади:

Ҳақиқат ошиқ эрнинг мазҳаби ул,  
Тиласанг, бўлмаға ошиқ, алай бўл.

Ёқарлар ул кишини ўтқа, ёрин  
Қўюб меҳнат ичинда кетар ёрин.

**Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асари.** Саройи бу асарида Саъдий “Гулистон”ининг асосий мағзини олиб, янги ҳикоятлар, қитъалар билан бойитган.

Сайфи Саройи ижодида “Гулистони бит-туркий” алоҳида ўрин тутади. Зотан, бу асар Сайфи Саройи ижодида катта ҳажмдаги асар бўлиш билан бирга, асарга олиб кирган ўз ижод намуналари ХIУ аср ўзбек насри тараққиётини янги босқичга кўтарди.

**Маҳмуд ибн Али ас-Саройи (XIVаср). “Наҳжу-л-фародис” (“Жаннатларнинг очиқ эшиклари”) асари**

Мазкур асарнинг муаллифи масаласида кўп баҳслар бор. Давлацҳоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар бўстони») асарининг Алишер Навоийга бағишланган қисмида қуйидаги «муламма» (қитъа)ни келтиради:

Туркийсин кўруб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,  
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий,  
Бовужуди форси дар жунби шеъри комилаш,  
Чист ашъори Захиру кист бори Анварий?<sup>10</sup>

Бу муламмадаги “Кардарий” тахаллусли шоир ҳозиргача бир қанча мунозараларга сабаб бўлиб келган. Мақсуд Шайхзода “Тазкирачилик тарихидан”<sup>11</sup> мақоласида қуйидагича фикрни айтган эди: “Мазкур қитъада зикр этилган Кардарий Хоразм ўлкасининг Кардар қишлоғида хижрий 761ғмилодий 1359-1360 йилда вафот этган Маҳмуд ибн Али деган шахс, “Наҳжул-фародис” номли диний-ахлоқий асар муаллифидир. Умрининг бир қисмини Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида ўтказган. Асарнинг бир неча нусхалари сақланиб қолган. Бу асарнинг Кардарий тирик вақтида хоразмлик котиб кўчирган нусхаси Хоразм шеvasи ва адабий лаҳжасининг тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар ҳолда Давлацҳоҳ туркий назм устаси деб кўрсатган Кардарий деган шоир ана шу Маҳмуд ибн Алидан бошқаси эмас”. Немис олими Н.Хофман ҳам Кардарий шахси ҳақида ўзининг олти жилдлик “Турк адабиёти” китобида ҳам маълумот берган. Унинг фикрича, “бу шоир...машҳур туркигўй шоир Маҳмуд ибн Али ас-Саройи Булғорий Кардарийдир. Кардар Хоразмдан бўлган. Давлацҳоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сидаги қитъасида уни тилга олган. Тарихда Кардарий

---

<sup>10</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981, 189-бет.

<sup>11</sup> Навоийга армуғон. Тошкент, 1968, 37-бет.

тахаллусли шоирлар бир эмас, бир неча бўлган. Лекин унинг туркий тилда ёзилган “Нахжул-фародис” асари бизга маълумдир”.<sup>12</sup>

Саройи тўғрисидаги маълумотлар ҳозирча маълум эмас. Давлацхоҳ Самарқандий берган маълумот Кардарийнинг Лутфий даражасидаги шоир эканини кўрсатади. Аммо бошқа тазкираларда Кардарий тўғрисида ҳозирча маълумотларни учратмадик. Эҳтимол, Олтин Ўрда адабий муҳитида яшаб ижод қилган аксарият шоирлар тазкирага кирмаган, улар тўғрисидаги маълумотлар узук-юлук, Темурийлар сулоласи билан Олтин Ўрдадаги ижтимоий ва сиёсий муносабатлар адабий жараёнга, хусусан, Кардарий сингари машҳур шоирларнинг тазкиралардан ўрин олишига монелик қилган бўлиши мумкин. “Нахжул – фародис”да унинг бирон байт шеъри ҳам учрамайди.

“Нахжул-фародис” асари ҳижрий 761 (милодий 1360) йили ёзилган. Бу тўғрида асарнинг ниҳоясида айтилган. Шунингдек, китоб муаллифи орадан икки кун ўтгач, “друлфанодан дорулбақога рихлат қилгани”ни, бу китобдан кўп алломалар фойдалангани баён қилинган. Китоб котибининг бу маълумотидан асар анчагина машҳур бўлгани кўринади.

“Нахжул-фародис” тўрт бобдан ва ҳар бир боб ўнта фаслдан – жами қирқ фаслдан иборат. Бу асар “қирқ ҳадис” (чиҳл ҳадис)ни шарҳлаган ва ҳар бир ҳадисга оид ҳикоятлар билан безалган асардир. Бу асар “Қисас ул-анбиё” туркумига мансуб бўлса ҳам, пайғамбарлар тарихи баёнида афсоналар эмас, балки тарихий воқеалар, ривоятлар асосий ўрин эгаллайди. Қолаверса, “Нахжул-фародис”ни ёзишда муаллиф турли ишончли манбаларга таянгани учун ҳам асарга кўп алломалар мурожаат этганлар.

“Нахжул-фародис”да энг диққатга сазовор далил – бу ҳадислардир. Биринчи бобнинг биринчи фаслидаги ҳадисга эътибор қаратайлик. *“Имом Баговий раҳмҳи “Машобих” отлиг китобинда бу ҳадисни келтирмиш: Пайгамбаримиз ас. айди: Тангри твл. Исмоил пайгамбар ас. ўгланлариндин*

---

<sup>12</sup> Турк адабиёти. 1969, 103-109-бетлар.

Қурайш қабиласини одурди. Яна Қурайш қабиласидин Хошим атлиг кишининг ўғланларини одурди. Яна Хашим атлиг кишининг ўғланлариндин мени ўдурди, чиқарди. Бу маънидин отру Пайғамбар ас.қа Мустафа ат берилди. Мустафа араб тилинча одрулмиш темак болур – Имом Бағовий раҳматуллоҳи “Машобих” деган китобида қуйидаги ҳадисни келтирган. Пайғамбаримиз ас. шундай айтган экан: Тангри таоло Исмоил пайғамбар ўғилларидан Қурайш қабиласини танлаб олди. Яна Қурайш қабиласидан Ҳошим деган одамнинг ўғилларини танлаб олди. Яна ўша Ҳошим деган одамнинг ўғиллари орасидан мени танлаб олиб, ўртага чиқарди. Шу сабабдан Пайғамбар ас.га Мустафо исми берилди. Мустафо - араб тилида танлаб олган маъносини билдиради”.<sup>13</sup> Ҳадиснинг манбаи (Бағовийнинг “Машобих” асари) ишончли экани кўриниб турибди.

“Наҳжул-фародис”нинг биринчи бобида Муҳаммад алайҳиссаломда пайғамбарлик сифатларининг зоҳир бўлиши ва унинг дини ислом йўлидаги фаолияти баён қилинган. Бобда ҳадислардан, Бағавийнинг “Машобих” асарида ташқари, шайх Имом Ишоқ Қулобозийнинг “Таъриф” китобидан, Имом Соғонийнинг “Машорик ул-Анвор” асарида, Имом Абул Муҳаммад Испижобийнинг “Тафсир”идан, Имом Абул Алайх Ушийнинг “Нишобул-Ахбор” китобидан, Шайх Абу Язид Бустомий, Абдуллоҳ ибн Маъсуд қабиларнинг сўзларидан фойдаланган. Барча уламо ва фузалоларнинг Муҳаммад а.с.га туғилган пайтиданоқ пайғамбарлик сифатлари ва фазилатлари ато қилинганини баён қиладилар.

“Наҳжул-фародис” тарихий асар эмас, пайғамбар тарихини бошдан-охиригача баён қилинмаган. “Наҳжул-фародис” - агиографик асар, пайғамбар ҳаётининг энг муҳим нуқталарига эътибор қаратган. Жумладан, Оллоҳ Таоло Муҳаммад а.с.га пайғамбарлик сифатини топшириши, мусулмонликни илк бор қабул қилган Хадича, Али, Абу Бакр ва Зайд

---

<sup>13</sup> Nehcul-feradis, II, metin, turk dil kurumi yayinlari: 518, s. 2 (Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинади. Шу боис асарнинг саҳифаси матн ичида кўрсатилади, холос).

тўғрисидаги қизиқарли воқеалар, пайғамбар а.с.нинг Маккадан Мадинага бориши, унинг мўъжизалари ва бошқа кўп воқеалар “Нахжул-фародис”ни қизиқарли бадий асар сифатида яратишга асос бўлган. Жумладан, мазкур асарнинг биринчи боби, тўртинчи фаслидан “Пайғамбар а.с.нинг Маккадан Мадинага чиқмоқ баёни ичинда турур” номли воқеага эътибор қаратайлик. Бу воқеа имом Абул Алайи Ушийнинг “Нишоб ул-ахбор” () китобидан бир ҳадисни келтириш билан бошланади. Ҳадис маъноси қуйидагича: “Қайси бир мўъмин ва муваҳҳид ғарибликда ўлар бўлса, Ҳақ Таоло ўша қулга шаҳидлар савоби рўзи қилур, яна қабр азобларидан сақлайдур”. Шундан сўнг қуйидаги воқеа келтирилади:

Кунларнинг бирида Абу Жаҳл қурайшларни йиғди. Бир уй бор эди. Ўша уйни дор ул-надво (сахийлик эшиги?) дер эдилар. Қачон бирон маслаҳат қилишга тўғри келиб қолса, ўша уйга йиғилишар эдилар. Шу орада Иблис ўзини бир қари чол суратига ўхшатиб. Уларнинг орасига кирди. Қурайшлар сўради: “Эй чол, сен кимсан?” Иблис жавоб берди: “Мен шайх Наждийман, Нажд элидан бир чолман. Эшитдимки, сизларнинг бир машвартингиз бор деб. Мен ҳам улар орасида бўлайин, уларнинг сўзларини эшитайин, билайин, деб келдим”. Абу Жаҳл хурсанд бўлди. Шундан сўнг Абу Жаҳл гап бошлади: “Эй қурайш қабиласи, Муҳаммаднинг иши кундан-кунга зиёда бўлиб бормоқда. Қўрқаманки, бунинг натижасида кўп одамлар йиғилишиб, бизларга захмат этказадилар деб. Энди бундан сўнг ишни бир ёқли қилсак”. Жумла халқ бу гапни маъқул кўрди. Шундан сўнг Абу Жаҳл Хашшом деган кофирга айтди: “Ё Хашшом, сенинг раъинг қандай агар бу Муҳаммадни ўлдирсак?” Хашшом айтди: “Менинг раъим шуки, бу Муҳаммадни туцак, бир қутурган туяга боғласак, саҳронинг бу бошидан –у бошигача саҳрода кезсак, ўшанда у ҳалок бўлади”. Шайх Наждий айтди: “Бу раъй беҳуда”. Сўрадилар: “Нега беҳуда?” Шайх Наждий айтди: “Унинг дўстлари бор, қабиласи бор. Бу ишдан улар хабар топадилар, бориб, Муҳаммадни халос қиладилар”. Маъқул кўрдилар. Шундан кейин бир кофир айтди: “Менинг раъим шуки, ўша Муҳаммадни бир уйга қамаб, ўша уйнинг туйнугини, эшигини беркицак, Муҳаммад ўша уйда очликдан ўлади”. Шунда шайх Наждий айтди: “Бу иш ҳам ярамайди, шунинг учунким, дўстлари билиб қоладилар ва эшикни очиб, чиқариб оладилар”. Абу Жаҳл сўзлади: “Менинг раъим шуки, ҳар бир қабиладан биттадан йигит чиқса, улар кечаси ётган эрга борсалар, қилич билан ҳаммасини чопиб ташласалар. Агар **диет** тиласалар, жамики қабила йиғилишиб, **диет** бермак осон бўлади”. Шайх Наждий айтди: “Валлоҳ, бу раъй ниҳоятда тўғри”. Ҳар бир

кабиладан бир йигитни олдилар. Ўткир қилич билан келиб, ўлдирмоққа келишиб олдилар. Жаброил а.с. келиб, айтди: “Ё Муҳаммад, кофирлар бу кеча келиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Сенга ишорат шу бўладики, бу кеча чиқсанг, Мадина тарафга борсанг, у эрда кофирларни у эрда исломга даъват қилсанг”. Пайғамбар а.с. бу аҳволни Абу Бакрга айтди. Абу Бакр шундай жавоб берди: “Ё Расулуллоҳ, нега сиз ёлғиз борар экансиз?! Мен ҳам сиз билан бирга борайин”. Пайғамбар а.с. хурсанд бўлди.

Ўша кеча Пайғамбар а.с. ва Абу Бакр тунда чиқиб, эрталабгача йўл юрдилар. Тонг отди, кофирлар қарсаларки, Муҳаммад билан Абу Бакр йўқ. Билдиларки, улар қочиб кетибдилар. Абу Бакр нидо қилди: “Кимки Муҳаммад билан Абу Бакрни тутиб келтирса, юзта туяни суюнчи қилиб бераман”. Уч кунгача саҳрони кезиб чиқдилар, аммо топмадилар. Ўша кеча Абу Бакр бир соат Пайғамбар а.с.нинг ўнг томонида юрди, кейин бир соат чап томонида юрди, бир соат олдида юрди, бир соат орқасида юрди. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, тўрт томонимда юрибсан. Нимага бир томонимда юрмайсан?” Абу Бакр айтди: “Ё Расулуллоҳ, душманлардан кўрқаман. Ногоҳон душманлар ўқи ўнг томондан келиб қолса, аввал душман ўқи менга тегсин, сизга тегмасин. Чап томонга ўтиб юрибман, бунинг маънисини шуки. Агар душманнинг ўқи чап томондан келса, менга тегсин, сизга тегмасин”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, ҳеч кўрқмагинки, Тангри Таоло биз билан биргадир”. Шу лаҳзада Тангри Таоло Абу Бакрнинг кўнглида хотиржамлик пайдо қилди. Шундан сўнг Пайғамбар а.с. кўрсаки, бир отлик кўринди. Қачон ўша отлик яқин келганда, уларга томон келаётганини билдилар. Пайғамбар а.с. айтди: “Эй Раббий, уни ушла!” Шундай деб айтган зоҳоти, отнинг тўрт оёғи эрга ботиб кетди. Отлик чақирди: “Эй Муҳаммад! Мени қўйиб юбор! Мен ружу қилайин, сенга захмат этказмайман”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Раббий! Агар рост айтаётган бўлса, Сен ижозат бергин”, деган эди, ўша зоҳоти отнинг оёқлари эрдан чиқди, ўша отлик қайтиб кетди. Шундан кейин иккови анча юрдилар. Пайғамбар а.с.нинг муборак оёқлари хасталанди, юра олмай қолди. Абу Бакр Пайғамбарни орқасига кўтарди. Эрталабгача юрдилар. Тонг отди. Кўрсаларки, йўз атлиг тоғ этагига этиб келибдилар. Ўша тоғнинг этагида бир ғор бор эди. Ўша ғорга кирмоқчи бўлдилар. Абу Бакр айтди: “Ё Расулуллоҳ, мен олдин кирайин, кўрайин, одамзодга озор берадиган жониворлар бўлмасин тагин”. Абу Бакр кирди, қаради. Ундан кейин Пайғамбар а.с. кирди. Абу Бакр қарасаки, бир тешик бор экан. Оёғини ўша тешикка қўйди, токи ўша тешикдан илон кириб, Пайғамбар а.с.га захмат этказмасин деб. Бир илон келди, ўша тешикдан чиқмоққа қасд қилди, Абу Бакрнинг оёғига калласини тегизди. Абу Бакр йўл бермаган эди, Абу Бакрнинг оёғини чакди. Заҳри қаттиқ таъсир қилди. Абу Бакр оёғини олмади, токи Пайғамбар а.с.га зарар келтирмасин деб. Пайғамбар: “У илон Пайғамбар а.с.га салом бермоқ учун чиқаётган эди”, деди. Қарасаки, Абу Бакрнинг кўзидан шашқатор

ёш оқарди. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, оёғингни кўтар, илондан ё чаёндан кўркмагин, Ҳақ Таолога таваккул қилгин, Ҳақ Таоло биз билан биргадир”.

Шундан кейин кофирлар Пайғамбар а.с.нинг изидан кетдилар, ғор оғзига этиб келдилар. Ҳақ Таолонинг амри билан ўргимчак ғор оғзига тўрини тўкиди. Кофирлар айтдилар: “Агар бу ғорга Муҳаммад кирганда эди. Бу ўргимчак уйи бузилган бўларди. Бу эрда йўк”, деб ортларига қайтаётганларида, Абу Жаҳл айтди: “Хотиримга шундай келурки, Муҳаммад шу яқин орада турибди. Бизга сеҳр-жоду қиляпти, шу боис кўрмаймиз”. У бир кофирга айтди: “Туш, бу ғорга киргин”. Умайя ибн Халаф айтдиб “Муҳаммад туғилмасдан олдин ўргимчак бу инини тўкиган. Муҳаммад бу эрга кирганда эди, бу ўргимчак инини бузилмасмиди?!” Шундай қилиб, Абу Жаҳл ва унинг дўстлари қайтиб кетдилар.

Пайғамбар а.с. ва Абу Бакр ўша ғорда уч кун турдилар. Уч кундан кейин чиқиб. Мадина тарафга йўл олдилар. Озиқлар тугади. Ундан сўнг бир араб қабиласига келдилар ва айтдиларки: “Сизлар сотгани гўшт ёки хурмо борми? Сотиб олардик”. Чодирдан бир аёл чиқди, оти Умми Муид эди. Айтди: “Яхши меҳмон экансизлар. Сизларни меҳмон қилар эдим, лекин қаҳатчилик йили бўлди, уйимда ҳеч нарса йўк. Эрим Абу Муид қўйларни ўтлатгани олиб кетган. Қўйларимиз бу эрда бўлса эди, сизларга сут берган бўлардим”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид! Чодир ёнида ётган қандай қўй?” Умми Муид айтди: “Бу қўй жуда ориқ қўй, ҳеч сути йўк. Қўйлар билан бора олмасдан, бу эрда ётибди”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид, ижозат берармисан уни соғмоққа?” Умми Муид айтди: “Ижозат бераман, агар сут чиқса соғинг”. Пайғамбар а.с.: “Қўйни менга олиб келинглар!” деб буюрган эди, олиб келдилар. Пайғамбар а.с. “Бисмиллаҳи-р-Раҳманир-Раҳим” деб муборак қўлини қўйнинг элинига тегизди. Дарров ўза қўйнинг элини катталашиб, қўй семирди. Шундан кейин Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид! Уйда карсон бор бўлса, олиб кел”. Умми Муид бир карсон келтирди. Пайғамбар а.с. муборак қўли билан соғди, карсон тўлди. Пайғамбар а.с. икки қўли билан у карсонни кўтарди ва Умми Муидга ичирди. Анча ичгач, тўйди. Кейин Абу Бакрга ичирди. Ундан кейин ўзи ичди. Пайғамбар а.с. икинчи марта соғди. Карсонни тўлдирди, Умми Муид уйда қолдирди, кетдилар.

Кечкурун Абу Муид келди. Қараса, уйда бир карсон сут турибди. Таажжубланди, айтди: “Ё Умми Муид! Бу қандай ҳодиса? Қўйлар узоқда эди, уйда соғиладиган қўй ўқ эди. Бу сут қайдан келди?” Умми Муид жавоб берди: “Бизникига бир меҳмон келди, ниҳоятда муборак меҳмон, кўркам юзли, ширин сўзли, ўрта бўйли киши экан. Бу ориқ қўйга муборак қўлини текизган эди, қўй шунчалик семирдики, кўрсанг, элини катта бўлиб кетди. Ўз қўли билан соғди, бир карсон тўлди. Уни ҳаммага ўз қўли



билан ичирди, кейин ўзи ичди. Иккинчи марта соғди, бир карсон тўлди, унисини уйга қолдириб кетди”. Абу Муид айтди: “Мен эштинки, Маккада бир пайғамбар чиқибди деб, Муҳаммад дер эканлар. Халойиқни Ҳақ йўлига ундар деб айтурлар. Бу айтганинг ўша бўлса керак. Бундай мўъжиза пайғамбарлардан ўзгасида бўлмас. Агар Тангри умр берса, бораман”. Яна Умми Муидга айтди: “Менга у одамнинг сифатини яхшилаб айтиб бер. Агар борсам, янглишиб қолмай. Яхшилаб билиб олайин. Йигит кишими ёки қарими? ” Умми Муид айтди: “Йигит киши. Мўйлови қора, очик юзли, қиёфаси ҳайбатли, жуда узун бўйли ҳам эмас, калта бўйли ҳам эмас, ўрта бўйлидир. Қошлари очик, жуд семиз ҳам эмас, ориқ ҳам эмас, ўртачадир. Вазмин одам, серҳаракат эмас. Тишлари сейрек, юзи тўлин ойдаи порлаган. Сўзлаганда, очик, дона-дона гапиради, пала-партиш сўзламайди. Кафти катта, кўзлари пастга кўпроқ боқади, эрга қарайди. Бир оз бошини орқага ташлаб, кўкка боқар. Соқоли ўртача, узун ҳам эмас, кўса ҳам эмас. Қаттиқ юрмас экан, юрганда, оқиста юрар экан”.

Пайғамбар а.с. Маккадан чиққанда Абу Бакрга, Мадинага қандай бориш керак. деб маслаҳат солган эди. Абу Бакр айтди: “Иккита туя сотиб олдим. саккиз юз ярмоққа. Бирига сиз миносиз, биттасига мен минаман, кетаверамиз”. Пайғамбар а.с. айтди: “Бизга бир қуловуз<sup>14</sup> керак”. Абу Бакр айтди: “Абдуллоҳ отлиғ одам бор, у Мадина йўлларини яхши билади”. Ўша Абдуллоҳни дарров олиб келдилар. Яна Абу Бакрнинг бир озоди (қули?) бор эди, Амир деган. Абу Бакр унга айтди: “Сен икки туя билан Абдуллоҳни олиб, Савр отли тоғ этагида ғор бор, биз чиққандан сўнг уч кун ўтгач, ўша эрга келасан”. Улар уч кундан кейин келдилар. Абу Бакр билан Пайғамбар а.с. бир туяга миндилар, улар иккаласи битта туяга миндилар. Улар кетиб, Мадинага яқинлашдилар. Бир яҳудий Пайғамбарнинг йўлини тўсди. Кейин бориб, Мадина халқига хабар берди. Мадинада кўп саҳобалар бор эди, баъзиси Мадинадан, баъзиси Маккадан. Умар *разҳу* Мадинада эди. Ҳамма саҳобалар севиндилар. Пайғамбар а.с. Мадинага келганидан бир-бирларига хабар бердилар. Ҳаммалари қуролландилар, урушга бораётгандай кофирларни кўрқитиш учун. Пайғамбар а.с.нинг истикболига чиқдилар. Пайғамбар а.с. саҳрода бир йиғоч нарида манзил қилиб турар эди. Мадинадан чиққанлар у эрда Пайғамбар а.с.га дуч келдилар, у билан кўришдилар. Ҳамма саҳобалар севиндилар. Шундан кейин Пайғамбар а.с.га Эншор қабиласи айтдики: “Ё Расулуллоҳ, бизниқига манзил қилсангиз бўладими? Боғчаларимиз, эрларимиз кенг”, дедилар. Пайғамбар а.с. айтди: “Манови Қашва отлиғ туяга минаин, ҳеч кимса захмат тортмасин. Қайси эшик олдида бу туя чўкса, мен ўша уйга тушаман”. Ҳамма саҳобалар рози бўлдилар.

---

<sup>14</sup> Қуловуз – йўл бошловчи.

Жума куні эди. Пайғамбар а.с. Қашва отлиғ туясиға минди. Ҳамма саҳобалар отландилар. Кўпчилик яёв чиқиб турган эдилар. Мадина шаҳрида Пайғамбар а.с.нинг жамолига муштоқ бўлганлар кўп эди. Пайғамбар а.с.ни кўрмасдан, саҳобалар олдида имон келтириб турар эдилар. Жамики халойиқ Мадинага юзландилар. Қайси қабиладан Пайғамбар а.с. ўтар бўлса, ўша қабиланинг улуғи чиқиб, Пайғамбар а.с.дан илтимос қилса, Пайғамбар а.с. уларга хайр ва баракот билан дуо қилур эди ва яна айтар эди: “Мана шу Қавса отлиғ туям қайси эшикда чўкса, мен ўша хонадонда меҳмон бўламан”. Мадинанинг жамики улуғлари, мўминлари орзу қилар эдиларким, Пайғамбар а.с.нинг туяси бизнинг эшигимиз олдида чўкармикан, шундай бўлармикан, деб. Туя ҳеч чўкмас эди, ўтиб кетаверар эди. Анчага қадар борди, Айюб Ансорий эшигига чўкди. Пайғамбар а.с. ҳам туядан тушди, масжидга кирди. Ҳамма саҳобалар ҳам кирдилар, жума намозини адо этиш учун. Пайғамбар а.с. минбарга чиқиб, хутба ўқиди. Минбардан тушиб, имоматлик қилди. Ҳамма саҳобалар иқтидо<sup>15</sup> қилдилар. Намоздан чиқиб, Пайғамбар а.с. Айюб Ансорий уйига кирди. Айюб Ансорий шод бўлди.

Ҳамма саҳобалар уйларига бориб, кучлари этганча Пайғамбар а.с.га ҳадя тайёрладилар. Зайд ибн Собит айтур: “Мен олти яшар эдим. Онам бир идишга нон тўғради, нон устига сариғ ёғ қўшди, яна озгина сут қўшди, кейин идиш устини ёпди. Кейин менга айтдики, ўғлим, бор, Айюб Ансорийнинг уйига киргин, Пайғамбар а.с.га салом бер, айтгинки, Онам сизга таомни ҳадя қилиб берди, деб. Мен онам айтганидай қилдим, Пайғамбар а.с. менга айтди: Тангри Таоло сенга баракот берсин, деди. Ҳамма саҳобалар йиғилдилар, у ҳадяни тановул қилдилар”.

Айюб Ансорийнинг онасига заифалар келиб сўрардилар: “Пайғамбар а.с. қайси таомни ёқтиради? Биз ўша таомни тайёрлаб олиб келайлик”. Айюб Ансорийнинг волидаси шундай деб айтар эди: “Пайғамбар а.с. бизга ҳеч буюрмаганларки, бизга ҳеч буюрмаганки, фалон таомни пиширинг, деб. Олдига қандай таом келса, ҳеч айб топмасди. Агар керак бўлса тановул қиларди, агар кераксиз бўлса, тотиб кўрар ва ёронларига айтурким: Сизлар тановул қилинлар, деб. Бир кун таом пиширдик, ҳеч татиб кўрмади. Мен ва ўғлим ниҳоятда қайғурдик. Мен айтдим: Ё Расулulloҳ, ҳамиша таом пиширсак, тановул қилар эдингиз, доим қолган таомни сизнинг муборак қўлингиз тегди, деб табаррук қилиб эяр эдик. Бу кун нима бўлдики, бу таомни эмадингиз, деб сўраган эдим, менга шундай деди: Эй Айюбнинг онаси, бу таомда саримсоқ ҳиди бурнимга келди, мен Ҳақ Таолога муножот қиламан. Оғзим сассиғи билан қандай қилиб муножот қилайин?! Бу таомни ўғлинг Айюб билан тановул қилинлар, деб айтди”.

---

<sup>15</sup> Иқтидо –эргашиш, ияриш.

Шундан кейин Мадина ичида қанча мусулмонлар, мўминлар бор бўлса, хаммаси Пайғамбар а.с.га келиб, салом қилиб, баёт бердилар. Пайғамбар а.с. қўли билан ўша баёт берганнинг кўлидан ушлаб, айтар эди: “Ҳақ Таоло фармонидан чиқмагайсан, Ҳақ Таолонинг расули Муҳаммад Расулуллоҳ фармонидан чиқмагайсан. Қайси ишга амр эца, қилгайсан, қайси ишдан қайтарса, қайтгайсан...”, деб айца, ўша баёт берганлар “Қабул қилдик”, деб айтар эдилар. Шундан кейин хотинлар йиғилдилар, оқшом Айюбнинг онаси олдига келдилар ва айтдилар: “Пайғамбар а.с.дан изн сўрагин, бизлар ҳам Пайғамбар а.с.нинг муборак жамолини кўрайлик, жуфтларимиз баёт берганлари каби, бизлар ҳам баёт берайлик”, дедилар. Айюб онаси Пайғамбар а.с. ҳазратлари олдига кирди. Ижозат сўраган эди, Пайғамбар а.с. ижозат берди. Айюбнинг онаси бу хотинларни бошалб кирди. Аввал Умми Саъд отлиғ аёл Пайғамбар а.с.га салом берди, Пайғамбар а.с. алик олди. Шундан кейин сўради: “Эй заифа. Исминг ким?” Аёл жавоб берди: “Ё Расулуллоҳ, исмим Умми Саъд”. Пайғамбар а.с. сўради: “Отангнинг исми ким?” Аёл жавоб берди: “Отамнинг исми Раъфдир”. Пайғамбар а.с. сўради: “Менда қандай ҳожатинг бор?” Умми Саъд айтди: “Ё Расулуллоҳ, Тангри Таолони Биру бор деб имон келтирдик, сизни Ҳақ Таолонинг расули деб билдик.Энди жуфтларимиз сизга баёт бердилар, бизлар ҳам келдик сизга баёт бермоққа”, деди. Пайғамбар а.с. айтди: “Шукрим ўша Тангригаким, сизларни Исломга кўндирди”. Шундан кейин айтди: “Эй заифалар, ҳаммангиз келинлар, олдимда ўтиринг”, деган эди, ҳаммалари Пайғамбар а.с. олдида ўтирдилар. Пайғамбар а.с. олдига бир пиёла билан сув қўйди, муборак кўлини сувга ботирди, заифаларга айтди: “Эркаклардан баёт олсам, қўлларини тутиб баёт олурман, аммо сиз – заифаларнинг қўлларини тутмоқ бўлмас. Қачон мен қўлимни бу пиёладан чиқарсам, сизлар қўлларингизни ботиргайсиз”, деди. Шундан кейин Пайғамбар а.с. айтди: “Эй заифалар, Тангри Таолони билгандан кейин, Тангрига ўртоқ бўлиб қўшилмагайсиз (19 б.)” деган эди, улар “Қабул қилдик”, деб жавоб бердилар. Яна Пайғамбар а.с. айтди: “Эй заифалар, эрларингизнинг молларидан ўғирламагайсиз, зино қилмагайсиз, ўғилларингизни ўлдирмайсиз, бошқадан туғилган ўғлонни эрларингизга: “Буни мен туғдим”, деб айтмайсиз, ўлим-йитимда фарёд қилиб йиғламайсиз, тўнингизни йиртмагайсиз, сочларингизни юлмагайсиз, юзларингизни юлмагайсиз, бегона эркаклар билан хилват эрда сўзлашмагайсиз”, деб айтган эди, заифалар: “Ҳаммасини қабул қилдик”, дедилар. Пайғамбар а.с. пиёладан кўлини чиқарди. Бу заифалар қўлларини ўша пиёлага ботириб, қўлларини юзларига суртар эдилар. Шундан кейин Пайғамбар а.с. ижозат берди, заифалар чиқдилар.

Шундан кейин Маккадан кўп саҳобалар кела бошладилар. Пайғамбар а.с. Мадина халқига айтди: “Маккадан келганларни қадрланлар, эрини, юртини ташлаб, бизнинг суҳбатимизда бўлмоқ учун ғарибликни ихтиёр қилиб келдилар. Уларни лутфу

карам билан қарши олсаларингиз”, деди. Мадинада турганларни Маккадан келганлар билан қариндош қилди. Маккадан хижрат қилиб келганларга муҳожир дейилур, Мадина халқи Маккадан келганларга ёрдам бердилар, қарши олдилар, лутфу карам кўрсатдилар, уларга ансорий дейилур.

Мазкур фаслни тўлиқ келтиришимиздан мақсад – “Наҳжул-фародис”да Муҳаммад а.с. ҳаётида юз берган воқеаларнинг, бир томондан, воқеий ҳикояга мансублигини кўрсатиш, иккинчи томондан, дидактик адабиётга хос барча хусусиятлар бу асарда ўз ифодасини топганига ишор қилишдир.

Агар “Наҳжул-фародис”ни жанр нуқтаи назаридан белгилаш талаб этилса, бу асар бир неча жанрларни – тарихий воқеалар ҳикоят, ривоятлар заминидан берилганини назарда тутган ҳолда, дидактик жанрга мансуб деб қараш мумкин. Зотан, ҳадисларни кенг шарҳлаш асосида юзага келган ҳикоят ва ривоятларнинг ҳар бири маълум бир ғояни – тўғрилиқ, ҳалоллик, раҳм-шафқат каби фазилатларни шаклантиришга хизмат қилади. Инсониятни маърифатга чорлаш, комиллик сари даъват қилиш каби фазилатларни Маҳмуд Али ҳар бир бобда илгари суради.

Маҳмуд Али бу бобда Муҳаммад а.с.нинг вафотида қадар бўлган баён қилар экан, доимо маълум бир воқеани бирон манбадан келтирилган иқтибос ёки ҳадис орқали тасдиқлаб боради.

“Наҳжул-фародис”нинг иккинчи бобида халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва тўртала имом – Имоми Аъзам, Имом Шофеъ, Имом Малик, имом Аҳмад ва “аҳли байт” Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнга оид воқеалар баён қилинган. Бобнинг ҳар бир фасли бир халифага – биринчи фасл Абу Бакр (Сиддиқ)га, иккинчи фасл – халифа Умарга, учинчи фасл - халифа Усмонга, тўртинчи фасл – халифа Алига бағишланган. Қолган фасллар Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн, Имом Аъзам Абу Ханифа, Имом Шофеъ, Имом Малик, Имом Аҳмад Ханбалга оид воқеаларни ўз ичига олади.

Асарда Абу Бакр Пайғамбарнинг энг яқин дўсти, шижоатли саҳобаси эканлиги Имом Соғонийнинг “Машорик ул-анвор” номли китобидан келтирилган ҳадис орқали далилланади. Фақат Абу Бакрга масжидга истаган дарвозадан кириш учун имтиёз берилгани тўғрисидаги ҳикоят ёки Абу Бакр этгита заиф қулни сотиб олиб, улар жон сақлаб қолишлари учун уйига олиб келиб, раҳм кўрсатгани тўғрисидаги ҳикоя ҳам ибратли, ҳам ислом эндигина ҳаётга кириб келаётган пайтда ислом фидойиларининг жонбозликларини ҳаётий воқеалар орқали далиллайди.

Маҳмуд Али халифа Усмон тўғрисидаги бобда унинг ҳаётига оид этгита воқеани танлаб олади. Ҳар бир ҳикоя такрорланмас, халифа Усмоннинг бирон қиёфасини, айти пайтда унинг атрофидаги бошқа тарихий шахсларнинг ҳамда ўз давридаги инсониятнинг ички оламини очиб беришга хизмат қилади. Айти пайтда ҳикоятлар бир-бирини тўлдириб боради. Усмон пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳурматига бениҳоя сазовор бўлгани, пайғамбар ҳатто уни Абу Бакр ва Умардан ҳам ортиқ иззат қилгани тўғрисидаги ҳикоятдан бошланиб, икки маълун томонидан ҳалок қилиниши ва Усмоннинг қарғиши бир кечада бир ноқасни қўлсиз, оёқсиз, кўзсиз қилиб қўйгани тўғрисидаги ҳикоя билан тугайди. Маҳмуд Али ҳикоятларни турли манбалардан олган, аммо воқеалар баёнида шунчалик изчилликни сақлаганки, халифа Усмоннинг халифа ва амир ул-мўъминин ҳамда пайғамбарнинг энг яқин, суюкли сафдоши экани китобхонда чуқур таассурот қолдиради, воқеалар бир-бирига боғланиб, яхлитлик касб этади. Халифа Усмоннинг шижоати, адолати шу ўринларда янада аниқ кўринади. Қуйидаги воқеага диққат қилайлик: халифа Умар вафотидан кейин, Усмон халифалик тахтига ўтирди. Халифа Умар даврида Дамашқ беги бўлиб тайинланган Муовия олдингидай беклик қилаверди. Бу эрда Абу Зар Ғаффорий деган улуг ёшли, Пайғамбар хизматида бўлган саҳобага кўп одамлар хизмат қиларди. У парҳезкорлик билан умр кечирар, Умардан кўрсатма олиб, шояд шаҳидлик насиб қилиб қолса деб, Шомга ғазот учун лашкарга бош бўлган эди. Аммо унга шаҳидлик насиб бўлмагач, Дамашқда қолди. Дамашқ беги Муовия бу

эрда катта саройлар курди. Абу Зар келиб, Муовияга: “Сен Пайғамбар *асни* кўргансан, уйларини ҳам кўргансан, аммо Пайғамбардан ўрнак олмайсан. Пайғамбар *ас.* қачон бундай саройларда ўтирибдики, сен ўтирибсан?! ” деб таъна қилди. Муовия эса амирул-мўъминин Усмонга мактуб ёзди. Мактубида Абу Зардан шикоят қилиб, у мени ҳурмат қилмайди, хизматимни қилмайди, ёнингизга олиб кецангиз, деб илтимос қилади. Усмон Абу Зарни Дамашқдан Мадинага олиб келди ва унга насихатлар қилди. Кунларнинг бирида Усмоннинг ҳузурида Каъбул-ахбор ўтирган экан. Абу Зар Ғаффорий амирул-мўъминин Усмонга, бойларга буюринг, дарвешлар, мискинлар закот беришлари кераклигини уқтирсинлар, деб айтганга, Каъб ул-ахбор, закот бериш фарз, закотдан бошқа нарса бериш фарз эмас, деб гапиради. Шунда Абу Зар: “Эй яҳудий боласи! Сен нега амирул-мўъминин Усмон ҳазратлари ҳузурида менга?” деб кўлидаги ҳасса билан Каъбул-ахборнинг бошига уриб ёрди. Амирул-мўъминин Усмон Абу Зарга, сен тилингни, кўлингни мусулмонлардан йиғиб тур, Каъб ул-ахборнинг бу сўзлари учун урмоқ ёки сўкмоқ шариятда йўқ, бу қилганинг яхши эмас, деб танбех беради. Шундан сўнг амирул-мўъминин Усмон Абу Зарга шундай маслаҳат берди: “Эй Абу Зар, сен мана одамлардан узоқ турсанг, одамларнинг ёмон ишларини кўрмасанг, Ҳақ Таолога ибодат қилсанг, туну кун Ҳақ билан бирга бўлсанг”. Абу Зар рози бўлди. Усмон ундан, Забда деган жойга борасанми, деб сўраган эди, Абу Зар бу жойга боришга рози бўлди. Амирул-мўъминин Абузарни хотини билан кимсасиз Забдага жўнатди. Эр-хотин ур эрда узоқ яшадилар. Бир кун Абу Зар касал бўлиб қолди. Хотини, агар ўлиб қолсангиз, на ювадиган бир одам, на кафан, на жаноза ўқийдиган одам бор, деб йиғлади. Шунда Абу Зар хотинига, тепаликка чиқиб, йўлга қара, кимса келяптимикиан, деди. Хотини карвон келаётгани ҳақида эрига айтди. Хотин карвонни чақирди. Одамлар келиб, аҳволни билди. Одамлар Абу Зарни танидилар. Абу Зар уларга Пайғамбар *ас.*нинг башоратини айтиб берди. Пайғамбар ҳаётлигида саҳобаларига шундай деган экан: “Орангизда бир одам бор, у саҳрода вафот этади. Унинг олдида ҳеч ким бўлмайди. Ҳақ Таоло бир тўда

одамни юборади. Ўша одамлар уни ювадилар, кафанлайдилар, намоз ўқийдилар ва дафн қиладилар. Пайғамбар ас. бу сўзни мен ҳақимда айтган экан. Ҳақ Таоло сизларни юборибди. Энди менинг кафаним йўқ, менга кафан топсаларингиз. Аммо мени шундай одам кафанлаши керакки, у умрида беклик қилмаган бўлсин, элчи бўлмаган бўлсин, ҳатто маҳаллада ҳам бош бўлмаган бўлсин.” Шу пайт одамлар орасидан бир йигит чиқиб, ўша айтганингиз менман, деб жавоб берди. У йигит юклари орасидан кафанлик олиб келди. Абу Зар вафот этгач, уни ювдилар, намоз қилдилар ва дафн этдилар. Карвонбоши Ибн Масъуд Абу Зарнинг хотинини Мадинага олиб келди.

Маҳмуд Алининг наср устаси экани ана шундай ўринларда янада аниқ кўринади. Воқеалар ниҳоятда таъсирчан, драматик лавҳаларга бой. Халифа Усмоннинг улуғларга бўлган иззат-икромиди, эътиқод ва инсонийлик йўлида ҳар қандай гуноҳларни кечирishi, Абу Зарнинг улуғ мутасаввиф сифатида эътироф этилиши воқеалари, Абу Зарнинг ўз эътиқоди йўлидаги қатъияти бу лавҳаларни том маънодаги ҳикоят деб қарашга имкон беради. Абу Зар эътиқодига мос равишда кимсасиз саҳрода яшаш учун амирул-мўъминин Усмоннинг таклифини бажонидил қабул қилди. Зотан, Абу Зар учун энг мақбул жой саҳродир. Бу эрда у гуноҳкор инсоннинг кирикдорларини, мунофиқликларини кўрмайди, азоб чекмайди. Шу тариқа Маҳмуд Али Муовиянинг ҳам, Абу Зарнинг ҳам, Усмон ва Каъб ул-ахборнинг ҳам феъл-атворини яхши очиб беради.

Халифа Усмоннинг ўлими лавҳаси ҳам ниҳоятда таъсирли. “Абу Қалаба айтур: Шомдин Мадинага келдим. Усмон разну шаҳид бўлмишдин сўнг Мадина ичида юрар эркан, бир маҳаллада кўрар ман халайиқлар йиғилишиб турурлар. Бу халайиқ ичида бир кимарса чақирур. Мен тақи келдим, бақар ман бир кимарса ётур, эки кўзи, элги тирсагинин йўқ тақи эки адағи тизидин йўқ тақи ҳам қулақи сағир. Бу кимарса фарёд қилур ким: Мен дунянинг бадбахти бўлдум тақи ахиратнинг ҳам бадбахти бўлдум тақи абадий тамуқлуғ бўлдум теп чақирур. Мен айтим: “Сен ким бўлур сан?”

тедим эрса, ўл кимарса айтдиким: Мен Ўсманни ўлтурганлар чикмишдин сўнг эвинга кирдим. Бақар мен Ўсман қанқа булғашип ятур эрди, валекин хануз жани бар эрди; тақи хатуни Наила Ўсман узаринга бакип турур эрди. Ани бир урдум эрса, ўл йиғлади, Ўсман тақи йиғлади тақи манга қарҳади тақи айди: Ҳақ Таала эки кўзунгни алсун тақи эки кулақингни алсун тақи эки элгингни алсун тақи эки адақингни алсун тақи сени абадий тамуғлуғ қилсун теп қарҳади. Эвумка бардим тақи кеча яттим. Тушумда бир кимарса келди тақи эки кўзумни чиқарди тақи эки кулақимни чиқарди тақи эки элгимни кесди тақи эки адақғимни кести эрса қоптум, бақарман, эки кўзум тақи эки кулақим йўқ тақи эки элгим йўқ тақи эки адақим йўқ. Ўсманнинг қарғиши манга жумласи этти. Эмди тамуғ ўти қалип турур, ҳар айна ол тақи келгуси турур, анинг қарғиши бўлгуси турур, теп чақиру ятур. Мен айдим: Ҳалакатлик бўлсун санга мундин артуқрақ керак, анинг тег халифани, Пайғамбарнинг кудагусини ўлтурдунг, тедим тақи анинг қатиндин йирақ кеттим, теди” (96-бет).

Амир ул-мўъминин Усмондан сўнг халифалик тахтига ўтирган Али образи ва у билан боғлиқ муҳим воқеаларга Маҳмуд Али тўхталар экан, у билан боғлиқ воқеаларни Имом Муслим Нишобурийнинг “Саҳих” номли китобидан ҳадис келтириш билан бошлайди. Ҳадисда Муҳаммад а.с. ўзини Мусо пайғамбар билан, Алини Ҳорун билан қиёслайди, яъни Хорун Мусонинг вазири бўлгани каби, Алини ўзининг вазири деб эътироф этади. Бу эътирофни далиллаш учун Маҳмуд Али Энас ибн Маликнинг қуйидаги ҳикоясини келтиради.

Бир куни Пайғамбар а.с. хизматида эдим, Пайғамбар алайҳиссаломга бир қуш этини келтирдилар. Пайғамбар а.с. айтди: “Эй Бор Худоё, халойиқ орасида шундай бир зот борки, у Сенинг ҳузурингда тўғри, суюкли бўлса, ўша зотни менинг ҳузуримда ҳозир қилгинки, мен мана шу қуш этини ўша зоти билан бирга тановул қилайин”. Пайғамбар а.с. дуосини тугатиши биланоқ бир зот эшикка келиб, кириш учун изн сўради. Мен ўрнимдан туриб,



эшикни очдим. Не кўз билан кўрайинки, Али ибн Абу Толиб эшик олдида турарди. У уйга кириб, куш этини Пайғамбар а.с. билан бирга тановул қилди.

Бу хикояда халифа Али, ҳадисда айтилгандай, Пайғамбарнинг энг яхши кўрган ҳамроҳи экани баён қилинса, Сухайл ибн Саиднинг хикоясида Али қудратли паҳлавонлар сингари жасоратли, кўркмас, баҳодир лашкарбоши сифатида ҳеч ким ололмаган Хайбар қалъасини бир ҳамла билан олгани хикоя қилинади, халифа Алини худди халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари сингари, тасвирланади: “Бир ҳамла қилди тақи қувват қилди эрди, ҳисор қапуғини йиқти тақи жумла чериг ҳисор ичинга кирдилар тақи жухудларни ҳалок қилдилар тақи Хайбар элини олдилар” (98-бет). Алининг юқоридагидай эпослардаги якка қаҳрамонга хос сифатлари Абу Рафининг хикояси орқали ҳам далилланади.

Халифа Али - жасоратли, душманларга аёвсиз, фарзандларига эса меҳрибон ота. У ҳатто вафотидан кейин ҳам биринчи наавбатда, инсон сифатида, қолаверса, шижоатли ва қаҳрамон амирул-мўъминин сифатида улуғланади. Алининг вафотидан кейин ҳам улуғланганига оид икки ривоятни Маҳмуд Али келтирар экан, ўз давридан кейин ҳам халқ орасида улуғ бир зот сифатида эътироф этилишга лойиқ инсон сифатида талқин қилинганини кўрсатади.

Ривоятларга кўра, Али ўғиллари Ҳасан билан Ҳусайнга шундай васият қилади: “Менинг душманларим кўп. Мен кофриларнинг ва душманларимнинг ўн минг баҳодирини ўлдирдим, уларнинг авлодлари ҳам менга душмандирлар. Агар мени ошкора дафн қилсангизлар, душманлар мени қидирадилар. Мен вафот этганимдан кейин, тун ярмида ҳамма ҳалойиқ уйқуга кетгандан сўнг, бир туяга юклаб, Куфадан олиб чиқинглар. Икки йиғоч йўл юрсангизлар. Саҳрода Иззи деган бир тепалик бор, ўша тепани қазисангизлар, у эрда бир тош лавҳа чиқади. Лавҳа юзасига бу эрда Одам алайҳиссалом ва Нуҳ пайғамбар ётган эрларидир, деб ёзилган. Мен ўша икки пайғамбар ёнига дафн қилсангизлар”, деб васият қилади. Ҳасан билан Ҳусайн оталари васиятини бажо қилдилар, ҳеч кимсага ўша жойни

айтмадилар. Орадан анча вақт ўтгач, Жаъфар Содик хизматкори билан у эрга бориб зиёрат қилганда, хизматкори сўради: “Эй пайғамбарзода, бу кимнинг зиёратгоҳики, сиз узоқ жойдан келиб, бу жойни зиёрат қилгани келдингиз?” Жаъфар Содик айтди: “Эй хизматкор! Билгин, огоҳ бўлгинки, бу жой амр ул-мўъминин Али ибн Абу Толибнинг қабридир. Душманлардан кўрқиб, шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган эдик. Энди душманларнинг биронтаси қолмади, энди истагимиз шуки, Ҳақ Таоло бу қабрни зиёрат қилишни мўминлар орасида ошкора қилсак”.

Халифа Алининг бу тарзда талқин қилиниши шубҳасиз, халқ орасида ҳам унинг тўғрисида ривоятлар кенг тарқалганига бир ишорадир. Одатда, инсон ўзи билмаган, аммо билишга қизикқан нарсалар тўғрисида кўп мулоҳазалар қилади, ривоятлар пайдо бўлади ва ҳ. Халифа Али тўғрисида турли манбаларда қолдирилган ривоятлар шундан далолат беради.

### **Нома жанри ҳақида маълумот**

Нома жанри узор тарихга эга. *Нома* сўзи хат, мак туб маъноларини билдиради. Номанинг илк кўринишлари Ўрта Осиё тарихида ёзув пайдо бўлмасдан илгари буюмлар воситасида ҳам ифодаланган. Бунга мисол сифатида скифлар шоҳи Иданфриснинг Эрон шоҳи Дорога юборган буюмлар — камон ўқи, бақа, сичқон ва кушдан иборат ўзига хос «мактуб»ини эслаш кифоя. Бу сингари мактубларнинг тарихи жуда қадимийдир.

Номанинг илдизларини яна халқ оғзаки ижодида кўрамиз . «Алпомиш» достонида номанинг илк намунаси бор. Қалмоқлар юртида қолган Барчин ўзининг ночор аҳволини баён этиб, Ҳакимбекдан ёрдам сўраб, унга нома ёзади ва бу номасини ўнга навар орқали юборади.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит-турк» асаида *ирқиш* сўзини изоҳлар экан, «мактуб, нома маъносида ҳам қўлланади» (1 жилд, 17-бет) деб изоҳ беради. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий *қўшуғ* сўзига изоҳ берганда ҳам, лирик қаҳрамон Туркхон хотунга нома йўллаб, «ходими хизматга тайёр» эканини билдиради (1 жилд, 357-бет). «Кутадғу билиг»да Кунтуғди элиг

тоғдаги ғорда зоҳидона ҳаёт кечираётган Ўзғурмишга мактуб юбориб, у билан учрашиб, суҳбатлашишни ихтиёр қилганини ёзади. Кунтуғдининг бу хати ҳам нома жанрининг бир кўринишидир. Умуман, нома жанри Марказий Осиё халқларининг маиший, маънавий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Нома жанридан маълум тарихий ва ижтимоий-сиёсий воқеалар жараёнида ҳам истифода этилган. Милоддан олдинги IIII асрда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган Ботинг тангрикутнинг Хитой маликасига ёзган мактублари ва маликанинг Ботир тангрикутга ёзган жавоблари маълум.

Нома эски ўзбек тилида *билдиргулук* сўзи билан ҳам ифодаланган. “Ўғузнома” достонида Ўғуз хоқон барча элларнинг ҳукмдорларига билдиргулук, яъни нома юбориб, бўйсуннишни ва ўлпон тўлашни талаб этади. Шу тариқа маълум эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлган хабарни ифодалаш шакллари ҳам номанинг шаклланишига асос бўлган бўлиши мумкин.

Иккинчи томондан, форс-тожик адабиётидаги нома жанри ҳам ўзбек адабиётидаги илк номанинг шаклланишига таъсир этгани шубҳасиздир. Форс адабиётида номачилик узоқ тарихга эга. XI асрда яшаган Фахриддин Гургоний “Вис ва Ромин” достонида нома жанрининг мукамалроқ намунасини кўрамиз. Шу ўринда “Шоҳнома”нинг ишқий-романтик парчалари форс адабиётига таъсир этганини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Э.Э.Бертелснинг таъкидлашича, форс адабиётида янги жанр – романтик эпоснинг пайдо бўлишига айнан “Шоҳнома” таъсир этган бўлиб, бу жанр ижодкорининг илк вакили Фахриддин Асад Гургонийдир. 1048 йили у “Вис ва Ромин” достонини ёзади, достонда шаҳзода Роминнинг севгилиси Висга бўлган севгиси ва бу муҳаббатнинг фожиали тугаганини ҳикоя қилар экан, бу орқали қадимги Эроннинг ҳаёти манзарасини тасвирлади. Бу романтик эпос ғарб адабиётидаги Тристан ва Изолда ҳақидаги ўрта асар халқ романини эслатади.<sup>16</sup>

---

<sup>16</sup> Бертельс Е.Э. Очерк истории персидской литературы. Ленинград, 1928, 36-бет.

“Вис ва Ромин” достонида маъшуқа Вис Роминга юборган ўнта нома келтиради. Бу номалар севги ва ҳижрон азобларига тўла мактублардир. Бу ўнта номани Фахриддин Гургоний “Даҳнома” сарлавҳаси остида беради.<sup>17</sup>

Кейинчалик Авҳадий (1274-1338)нинг тугал нома жанри сифатида яратилган “Даҳнома”си юзага келди. Бу асар қайси манбалар асосида яратилганини Авҳадий кўрсатмаган.<sup>18</sup> Авҳадийдан кейин “Даҳнома” ёзиш анъанага айланган. Хожа Имоиддин Фақиҳ Кирмоний “Муҳаббатномаи соҳибдилон” ёки “Даҳнома” асарини ёзди. Бу асар ҳам ўнта номадан иборат.<sup>19</sup> Бу асар ҳам ўнта номадан иборат бўлиб, номаларда муаллиф севги изтиробларини саккизта ишқий-романтик дostonлар билан изоҳлайди. Булар – “Варқа билан Гулшоҳ”, “Вис ва Ромин”, “Вомиқ ва Узро”, “Хусрав ва Ширин”, “Рубоб ва Даф” “Бишр ва Ҳинд”, “Юсуф ва Зулайҳо”лардир. Мазкур дostonлар Шарқ адабиётида маълум ва машҳур афсоналар асосига қурилиши билан бирга, мажозий образлар заминида яратилган дostonлар ҳам бу нома жанрида иштирок этган.

Хуллас, номачилик форс адабиётида қадим илдизларга эга. Айни пайтда Марказий Осиёнинг қадимий удумлари, юқорида кўриб ўтганимиздай, ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий ҳаёти ҳам нома жанрига ўз таъсирини ўтказган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётида нома жанрини бошлаб берган ва ривожлантирган ижодкорлар, Олтин Ўрда адабий муҳити форсча номалардан яхши хабардор бўлган. Муҳаммад Хўжабекнинг Хоразмийга қарата “Очунда порсий дафтарларинг бор” деган гапи ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Хоразмий сингари этук ижодкорлар ҳам, қолаверса, кенг халқ оммаси ҳам форс тилидаги номалардан яхши хабардор бўлган.

---

<sup>17</sup> Қаранг: Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. “Фан” нашриёти, 1992, 4-бет.

<sup>18</sup> Қаранг: Микаэл Рафили. Азербайджанская литература (с древнейших времен до XVI века). Баку, 1962, Б.388.

<sup>19</sup> Қаранг: Жамолова С. Юқоридаги асар, Б.4.

**Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари.** Шоирнинг исми маълум эмас. “Муҳаббатнома”нинг бир неча ўрнида “Хоразмий” тахаллуси учрайди. Масалан:

Сиза теб келди, Хоразмийни асранг,  
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойи.

ёки:

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,  
Тағи манзурини султон яротти.

Шоир тўғрисидаги баъзи маълумотларни асарнинг ўзидан топиш мумкин. Адабиётшунос олим Натан Маллаев «Муҳаббатнома»нинг сўнгида келтирилган форсча ҳикояни Хоразмийнинг таржимаи ҳоли сифатида таҳлил қилган эди. Қуйида Муинзода шеърий йўл билан қилган таржимани келтирамиз:

“Муҳаббатнома”дан маълум бўлишича, Хоразмий бу асарини Олтин Ўрда хони Жонибекнинг (1342-1357) қўл остидаги ҳукмдорларидан бўлган Муҳаммад Хўжабекнинг таклифи билан 754 (милодий 1353) йили ёзган. Муҳаммад Хўжабекнинг Хоразмийга қилган илтимос қуйидагича эди:

Табассум қилди, айди: Эй фалони,  
Кетургил бизга лойиқ армуғони.

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,  
Очунда порси дафтарларинг бор.

Муҳаббат нардини кўшлардан уттунг,  
Шакартек тил била оламини туттунг.

Тиларменким бизинг тил бирла пайдо,  
Китоби айласанг бу қиш қотимдо.

Муҳаммад Хўжабекнинг «бизинг тил»и туркий тилдир. Муҳаммад Хўжабекни Хоразмий фақат «Муҳаббатнома»нинг ёзилишига туртки ва маслаҳат берган ҳукмдор сифатидагина эмас, балки миллатпарвар, маърифатли инсон сифатидаги қирраларига ҳам эътибор беради.

Ким уш элтек кечар айёми фоний,  
Жаҳонда қолса биздин армуғони.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарининг биринчи мажлисида икки Хоразмий таҳаллусли шоирлар тўғрисида маълумот берилади.<sup>20</sup> Аммо Олтин Ўрда адабий муҳитида ижод қилган ва «Муҳаббатнома»нинг муаллифи Хоразмийга алоқаси йўқ. Навоийнинг бу асаридан Олтин Ўрдада ижод қилган шоирлардан биронтаси ўрин олмаган. Зотан, Навоий фақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод қилган шоирлар тўғрисида маълумот беради. Қолаверса, Олтин Ўрданинг Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитидан узилиб қолгани ва Олтин Ўрда таназзулга юз тутиб, Мамлуқлар давлатига кўчгандан кейин ҳам, Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатлари билан маданий-адабий алоқаларнинг йўқлиги сабан бўлиши мумкин.

Шу ўринда бир далилни айтиб ўтиш лозим. Навоий гарчи нома жанрини ўзбек адабиётида бошлаб берган Хоразмий ва унинг «Муҳаббатнома»сини бирон асарида тилга олмаса ҳам, бошқа асарлар орқали билган бўлиши керак. Навоий Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си билан таниш бўлган, ҳеч бўлмаганда бу шоир ҳақида эшитган. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Атоий ҳақида маълумот беради ва унинг туркийча шеърлари халқ орасида кўп машҳур бўлганини айтади<sup>21</sup>. Атоий эса, ўз навбатида, Хўжандийнинг «Латофатнома»сидан яхши хабардорлигини ва унинг бу номаси машҳурлигини қуйидаги байтида айтади:

Атоий шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дан кечгай Хўжандий.

---

<sup>20</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн учинчи том, Мажолис ун-нафоис, Тошкент, Фан, 13-бет.

<sup>21</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 13-жилд 63-бет.

(Эсли Хожанди знает милост стихи Атойи, он отказываеця от своего «Латофатноме»)

Хўжандий ҳам ўзининг “Латофатнома”сини “Муҳаббатнома”га жавоб тариқасида ёзганини таъкидлайди:

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,  
“Муҳаббатнома”га айцанг жавобе.

Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанри ҳақидаги ана шу маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Навоий Олтин Ўрда адабиётининг айрим намуналаридан билвосита ва бевосита хабардор бўлган. Аммо тамойилни сақлаш мақсадида Олтин Ўрда ўзбек адабиёти вакиллари тўғрисида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб билмаган.

Пўлатжон домулло Қаюмов «Тазкирайи Қаюмий» асарида куйидагича маълумот беради: «Бу кишини Нозим Хоразмий деб юритиладурки, ўзининг «Муҳаббатнома» номли йирик асари билан 14-асрнинг буюк класик ёдгори билан танилмишдур. Шоирнинг таржима ҳолигина эмас, ҳаттоки номи ҳам замонамизда ҳам маълум бўлмади. Лекин асари мўътабар китобдур. Бу асар ҳам Олтин (Ўрда) ҳукмдорлари даврида ёзилмиш қадимги асардур. Ўзи хоразмли бўлган ва Олтин Ўрдада юрган ўзбек шоиридур».<sup>22</sup>

«Муҳаббатнома» асари нафақат ўзбек, балки рус, татар, туркман олимлари томонидан ўрганилган. Бу ҳақда «Татар адабиёти тарихи» китобида батафсил маълумот берилган.<sup>23</sup>

«Муҳаббатнома»нинг ёзилган жойи тўғрисида сўз кетганда, Сирдарё бўйидаги Сиғноқ шаҳрида яратилгани айтилади. Бунга асос сифатида асардаги:

«Муҳаббатнома» сўзин мунда айтдим,  
Қамуғин Сир яқосинда битидим

---

<sup>22</sup> Пўлотжон Домулло Қаюмов. Тазкирайи Қайюмий. Тошкент, 1998, 22-бет.

<sup>23</sup> Қаранг: Татар адабиёти тарихи (татар тилида), Қозон, «Китап» нашриёти, 1984, 196-198-бетлар.

деган мисралари олинади. Хоразмийнинг берган хабарига қараганда, асар бошқа шаҳарда тугатилган бўлиши мумкин. Биринчи номадаги қуйидаги байт асарнинг Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида тугатилганидан дарак беради:

Саройдин борди Чин-Мочинга човинг,  
Қиё боқсанг, бўлур арслонлар овинг.

Мазкур байт яна шуниси билан қимматлики, унда Хоразмий Олтин Ўрда адабий муҳитидан ташқарида – Мисрда ташкил топган Мамлуклар давлатида ҳам шуҳрат қозонганига ишора қилади. Балки Хоразмий Сарой шаҳрига бориб, ўша эрда «Муҳаббатнома»ни тугатгандан кейин, Мисрга кетган ва Мамлуклар давлатида яшаб қолган бўлиши мумкин. Бу фикримизга далил сифатида қуйидаги маълумотни келтиришимиз мумкин:

Саъдий «Гулистон»ининг Сайфи Саройи томонидан қилинган таржимаси маълум. Шу қўлёзма таркибида Сайфи Саройига замондош шоирларнинг шеърлари ва Сайфи Саройининг ўша шоирларнинг шеърларига берган жавоб шеърлари бор. Шу шеърлар орасида Хоразмий тахаллусли шоирнинг ғазали мавжуд.<sup>24</sup> Ғазалнинг руҳи, услуби «Муҳаббатнома» таркибидаги ғазалларга жуда яқин. Хоразмийнинг шу ғазали мақтаида

Хоразмийнинг гар тани тупроқ бўлса ҳам,  
Отин тири(к) тутар жаҳон ичра сўзлари

байти унинг машҳурлигидан далолат беради. «Муҳаббатнома»нинг «Баёни воқийи айтур» бобида Муҳаммад Хўжабекнинг Хоразмийга берган тарифи юқоридаги байта ҳамоҳангдир.

«Муҳаббатнома»дан англашилишича, Хоразмий тасаввуф йўлини тутган шоир. Зотан, асарнинг дебчасидаги айрим байтлар шундан далолат беради. Масалан:

---

<sup>24</sup> Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмон. Тошкент, Фан, 2007, 66-67 бнлар.



Муҳаммаддин муҳаббат бўлди пайдо,  
Мени мундоқ муҳаббат қилди шайдо...

Шунингдек, қуйидаги байтларда тасаввуф илмида кенг тарқалган  
рамз – май рамзи бор:

Кел, эй соқий, кетургил бодайи ноб,  
Кула ўйнаю ичсунлар бу ашоб...

Кел эй соқий, кетургил жоми Жамни,  
Кишининг кўнглидин май юр ғамни...

Кел эй гулчеҳра соқий, май кетургил,  
Мени ҳайрат мақомига этургил.

Ҳабибим нақшидин маъни бўлойин,  
Таҳайюлда ўзимдин куртулойин...

Биринчи ва иккинчи байтларда май ёки бода тимсоли муҳим моҳият касб этади. Май тимсоли тасаввуф адабиётида кенг тарқалган бўлиб, «илоҳий ишқ – маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ – илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодаси сифатида тилга олинган».<sup>25</sup> Соқий сўзи ҳам бу эрда рамний маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демакдир.<sup>26</sup>

Келтирилган учинчи ва тўртинчи байтларда мутасаввиф Фано мақоми ёки Фано водийсига этиб бориши учун босиб ўтиши шарт бўлган

---

<sup>25</sup> Комилов Н. Тасаввуф. "Мовароуннаҳр-Ўзбекистон", 2009, 150-бет.

<sup>26</sup> Комилов Н. Юқоридаги асар, 155-бет.

Ҳайрат мақоми тўғрисида сўз кетади. Ҳайрат мақоми - Фано мақомидан олдинги босқич. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида бу босқичлар тасвири бор. Таҳайюр – ҳайратланиш демакдир, яъни «таҳайюрдан қутулиш» - Фано босқичига ўтиш маъносига ишора қилади. Қолаверса, асар сўнгида келтирилган «Қитъа» ҳам Хоразмийнинг йўлини ва маслагини яққол кўрсатиб туради:

Тамаъ домина қолур қуш эмас мен,  
Телим айвон уза учқон Хумомен.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,  
Қаноат мулки ичра подшомен.

Харобот ичра масжидда эрим бор,  
Ким уш ҳам риндмен, ҳам подшомен.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,  
Айитмон мол учун мадҳу сано мен...

Байтлардаги Хумо, қаноат мулки, Харобот (фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслардан поклаб, хокисор бўлиш), ринд каби тимсоллар Хоразмийнинг эътиқоди ва маслагини яна бир бор тасдиқлайди.

Хоразмий «Муҳаббатнома»ни ёзгунга қадар ҳам этук шоир сифатида эътироф этилганини асарнинг ўзидан англаш мумкин. Хусусан, ўзбек адабиёти учун тамо мила янги жанрдаги асарни яратишни ҳукмдор Муҳаммад Хўжабек Хоразмийга топширгани ҳам фикримизга далилдир. Хоразмий ўзбек ва форс тилларида маҳорат билан баравар ижод қилганини «Муҳаббатнома» такибидаги маснавий, ғазал, қитъа, фард аби жанрлар кўрсатиб турибди.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ўзбек адабиётида номачиликнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлди.

**Хўжандийнинг «Латофатнома» асари.** Хўжандий Х1В асрнинг иккинчи ярми ва ХВ асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган. Унинг “Латофатнома” асари этиб келган бўлиб, ўзбек адабиётида нома жанрининг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Шоирнинг таржима ҳоли тўғрисида маълумот йўқ. Тахаллусидан Хўжанддан экани маълум бўлади.

“Латофатнома” ХВ асрда шуҳрат тутган кўринади. Жумладан, Отойи ҳам бу асардан яхти хабардор бўлган. У бир ғазалида шундай ёзади:

Отойи шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дан кечгай Хўжандий.

Хўжандийнинг “Латофатнома”си ХВ аср бошларида (1411 йилларда) ёзилган бўлиб, Амир Темурнинг авлодларидан бири, Хоразмда ҳукмронлик қилган Султон Маҳмудга бағишлангани тўғрисида кўп адабиётларда айтилади

“Латофатнома”нинг “Муҳаббатнома”дан фарқи бор. Фарқ шундан иборатки, бу номада ҳар бир номадан сўнг ғазал келтирилмайди, фард, қита ва муножотлар ҳам йўқ. Аммо Хўжандий бу асарини “Муҳаббатнома”га жавоб тариқасида ёзганини айтади:

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,  
“Муҳаббатнома”га айцанг жавобе.

**“Латофатнома”нинг тузилиши, мазмуни.** Асар Яратганга ҳамд билан бошланади. Яратганнинг чексиз қудрати, ҳамма нарсани – инсону жонзотларни, тўққиз қават фалакни, этти қават эрни, осмондаги қушларни, эр юзидаги бойликларни ва жамики нарсаларни У бу оламга келтирган. Ёқубни ҳам Юсуфнинг фироқига дучор қилган, Юсуфнинг дардида Ёқубнинг кўзларини ожиз қилган, Сулаймонга шамолни итоат эттирган, Довудга совут ясаш иқтидорини ато қилган ҳам Яратганнинг Ўзидир.

Хўжандий асарининг ҳамд қисмида ўз маслаги ва эътиқодини баён қилади. Илоҳий ишқ – Хўжандийнинг аъмолу эътиқоди, унинг бутун вужуди ишқ ўтига итоат эттирилган. Яратган ошиқларга жафо беради, бу жафокашларнинг сарвари Муҳаммад Мустафодир. Хўжандий Яратганга илтижо қилиб, бу ишқдан айирмаслигини сўрайди:

Худоё, кўнглум ичра ишқ ўтинг ёқ,  
Хўжандий хастага лутфунг била боқ.  
Муҳаббат жомидин саҳбо ичиргил,  
Хато ишлар телим қилдим, кечургил.

Хўжандий Яратганга мадҳдан сўнг, пайғамбарга наът (мақтов) келтиради. Муҳаммад Мустафони, сўқир кўнгилларнинг табиби, шариат боғининг булбули, деб таърифлайди. Шунингдек, Муҳаммад Мустафо пайғамбарларнинг сарвари, авлиёларнинг раҳнамози эканини, Худонинг ҳукми билан мўъжизалар кўрсатганини ва бошқа кўп сифатларини, фазилатларини баён қилади.

Хўжандий бу асарини, бошқа номалар қатори, ўнта номадан иборат қилиб яратгани тўғрисида ёзади:

Тилимда сўз, элимда хома бўлди,  
“Латофатнома” ҳам ўн нома бўлди.

“Латофатнома” – ишқсиз кўнгилларга ошиқлик дардини соладиган асардир. “Кимнинг ишқи бўлмаса, унинг бирон мақсади бўлармиди, бир жононни севмаса, ундан нима мурод бўларди”, дейди шоир Хўжандий. У бу фикрини давом эттириб: “Кимки бирон жононни севмаса, билингки, унинг танасида жон йўқдир”, деб хулоса чиқаради. Ана шундан кейин Хўжандий асосий мақсадга кўчади:

Не билсун текма нодон ишқбози,  
Ҳақиқат бўлмаса бори мажози,

дея ошиқлик ва ишқнинг чинакам қиёфасини чизиб беради.

Хўжандий “Латофатнома”нинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, дастлаб Султон Маҳмудни таърифлайди, сўнгра асарнинг ёзишга Султон Маҳмуд ундагани тўғрисида айтади:

Асарда Хўжандий тахаллуси олти ўринда учрайди. Асарнинг бош мавзуси – ҳаёт гўзаллигини, инсонга бўлган самимий севгини куйлаш, уни тарғиб қилишдан иборатдир. Бу мавзу ёрнинг жафокашлигию ошиқнинг дарди орқали кўрсатилади. Ёрнинг жамолини кўрган гуол уялганидан ғунчага айланади, киш фаслида ёр кулганда, ёз бўлади, унинг карашмаси жону дилни ғорат қилади, кўзлари яғмою чигилни талон-тарож қилади.

Маъшуканинг куйидаги таъриф-тавсифи орқали шоир ана шундай дунёвий севгини улуғлайди, дунёвий севгидан кудратлироқ куч йўқлигига ишора қилади:

Аё сардафтари хубони олам,  
Қамуғ мулки жаҳон сизга мусаллам.  
Парилар шоҳисан, хуснунг зиёда,  
Рухунг кўрса шоҳлар бўлур пиёда.  
Қаро зулфунг ажаб ҳиндуйи тасвир,  
Эрур фаттон кўзунг жодуйи Кашмир.  
Юзунг кундуз бикин, зулфунг шаби тор,  
Сочинг чининда пинҳон мушки тотор.  
Лабинг лаъли Бадахшон, тишларинг дур,  
Садаф оғзин қурутқон тишларингдур.

Ёрнинг анъанавий таъриф-тавсифи билан бирга, Хўжандийга хос тасвир учрайдики, бу байтлар “Латофатнома”нинг бошқа номалар билан беллаша оладиган асар эканини таъминлаган. Шоирнинг

Хўжандий сўзларин Хоразмий мискин,  
Эшица йўлли деб қилғайди таҳсин

деб айтган сўзлари ҳақиқатдир. Зотан, Хўжандий Хоразмийнинг таҳсинига лойиқ нома жанрида асар яратди.

“Латофатнома”да ҳар бир номанинг охиридаги бир байт соқийга мурожаатдир:

Кел эй соқий, бу кун мажлис қуроли,  
Замони айш этиб, хуш ўлтурули.

“Латофатнома”да муаллиф эътибор қаратган яна бир жиҳат табиат тасвирига алоҳида эътибор берганидир. Шунингдек, асарда тажнисли қофия Хўжандийнинг халқ тилидан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатиб туради:

Исирғанг донаси *чин Муштарийдур,*  
Сочинг нофайи *Чин муштарийдур.*

Қаро зулфунг ичинда *чин кўрармен,*  
Хато йўқдур бу сўзда, *чин кўрармен.*

### **Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асари**

Асар 846 (1435-36) йили Саййид Аҳмад томонидан ёзилган. Саййид Аҳмад – Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғлидир. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг В11 мажлисида Саййид Аҳмад тўғрисида куйидагича маълумот беради: “Саййид Аҳмад – салим таъб ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида “Латофатнома” анингдур. Бу туркча матлаъ яхши воқеъ бўлубтурким:

Сайд этти фироқинг мени мурғи саҳарийдек,  
Қил одамийлик, қилма юзни ниҳон парийдек.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,  
Ажаб, гар бедилоонро жон бимонад.

(Агар ой юзлигим бундан кейин ҳам пинҳон қоладиган бўлса, бедилларнинг омон қолиши ажабланарлидир”.

“Таашшукнома” “Муножот”, “Мадҳи наби алайҳиссалом”, “Китоб сабаби”, “Подшоҳи ислом мадҳи” ва ўнта номадан иборат. Ўнинчи номадан кейин китобнинг хотимаси ва шоирнинг илтимоси ўрин олган.

Навоий берган маълумотдан кўришиб турибдики, Саййид Аҳмаднинг “Латофатнома” асари тўғрисида маълумот берилган, аммо “Таашшукнома” тўғрисида маълумот йўқ. Шунингдек, Саййид Аҳмад ўзбек ва форс тилларида ғазаллар ёзган бўлиб, иккита девон тузгани ҳам Навоийнинг маълумотларидан англашилади.

“Мажолис ун-нафоис”да Саййид Аҳмаднинг “Латофатнома”сидан келтирилган байт “Таашшукнома”да учрамайди.

“Таашшукнома” ўнта номадан ташкил топган бўлиб, 319 байтдан иборат. “Таашшукнома”нинг ўзига хос томони шунда кўринадики, ҳар бир нома уч қисмдан – нома, ғазал, сўзнинг хулосасидан иборат қилиб тузилган. Саййид Аҳмад бу асарини бирон шоир асари таъсирида яратилганини қайд этмаса ҳам, асарнинг ғоявий йўналиши, тузилиши, тасвирий воситаларга қараганда, айтиш мумкинки, бу асарга “Муҳаббатнома” ва “Латофатнома”нинг таъсири кучли бўлган. “Таашшукнома”нинг ўнта номадан иборат экани, шундай хулосага олиб келади. Аммо “Таашшукнома”нинг ўзига хослигини таъминловчи омил – унинг тузилишидир.

Ҳаётга муҳаббатни ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббати орқали акс эттириш “Таашшукнома”даги усуллардан биридир. Бу асар бадий воситалардан истифода этишда ўзига хослик билан ҳам ажралиб туради. Саййид Аҳмад ўзбек тилининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, иккинчи номани бошдан охиригача тажнисли қофияда ёзган.

Юсуф Амирий XV асрда яшаб ижод этган шоир бўлиб, унинг девони, “Даҳнома” ва “Банг ва чоғир” мунозараси бизга этиб келган. Асар хижрий 833 (милодий 1429-30) йили ёзилган. Бу шоир тўғрисида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида қуйидаги маълумотлар бор: “Мавлоно Амирий – турк эрди ва туркча шеъри яхши воқе бўлубтур, аммо шуҳрат тутмабтур. Ва бу байт анинг “Даҳнома”сидиндур:

На эмақдин, на уйқудин солиб сўз,  
Эмақдин тўюб, уйқудин юмуб кўз”.

Ва форсийда шайх Камол татаббуъи қилибтур. Бу матла анингдурким:

Рўзи қисмат ҳар касе аз айш баҳши худ ситонд,  
Ғайри зоҳид к-ў риёзатҳо кашиду хушк монд”.

[Қисмат куни (насиба тақсим этиладиган кун) зоҳиддан бошқа ҳар ким ўзига баҳшида қилинган айшни олди. У эса не чоғлиқ машаққат чекмасин, куруқ қолди.]

Анинг қабри Бадахшон сари Арҳанг Саройдадур”.

Амирий тўғрисида Давлацқоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида эслайди: “Мавлоно Юсуф Амирий султон Шохруҳ мирзо замонида катта шуҳратга эришган шоирлардан биридир. У оддий ҳаёт кечирган, айтишларича, амирлар ва машҳур амалдорлар унга ҳамхўрлик кўрсатганлар. Буюк ҳоқон Шохруҳ султон ва унинг улуғ авлодлари, амалдорлари шарафига Амирий кўп қасидалар битган. Султон Бойсунғур мирзо шарафига битилган қуйидаги қасида ҳам униқидир:

Делам бедард гирифтор гашт дар ҳаме у,  
Магар кунад шоҳи олам белуфт дар монаш...”

Навоийнинг Юсуф Амирий тўғрисида берган маълумотидан маълум бўладики, Юсуф Амирий яшаган давр Навоийнинг ёшлик пайтларига тўғри



келади. Атоқли адабиётхунос Абдуқодир Ҳайтиметовнинг айтишича, Навоий Юсуф Амирий билан кўришмаган. Қолаверса, Навоий Юсуф Амирийнинг девонидан яхши хабардор бўлган. Навоий берган маълумотдан, Юсуф Амирий XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган, деган хулосага келиш мумкин. Навоий яна “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ҳам, Гадоий, Ҳайдар Хоразмий ва бошқа бир неча ширлар қатори, Юсуф Амирийни ўз даврининг улуғ шоири сифатида таърифлайди.

“Дахнома”дан маълум бўлишича, Юсуф амирий Шарқ тарихи ва мифологиясидан, диний ва дунёвий билимлардан яхши хабардор бўлган эди.

Амирийнинг “Дахнома” асари номачилик анъаналарига риоя қилинган ҳолда ёзилган. Асар ўнта номадан иборат бўлиб. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сига ҳамоҳанг усулда ёзилган. Аммо асарнинг ўзига хослигини кўрсатадиган далиллар борки, булар “Дахнома”нинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини белгилайди. Жумладан, “Муҳаббатнома”да асарнинг охирида фард берилгани ҳолда, “Дахнома”даги ҳар бир номада ошиқ ёки маъшуқанинг номасидан сўнг ғазал, сўнгра фард берилган. Яна “Дахнома”да ҳар бир номада ошиқнинг мактубидан сўнг, маъшуқанинг мактуби келтирилади. Бундай усул ҳар бир номани мустақил асар сифатида талқин қилишга имкон беради. Қолаверса, муаллиф ҳам шу мақсадни кўзлаган бўлса керак. Шу тариқа “Дахнома”нинг тузилишида ўзига хослик юзага келган.

Юсуф Амирий Бойсунғур мирзо ҳимоясида яшаганлигини таъкидлайди. Айни пайтда Бойсунғур мирзо инсониятга нисбатан ҳимматли ҳукмдор бўлганини, инсонларни ғоят қадрлаганини ҳам “Дахнома”да айтиб ўтади:

Ғиёсулҳақи ваддин Бойсунғур,  
Ки сўзига қулоқ тутгувчидур дур...  
Этиб эл дардина ортуқ билиги,  
Ёпиб фақр эғнини очуқ алиги.  
Улусни қутқариб меҳнат кунидин,  
Ўлукни уйғотиб ярмоқ унидин.

Бойсунғур мирзо Шоҳруҳ мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, илм-фанни-ижодни кадрлайдиган одам эди. У отаси Шоҳруҳ мирзога вазир лавозимида хизматда бўлган йиллари Хиротда кутубхона ташкил қилди. Ўша замон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, кутубхона қошида ўз даврининг машҳур хаттотлари, наққошлари, мусаввирлари, саҳҳоф ва заркорларининг қирқ нафари тўпланиб, илмий ва ижодий иш олиб борганлар. 1425-1426 йиллари мазкур кутубхона қошидаги котиблар Бойсунхур мирзонинг назорати остида Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг қирққа яқин кўлёмаларини солиштириб, асарнинг мукаммал матнини тузганлар. Бойсунғур мирзо ақл-заковати, маърифатпарварлиги, хунарпарварлиги ва айниқса адабиётга бўлган эҳтироси билан халқ ўртасида шуҳрат қозонган. “Даҳнома” ёзилган йиллари Шоҳруҳ мирзо ўғли Бойсунғур мирзони Эрон Озарбайжонига ҳоким қилиб тайинлаган эди. 1431 йили эса Астробод ҳокими бўлади.<sup>27</sup>

Шу ўринда бир арабнинг Хорун ар-Рашидга саҳродан сув олиб келгани ҳақидаги ҳикоят берилган. Бу ҳикоят тасодифан эмас, балки Бойсунғур таърифидан сўнг уни Хорун ар-Рашид сингари сахий, инсонпарвар ҳукмдор сифатида кўрсатиш учун Юсуф Амирий атайлаб берган. Ҳикоя қилинишича, бир араб саҳрода бир кўлмак сувни топиб олиб, уни обизамзамга лойиқ дея шоша-пиша Хоруннинг хузурига йўл олади. Хоруннинг хузурига келгач, уни иззат-ҳурмат билан кутиб оладилар ва унинг ўзини Хизр каби, олиб келган сувини “оби ҳайвон” – тириклик суви деб ўйлайдилар. Араб Хоруннинг хузурига киргач, унга шундай дейди:

Ки: “Шоҳо, мен арабмен барда тўзғон,  
Тикон бирлан муҳаббатни дам урғон...  
Кечиб сувдин юруб кўз ёши бирлан,  
Кун элтиб, ою йил ўт боши бирлан.  
Тилаб бир пора ёмғур суйи топтим,

---

<sup>27</sup> Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 1995, 328-бет.

Зулолидин тамаъ оғзини ёпдим.

Ўзум ичмай санга келтурдум они,

Ки кўрдум санда султонлар нишони

Манга эмди бу сувдин оби ру қил,

Дедим улки бор эрди ўзга сен бил”.

Хорун ўша арабнинг бу сўзларини эшитиб, мамнуният билан хизматкорларига: “бу одамнинг идишига тўлдириб пул беринглар”, деб амр берди. Ўша араб билсаки, шу эрда Дажла дарёси оқиб ўтар экан. Агар Хорун шундай деб айца, унинг обрўйи тўкилиши аниқ эди. Аммо Хорун ниҳоятда олийжаноблик билан ўша араб “менга оби ру қил” деган илтимосини бажо қилди.

Юсуф Амирий Бойсунғур мирзонинг барча фаолиятидан жуда яхши хабардор бўлгани учун ҳам илм ҳомийси сифатида унга юқори баҳо беради. У бу асарида Бойсунғур мирзони илф-фан ва уламолар ҳомийси сифатида таърифлайди, турли фанлар ривожига унинг хизматлари катта эканини айтади:

Кечиб оллида юз турлук дақойиқ (нозик маънолар, нозик нукталар, чигалликлар),

Маориф бирла анвойи ҳақойиқ.

Бир ҳайъат риёзисидин териб гул,

Бири ҳикмат шифосидин бериб мул (май, шароб).

Бири Уқлидис ашколин ҳал этиб,

Бири кўк жадвалинда мадҳал (кириш, кирадиган жой) этиб,

Бири фақр ичида асраб мақомин (фақирлик билан, дунёдан кечиб)

Бири мантиқ сори элтиб каломин...

## Мунозара

Мунозара жанри ҳақида сўз кетганда, албатта, бу жанрнинг илдизларига эътибор қаратилади. Мунозара дунё халқларининг аксариятида

азалдан мавжуд бўлиб, маълум бир халқнинг инонч-еътиқодлари заминида шаклланган. Мунозаранинг сўз орқали ифодалаш (вербал) хусусияти ана шу инонч-еътиқодлар, қолаверса, маросимлар, удумлар заминида шаклланган.

Эвропа халқлари ўтмишида “Ўлимни ҳайдаш” ва “Ёзни чақириш” маросими ҳақида машҳур инглиз этнографи Ж.Фрезер кўп маълумотларни келтирган. Унинг келтирган маълумотлари XVI-XVIII асрларга тегишли. “Ўлимни ҳайдаш” маросими ёзни, баҳорни, умуман, ҳаётни қайтаришга даъват қилади. “Ёзни чақириш” маросими ҳам, худди “Ўлимни ҳайдаш” маросими сингари, сахна кўринишларидан иборат.<sup>28</sup> Умуман, бу маросимларнинг мақсади –ҳар доим ёз, яъни соғлом ҳаёт доимо инсониятга ҳамроҳ бўлиш истагини уйғотишдан иборатдир.

Ж.Фрезер “Ўлимни ҳайдаш” ва “Ёзни чақириш” маросимидан сўнг, Ёз ва Қиш ўртасидаги кураш сахнасини ёритади. У айрим ғарб мамлакатларида, хусусан, Швецияда Ёз ва Қиш ўртасидаги курашга бағишланган халқ ўйинларини келтиради. Бу ўйинда албатта Ёз ғолиб келади.<sup>29</sup>

Ёз ва Қиш мунозараси Германия, Англия ва Скандинавия мамлакатларида ХИВ-ХВИ асрлардан буён бор. Мунозара жанри бу мамлакатлар халқи орасида маросимлар билан боғлиқ бўлиб, баҳор пайтидаги турли саналарга тўғриланган. Ғарбий Германияда мунозара яқин вақтларгача баҳорги маросим ўйинлари сифатида сақланган эди.

Қиш ва Ёз олмон халқ маросим ўйинларида оломон ўртасида ўтказилган. Иккаласи бир-бирига қарама-қарши кучлар сифатида чиқади. Ёз ўз мулозимлари билан қуёш чиқадиган Шарқдан келган. У Қишга “Бу эрдан жўнаб қол” деб буюради. Қиш қўпол деҳқон тимсолида бўлиб, бошига телпак кийган, у тоғдан келган, ўзи билан бирга шамол, совуқни, қорни олиб келган. Аммо у даф бўлишни асло истамайди. Қиш оппоқ қорли далалари билан, Ёз эса ям-яшил водийлари билан мақтанади. Ёзда ўт-ўланлар кўкаради. Қиш ҳам турли-туман ичимликлар кашф қилган. Ёз эм-хашак, шароб, ғалла

<sup>28</sup> Дж. Фрезер. Золотая ветвь. – выпуск III, Атеист, 1928, 22-30-бетлар.

<sup>29</sup> Дж.Фрезер. Юқоридаги асар, 30-31-бет.

этиштиради, буларнинг ҳаммаси қишда йўқ бўлади. Табиийки, булар Ёз ва Қиш ўртасида савол-жавоб тарзида ўтади, икковининг орқасида эса хор айтиб, мулозимлари туради. Охири Ёз ғалаба қилади. Қиш ўзини Ёзнинг хизматкори деб атайди ва “Икковимиз бошқа мамлакатларга борайлик, менга ёрдам бергин”, деб илтимос қилади. Шундан кейин Ёз “Жанг тамом бўлди, хайрли тун”, дея эълон қилади. Мунозаранинг бундай кўринишларидан VIII -IX асрга оид “Баҳор ва Қиш” номли лотинча шеър ҳам этиб келган.<sup>30</sup> Ёз ва Қиш мунозарасининг маросимга айланган кўриниши ёқут халқида ҳам сақланган. Уларнинг маросими баҳор ва кузга оид бўлиб, баҳорнинг илк кунларида олийжаноб тангрига қурбонлик қилиш билан бошланган.<sup>31</sup>

Бу маросимларни келтиришдан мақсад шуки, бу шаклдаги баҳс ёки олишув мунозаранинг илк кўринишларидир. Мунозара жанр сифатида халқ оғзаки ижодига кириб келишида бу маросимлар асосий босқич бўлган.

Мунозара жанри ўзбек адабиётида узоқ тарихга эга. Дастлаб бу жанрнинг илдизларини туркий халқлар мифларида кўрамиз. Туркий қавмларнинг пайдо бўлишига оид мифда айтилишича, Ёз қизи билан Қиш қизи ўртасида, ким қудратли деган баҳс бўлиб, иккови беллашади. Мусобақада Ёз қизи ғалаба қилади.

Мунозара жанрининг асосий белгиларидан бири – баҳсга киришган томонлардан бири ғолиб, бири эса албатта мағлуб бўлади. Юқоридаги мифда бошланган мунозаранинг ана шу хусусияти Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида Ёз ва Қиш ўртасидаги мунозарада аниқ кўринади. Ҳар икки тимсол ўртасидаги мунозара ижтимоий мазмун касб этади.

Туркий халқларнинг қадимги ёзма ва оғзаки адабиётини ўзида мужассам этган “Девону луғатит-турк” асаридаги 23 тўртлик асосида Абдурауф Фитрат Ёз ва Қиш мунозарасини тиклади.<sup>32</sup> Унгача ҳам турк олимлари Фуод Кўпурилизода, Зиё Кўкалп Ёз ва Қиш мунозарасини

---

<sup>30</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л.: Наука, 1979, 52-53-бетлар.

<sup>31</sup> Жирмунский В.М. Юқоридаги асар, 53-бет.

<sup>32</sup> Қаранг: Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Нашрга тайёрловчи Орзигул Ҳамроева, Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008, 20-31-бетлар.

тиклашга ҳаракат қилганлар. Аммо бу олимларнинг “Девону луғатит-турк”даги мазкур жанрни ташкил этган тўртликларга муносабатлари турличадир.

Россиялик турколог И.В.Стеблева “Девону луғатит-турк”даги шеърий шакллар ҳақида фикр юритиб, бу асардаги мунозарага ўз муносабатини билдирган ва бу жанрни тиклаган эди. У “Девону луғатит-турк”нинг тўртта нашри – турк олимлари Аҳмад Рифъат ва Басим Аталай таржималарини ва нашрларини, ўзбек олими С.Муталлибов таржимаси ва нашрини, немис турколог олими К. Броккелманнинг нашрига таяниб, танқидий матн тайёрлаб, мунозара жанрини тиклайди ва йигирма учта тўртликни мунозара жанри сифатида беради. И.В.Стеблева келтирган “Девону луғатит-турк”даги мунозара куйидагича:

Қиш яй била тўқушти,  
Қинғир кўзин бақишти,  
Тутушқали яқишти,  
Утғалимат ўғрашур (1.ВА 170, Т. I 181-182)<sup>33</sup>

Яй қиш била қаришти,  
Ардам ясин қуришти,  
Чериг тутиб курашти,  
Ўқтағали утрушур (ИИ. БА 97, Т. II 104)

Қиш яйғаҳи сувланур,  
Ар ат манин явраюр,  
Иглар яма савриюр,  
Ат йин тақи бакришур (ИИИ. БА 278, Т III 294)

---

<sup>33</sup> 1.ВА 170, Т 181-182 – 1 рақами – “Девону луғатит-турк”нинг жилдини, ВА – Басим Аталайни, кейинги рақам – жилднинг саҳифасини, Т – Тошкентни, кейинги рақам – Тошкент нусхасининг саҳифасини англатади.

Ўл қар қамуғ қишин инар,  
Ашлиқ тариф анин ўнар,  
Явлақ яғи манда тунар,  
Сан калибон табрашур (II VA 204, T. II 237)

Санда кўпар чаянлар,  
Қузғу сингак йиланлар,  
Дук минг қую туманлар,  
Қузрук тикиб югрушур (III. VA 367, T. III 378)

Тумлуғ келиб қапсади,  
Қутлуғ яйиғ тепсади,  
Қарлаб ажун япсади,  
Эт йин ушуб эвришур (I VA 463, T. I 430).

Балчиқ балиқ юғрулур,  
Чиғай явуз йиғрилур,  
Эрингаклари ўғрилур,  
Ўзғуч била эвришур (I. VA 248, T. I 249)

Калди эсин эснаю,  
Қазқа тугал уснаю,  
Кирди будун куснаю,  
Қара булит кўкрашур (III. БА 223, T. III 259-260, БА 147, )

Айрим ҳолларда мунозарада кичикроқ ҳажмдаги ҳамд қисми ҳам мавжуд бўлади. Ҳамд – шу мунозарани ёзишга ундаган шахсга қаратилади. Баъзи тадқиқотчилар мунозара жанрини ўрганиб, бу жанр Шарқ мумтоз адабиётидаги қасида жанрининг бир кўринишидир, деган фикрни ҳам

билдирганлар Бундай хулосага келишда улар мунозаранинг ҳамд қисмига таянадилар.<sup>34</sup> Аммо бу фикр унчалик ўзини оқламайди. Мунозарада ҳамд бўлиши шарт эмас. Масалан, “Девону луғатит-турк”даги мунозарада ҳам, “Қутадғу билиг”даги Ўзғурмиш ва Ўгдулмиш мунозарасида асло ҳам қисми йўқ. Шунинг учун қасида билан мунозара ўртасидаги алоқадорлик тўғрисида гапириш ортиқча.

Мунозара форс ва туркий халқлар адабиётида энг кўхна жанрлардан. Ўрта аср форс адабиётидан бизгача бу жанрнинг эътиборли бир намунаси эътиб келган. Бу мунозара “Дарахт ва хурмо” деб номланиб, асарнинг пахлавийча матни, транскрипсияси, тожик ва рус тилларига таржимаси И.С.Брагинскийнинг “Из истории таджикской народной поэзии” (Москва, 1956, 223-226-бетлар) асарида келтирилган. Асарда хикоя қилинишича, хурмо билан эчки баҳсга киришиб, қайси бири инсонга кўпроқ фойда келтиришини исботлашга ҳаракат қиладилар.

XI асрда бу жанрга машҳур форс-тожик шоири Асади Тусий эътибор қаратди. Унинг бешта мунозараси бизга маълум. 1. “Тун ва кун мунозараси” (Мунозараи шаб ва руз). 2. “Найза ва ёй мунозараси” (Мунозараи рамеҳ ва қавс). 3. “Осмон ва эр мунозараси” (Мунозараи осмон ва замин). 4. “Оташпараст ва мусулмон мунозараси” (Мунозараи габр ва мусулмон). 5. “Араб ва форс мунозараси” (Мунозараи араб ва ажам).

Мазкур мунозараларнинг дастлабки учтасини немис тилига Г.Эте таржима қилган. Тўртинчи мунозара Ризо Қулихоннинг “Мажмаъ ул-фусаҳо” (Чиройли сўзловчилар жамъи) тазкирасида бор. Бешинчи мунозарани Э.Э.Бертелс СССР ФА Шарқшунослик институтининг илмий тўпламида (19-жилд, 1958 йил) нашр қилган.

Ўзбек мумтоз адабиётида мунозара XV асрнинг биринчи ярмида махсус жанр сифатида шаклланди. Албатта, ўзбек мумтоз адабиётида бу жанрнинг шаклланишига, бир томондан, туркий адабиётдаги айрим асарлар

---

<sup>34</sup> Бу ҳақда қаранг: Чайкин К.И. Асади старший и Асади младший. – сб.: “Фердовси”, Л.: 1934, 133-бет.



таркибида, миф ва удумлар кўринишида этиб келган мунозара, иккинчи томондан, форс-тожик адабиётидаги мунозара таъсир кўрсатди. Юсуф Амирийнинг “Чоғир ва Банг”, Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси”, Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй” мунозараси ўзбек мумтоз адабиётидаги мунозаранинг ёрқин намуналаридир.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши олиб борган курашидан сўнг, Олтин Ўрда давлати таназзулга юз тутта бошлади ва тахминан Х1У асрнинг 80-йилларида кулади. Энди маданий марказ Амир Темур асослаган давлатга кўчди. Амир Темур ўзи ташкил қилган салтанатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарорлаштирди, унинг хизмати натижасида маданий ҳаёт янгича мазмун касб этиб, ривожлана борди.

Шуни қайд этиш керакки, Темурийлар салтанати йўқ эрдан пайдо бўлмади, балки азалий давлатчилик анъанаси заминида шаклланган, асрлар давомида барқарорлашиб келган туркий қавмлар давлатларининг заминида пайдо бўлди. Жумладан, туркий халқлар тарихида мўғуллар ана шундай муҳим рол ўйнаган сулолалардан бири бўлди. Мўғулларнинг Мовароуннаҳр маданий ҳаётида, адабиётида ўйнаган роли катта бўлди. Айниқса, Чингизхон ва унинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги маданий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз берди. Чиғатой ва унинг авлодлари Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган давр бирмунча шиддатли ва тарихий воқеаларга бой бўлди.

Маълумки, Х1У аср бошларида Чиғатой хонлари бутун Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Бу албатта бежиз эмас эди, албатта. Мовароуннаҳр учун Чиғатойнинг ҳукмронлик даври муҳим. Зотан, Чиғатой ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Чингизхон фарзандларидаги иқтидорнинг маълум бир қирраларини жуда яхши билгани ҳолда уларга шундай таъриф беради: “Кимнинг кўнглида эзгу истаклари бўлса... Жўжига эргашсин; шоҳликнинг ҳимояси сифатида ясани, қонун-

қоидани, биликни<sup>35</sup> билишни истаса, Чиғатойга борсин; кимда бағрикенгликка, сахийликка мойиллик бўлса, ким бойлик ва фаровонлик истаса, Ўктойга борсин; ким шон-шуҳратга, жангда қахрамонлик кўрсатишга, шоҳликларни эгаллаб, оламни итоат эттиришга интилса, Тулуйнинг хизматига борсин”.<sup>36</sup> Тарихий манбаларда, хусусан, Рашидиддиннинг “Жомеъ-ут-таворих”ида ва Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да Чиғатойнинг ақлли, қобилиятли, ўзига ҳурматни талаб қиладиган ҳукмдор бўлгани таъкидланади.

Темурийлар салтанатининг вужудга келишида Мовароуннаҳрдаги тарихий-сиёсий шароит муҳим рол ўйнади. XIУ асрнинг биринчи ярмида мусулмон маданиятининг Мовароуннаҳрда мустаҳкам қарор топишида Кепак хон (1318-1326)нинг хизматлари катта бўлди. Ҳозирги Қашқадарё Чиғатой хонларининг қароргоҳи бўлиб қолди. Кепакхон ўзи учун бир сарой қурдирди. Бу сарой “қарши” (ўзбекчада “сарой” демакдир) деб номланди. Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган мўғул ҳукмдорларидан Кепак хон биринчи бўлиб бутун давлат миқёсида ўзи номи билан қўйилган тангаларни жорий қилди. Бу пулнинг номи Амир Темур даврида ҳам “кепак” номи билан юритилаверди. Кепакхон мусулмон маданиятининг ривож топишида катта хизмат қилган бўлса ҳам, ўзи мажусийлигича қолди. Унинг укаси Тармаширин(1326-1334) мусулмонликни қабул қилди. Тармаширин акасининг йўлини давом эттириб, кўчманчилик анъаналарига жиддий зарба бера бошлади. Оқибатда Тармаширин ўлдирилди. Шундан сўнг Чиғатой хонларининг саройи бир нча йилга Или дарёси бўйларига кўчирилди.

Янгича маъмурий бўлиниш – *туманлар* ҳам айна шу даврда пайдо бўлди. Самарқанд, Бухоро, Эрон туманларга бўлинган эди. Бундай маъмурий бўлиниш, шубҳасиз, давлат қурилиши ва такомиллашувида жиддий рол

<sup>35</sup> Ἀεεεε – ἰϕγρῶεεαδ δεδιῆεαδᾶαί ἀεδ ἰααδιε ϕϕεαωδεδᾶαί ὕαεεαδ: δεδιῆεεεεαδῆιῆἰ ἰααδεαδεεα εϕδα, διῆεαδιῆἰα ἰαἰ–  
 ἡϕϕεαδε ,ϕεα ἰεεῆεα, οεαδιῆἰα ϕεεῆεαἰ εαεεῆ – ἡ ὕδεεαἰ; διῆῆῆἰα ἰοδκε ἡαεῆεε ἰαἡδᾶα ,ϕεεαἰ. Ἀο ἰοδκ οοδῆεεε–α  
 “αεεεε” αἰα αοαεαἰ. ×εἰἰαεϕοἰῆῆῆἰα αεεεεεαδε οαῆεεῆ ἰδαἰἰαοε αϕεαἰ ὕαε. Οεδιῆεα ἀεδ ἰαδδα οαδδᾶα ἰαδῆἡῆϕδῆεε  
 αεεεεῆε εοαἰ ὕδῆε αεεαἰ ααῆἰἰααδιῆἰα διῆεαἡεεα χᾶε αϕεαἰ. ×εἰἰαεϕοἰῆῆῆἰα αεδεῆ αεεεεεαδῆῆε Δαοεαεαἰεεε εεδῆἰἰῆἰα  
 ἰδδῆεα εαεδεδᾶαἰ.

<sup>36</sup> Δαοεαἰαεεῆ. Ἠἰαδῆἰεα εαδῆἡεἡε. Οἰἰ II, εϕα. Αἰ ἨἨἨἨ, ἰ.: 1960, 8–αἰο.

ўйнади. Жумладан, биргина Самарқанд вилояти Чигатойлар, шунингдек, Амир Темур даврида ва ХУ111 асргача этти туманга бўлинган эди.<sup>37</sup> Х1У асрнинг 40–йилларида Моавароуннаҳрда, айнан, ҳозирги Қашқадарё худудида яна чигатойлардан Қозонхон ўз ҳокимиятини ўрнатди, Қозонхон Қаршининг ғарб томонида Занжирсаройни барпо қилди. Қозонхон мамлакатда мустаҳкам ҳокимият ўрнатишга қарор қилди. Бунинг натижасида Қозонхон билан орлот, жалойир, қовчин ва барлос уруғбошилари ўртасида зиддият пайдо бўлди. Барлос уруғидан бўлган Қозоғон кўзғолон кўтариб, мўғул шаҳзодаларидан бирини хон деб эълон қилди. Ўртада бир неча йил уруш бўлди ва ниҳоят, 1346–1347 йилларда Қозонхон мағлуб бўлиб, ўлдирилди. Ҳокимият Қозоғонхон қўлига ўтди. Аммо Қозоғонхонга фақат Мовароуннаҳр ҳукмронлиги тегди. Чигатой давлатининг қолган қисмига дуғлат уруғбошиси ҳукмронлик қиладиган бўлди. Форс манбаларида бу бошлиқлар *амир* деб аталган бўлса, туркий қавмлар *бек* ёки мўғулча *нўён* деб аталадиган бўлдилар. Мовароуннаҳр амирлари ҳам, дуғлат амирлари ҳам бир қонуниятга амал қилдилар: иккаласи ҳам Чингизхон авлодларидан хон тайинлашни ўзларининг ҳокимияти учун қонуний деб билдилар.

Маълумотларга кўра, иккала давлатнинг ҳарбий тузилиши деярли бир хил бўлган эди. Чигатой термини аҳолининг кўчманчи ва кўчманчилик анъаналарини билдириш учун Мовароуннаҳрда сақланиб қолди. Аммо у эрда Чигатой наслидан хонлар қолмаган бўлсам ҳам, бу ном темурийлар салтанатининг охириги наслларида, хусусан, Бобур авлодларида сақланиб қолди. Чигатойнинг кўчманчи авлоди ўзларини мўғуллар деб атайдиган бўлдилар. Мўғулистон деган географик ном ана шундан қолган. Умуман, этник ном аслидан узоқлашиб, тамомила бошқа ном ва лақабларни олди.<sup>38</sup>

Амир Қозоғон ўн икки йил ҳукмронлик қилди. 1358 йили Қозоғонхон ўзининг куёви томонидан ўлдирилди. Қозоғон ҳукмронлиги даври шуниси билан диққатга сазовор бўлдики, ички низолар, чигатой улуси

<sup>37</sup> Аадоіеуа А.А.Њі+еіаіеу. 0ііІ. Њòð.33.

<sup>38</sup> Аадоіеуа А.А. Ркідёаааё аһаò, 36–ааò.

билан **мунгуллар** ўртасида юз бермади. Қозоғоннинг ўлимидан кейинм ҳокимият унинг ўғли Абдулланинг қўлига ўтди. Абдулла отаси ҳаётлигида Самарқандда яшарди. (Қозоғон эса кўчманчилар йўлбошчиси бўлиб ҳаёт кечирар, ишни Амударё бўйидаги Соли Сарой қишлоғида, ёзни Мунка шаҳрида – ҳозирги Балжувон ёнида ўтказарди.) Абдулла пойтахтни ўзи яшаб турган жойга кўчирмоқчи бўлган эди, лекин бошқа амирлар бунга қарши чиқдилар, бу низолар оқибатида уруш келиб чиқди, урушда Абдулла ҳалок бўлди. Кейинги йиллар Мовароуннаҳрда доимий исёнлар, фитналар, мўғул хонлар билан муттасил курашлар даври бўлди. Хуллас, бу даврда юз берган асосий воқеалар қуйидагилардан иборат:

Мўғул хони Туғлуқ Темур 1360-1361 йилларда Мовароуннаҳрга юриш қилди, шу пайтда хон томонидан Шаҳрисабз ва Қарши беги қилиб тайинланган Темур илк бор жанг қилди;

Темур Қозоғоннинг набираси Ҳусайн билан иттифоқ тузиб, мўғулларга қарши кўзғолон кўтардилар. Лекин Ҳусайн билан Темур Чирчиқда (1365 йили) мўғулларга қарши курашда мағлубиятга учрадилар;

XV асрда машҳур шоир сифатида эътироф этилган Қобулшоҳ хон деб эълон қилинди, лекин кўп ўтмай у тахтдан туширилди ва Одил Султон хон бўлиб тахтга ўтирди;

Ҳусайн Балхда 1368 йили ўзига атаб қалъа қурдирмоқчи бўлади, Темур эса уни бу ниятидан қайтаришга уринади ва амакиси Абдулланинг тақдирини мисол қилиб келтиради;

Ҳусайн ва Темур ўртасида кураш кетади. Темур Ҳусайннинг турк амирлари, айниқса, мусулмон руҳонийлари орасидаги душманлари билан иттифоқ тузади;

Ҳусайн асирга олиб ўлдирилади;

Балхдаги қалъа йўқ қилинади, пойтахт Самарқандга кўчирилади, у эрда ҳарбий иншоотлар, шаҳар девори қурдирилади (1370 йил).

Шундай қилиб, Темур ўн йил давомида бутун Мовароуннаҳрни эгаллади.

Албатта, Амир Темур шахсияти маданий ҳаёт ривожини учун муҳим омиллардан бири бўлган эди. Амир Темур шахсияти тўғрисида ишончли маълумот Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида бор. У Амир Темурга қуйидагича таъриф беради: “Темур Кўрагон – анораллоҳи бурҳонаҳи, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқибдурларким, анингтеқ бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”.\*

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”идаги Амир Темурга оид эътирофини – соҳибқироннинг ғоят нозик таъб бўлгани, шеърни яхши тушунгани ҳақида “Темур тузуклари”да келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бунинг боиси яна унинг шахсиятига бориб тақалади. “Темур тузуклари”да айтилишича, у илм аҳлига, дин билимдонларига, қиссахонларга алоҳида эътибор бериб, ўзига яқинлаштирган ва бундан кўп манфаатдор бўлган.

Амир Темурдан сўнг у ташкил қилган давлат иккига бўлиниб, Хуросонда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ (1409- 1447 йиллар), Мовароуннаҳрда набираси Улуғбек (1409-1449 йиллар) ҳукмронлик қилдилар. Йирик мамлакат иккига бўлиниб кетган бўлса ҳам, маданий ҳаётда асло узилиш бўлмади. Аксинча, адабий-маданий алоқалар ривож топиб бораверди. Амир Темурдаги маърифатпарварлик фазилати, темурий шахзодаларга намуна бўлгани боис, улар адабий-маданий жараён ривожланишига алоҳида эътибор берган. Навоий “Мажолис-ун-нафоис”да темурийлар авлодидан этишиб чиққан йигирма икки ижодкорнинг исми-шарифини зикр этади. Бу шоирлар орасида Халил Султон, Улуғбек Султон, Бойсунғур Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Шох Ғариб Мирзо ва бошқалар бор. Айниқса, Бойсунғур Мирзо адабиётга ҳомийлик қилибгина қолмай, ўзи ҳам шеърлар ёзди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун -ул-балоға” (1436-1437 йилларда ёзган) асарида Бойсунғур Мирзонинг бир ўзбекча қитъаси ҳам берилган. Мана ўша қитъа:

Фурқатингда сориг ўлди олмангиз,  
Эй мусулмонлар, яроқон ўлмасун.  
Ўлмакимдан фикрим онча йўқ турур,  
Қўрқарам ўлсам, яроқон ўлмасун.

Шубҳасиз, темурийлар ҳукмронлиги даврида туркий тилли адабиётга алоҳида эътибор қаратилди. Академик В.В.Бартолд келтирган далиллар бу жиҳатдан анча диққатга сазовор. Жумладан, унинг таъкидлашича, темурийлар даври маданий ҳаётида Қобулшоҳ (1366 йили хон деб эълон қилинган ва кўп ўтмай тахтдан туширилган)нинг маълум даражада роли бўлган. Қобулшоҳ туркий тилда шеърлар ёзган. ХУ асрда ҳам бу шоир анча шуҳрат қозонган. Амир Темурнинг сафдошларидан амир Сайфиддин барлос форс ва ўзбек тилларида шеърлар ёзган.\*

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр бу жиҳатдан кўп муваффақиятларга эришгани маълум.\* Шахсан Улуғбекнинг фанга кўшган ҳиссаси беқиёсдир. У бобоси Темур каби олимлар билан суҳбат куриб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан чекланиб қолмади, балки Шарқ тарихида кам учрайдиган ҳодисани – ҳокимият бошқаруви билан илмни бирга кўшиб олиб борди. Замондошлари Улуғбекни бу фазилатлари туфайли Арастунинг шогирди Искандан билан тенглаштирадилар. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида айтади:

Шаҳеким, илм нурин топти зоти,  
Анинг то ҳашр<sup>1</sup> қолди яхши оти.

□ Сикандар топти чун илму ҳунарни,  
Не янлиғ олди кўргил баҳру барни<sup>2</sup>.

Анингтек салтанат аҳли кўп эрди,

---

<sup>1</sup>хашр – 1. тўпланиш, катта йиғин. 2. қиёмат куни.

<sup>2</sup>баҳру бар – денгиз ва куруклик.

Қаю бирга ну навъ иш даст берди?

Ики минг йил ўтуб юз минг хирадманд,<sup>3</sup>

Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд<sup>4</sup>.

Темурхон наслидин султон Улуғбек

Ки, олам кўрмади султон анингтек...\*

ХУ асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда адабиёт юксалиш босқичига кўтарилди. Бу ҳақда Шайх Аҳмад Тарозийнинг юқорида биз айтиб ўтган “Фунун-ул-балоға” асарида кўплаб шоирларнинг номлари келтирилганки, мавжуд маълумотларга кўшимча сифатида хизмат қилади, айти пайтда баъзи маълумотларга аниқлик киритади. Шайх Аҳмад шеършунослик, хусусан, шарқ мумтоз поетикаси муносабати билан номлари бизга номаълум бўлиб келган кўплаб туркий ва форсийзабон шоирларнинг номларини келтиради. Имон Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий, Умид Камолий, Мавлоно Сайфиддин, Муҳаммад Ганжавий каби бир қатор шоирлар темурийлар даври адабиётида маълум мавқе эгаллаганини англаш мумкин. Айти пайтда шайх Аҳмад Тарозийнинг ўзи ҳам замонасининг истеъдодли шоири бўлганини мазкур асарида келтирилган ғазалидан биламиз.

Мустаҳкам пойдор давлат, ҳукмдорларнинг адабиётга муҳаббати ва эътибори Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги адабий жараёнга, илм-фан равнақиға катта таъсир ўтказгани ҳақиқат. Бу даврда ўзбек ва форс адабиёти ёнма-ён камол топиб борди. Ўзбек адабиёти, бир томондан, ўз анъаналари негизида, иккинчи томондан, форс адабиёти тажрибалари таъсирида тобора ривож топди. Ўзбек адабиётида янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва мавжудларининг такомили ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбек насри ва

---

<sup>3</sup> хирадманд – ақлли, доно

<sup>4</sup> баруманд – 1 баҳраманд, фойдаланувчи. 2. ҳосилдор мўл.



шеъриятида ўзига хос хуросон услуби пайдо бўлди. Бу адабий услубнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бадий ва илмий асарлар ифодасида форс, арабий сўз ҳамда иборалардан, атамалардан, форсий тилга хос жумла тузиш қоидаларидан кенг фойдаланилган. Бу ҳолат ўлкадаги этник шароит таъсирида юзага келган эди.”

Умуман, темурийлар даври янгича тафаккур маҳсули бўлган адабиётни пайдо қилди. Кейинги даврларда – темурийлар салтанати парчаланиб, уч хонлик барпо бўлгандан кейин ҳам, темурийлар даври адабиёти анъаналари давом этди. Ҳиндистонда бобурийлар салтанатидан кейин юзага келган ўзбек адабиёти ҳам бевосита ва билвосита темурийлар даври адабиётининг маҳсулидир.

### **Мирзо Улуғбекнинг ”Тўрт улус тарихи” асари**

Улуғбек Хуросондаги адабий ва илмий муҳитдан фарқли ўлароқ, турк-мўғул халқлари тарихи билан қизиқди. Чингизхон ва мўғул сулолалари тарихининг Темурийлар даврида давом этгани қизиқарли ва диққатга сазовор. Зотан, турк-мўғул қавмларининг қондошлик жиҳатдан бирлиги ҳақидаги тарих бу даврда маълум эди. Шу чин тарихни кенг оммага этказиш учун зарурати бор эди.

“Тўрт улус тарихи” Мирзо Улуғбекнинг раҳбарлиги остида ва шахсан иштирокида яратилган. Асар 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асар “Улус- а- арбаъа – йи Чингизий” (“Чингизийларнинг тўрт улуси”) ва “Тарихи арбаа улус” (“Тўрт улус тарихи”) номлари билан машҳур.\* Асар *муқаддима* ва *этти бобдан* иборат.

Муқаддима қисмида ўрта асрларда яратилган тарихий асарлар анъанасига кўра, Тангри таоло, унинг элчиси Муҳаммад с.а.в. ва унинг авлодлари шаънига мақтов, Одам ато, пайғамбарлар, Нух алайҳиссалом, унинг фарзандлари тарихи баён қилинади.

(*Биринчи бобда* Туркхон ибн Ёфас ва унинг Туркистон элида ҳукмронлик қилган авлодлари – Абулжаҳон, Дабқуйхон, Куюкхон ва бошқа

мўғул ҳукмдорлари, шунингдек, турк қавмлари ва подшоҳлари – Мўғулхон, Қорахон, Ўғузхон тарихи баён қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, асарда келтирилган турк-мўғул уруғлари тарихи ва этник таркиби Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих” асарининг 1 жилдида келтирилган маълумотлардан кескин фарқ қилмайди. Бу ҳол Рашидиддин фойдаланган ва турк-мўғул халқларига оид бошқа манбаларни Мирзо Улуғбек ҳам синчиклаб ўрганганини далиллайди. Усмонли турклар тўғрисидаги маълумотлар ҳам бу бобдаги муҳим жиҳатлардан биридир.

*Иккинчи боб* турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Алонқува ва ундан тарқалган авлоднинг – Бузунжор хон, Буқо хон, Дутумин хон, Қобулхон, Бойсунғур хон, Ясугай баҳодир ва бошқаларнинг тарихи баёнидан иборат.

*Учинчи боб* буюк жаҳонгир Чингизхон тарихининг баёнига бағишланган. Бу бобда энг диққатга сазовор ўринлар – Чингизхоннинг бир қатор хонларни мағлуб қилгани, унинг насл-насаби, фарзандлари, эл-улусга жорий қилган ясоқлари, яъни қонунлари зикри ва у ўрнатган қонунлар туфайли ўғирликка барҳам берилгани, лашкар тузилишига оид воқеалар баёнидир. Жумладан, лашкар тузилиши тўғрисида Мирзо Улуғбек куйидагича ёзади: “Лашкар тартиби шундай тузилганки, Одам ато замонидан бугунги кунгача бирор подшоҳнинг сипоҳи туркникидек муяссар бўлмаган. Сабру бардош шиддатида ва маълум муддатгача шокирликда яширин ва ошкора ўз ҳокимларига жону дилдан маҳкумлиқ ва мутеълик қилурлар” (113-бет). Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг ўғли Жалолиддин билан олиб борган жангу жадаллари ҳам шу бобда қизиқарли тарзда баён этилади.

*Тўртинчи боб* Чингизхон фарзандларига ва Қорачор нўёнга давлат ишлари борасида васият этиши воқеалари билан бошланади. Ўктойнинг тахтга ўтириши ва унинг Улуғ юртдаги подшоҳлиги, Ўктой, Чиғатой ва Тулихоннинг Хитойга лашкар тортиши, у мамлакатни эгаллаб қайтаётганларида Тулихоннинг вафот этиши, Ўктойхондан кейин тахтга ўтирган Куюкхон ҳукмронлиги билан боғлиқ воқеалар, ниҳоят, Ўрдойхон

ибн Ариф Темурхон ҳукмронлигигича бўлган ҳодисалар ҳам шу бобда ҳикоя қилинади. Ўқтойдан бошлаб Ўрдойхонгача йигирма бир укмдор тарихи қисқа баён қилинган.

*Бешинчи боб*— Чинигзхоннинг тўнғич ўғли Жўжи хон наслидан бўлган ўттиз уч хон замонида Дашти Қипчоқ (ҳозирги Қозоғистон, Ғарбий Сибир, Волга бўйи эрлари) тарихига бағишланган. Воқеалар қисқа, Олтин Ўрта пойтахти Сарой шаҳрини қурган Ботухон (Жўжининг ўғли), Баракахон, Ўзбек хон, Жонибек каби ҳукмдорлар тарихи шу бобдан ўрин олган.

*Олтинчи боб*— Эрон мамлақатида салтанат қурган ўн икки подшоҳ тарихига оиддир. Салтанатнинг асосчиси Тулихоннинг ўғли Ҳалокухон бўлиб, у Элхон лақабини олган эди. Ҳалокухон тарихига китобда кенгров ўрин берилган. У Эронда ўз салтанатини барпо қилиш учун курашади, муруватпеша ҳукмдор сифатида шуҳрат қозонади, мамлакат ободончилиги йўлида кўп ишлар олиб боради. Шу бобдан аён бўлишича, Ҳалокухон илмфан аҳлига кўп рағбат кўрсатган. Жумладан, Ҳалокухон фармони билан Насриддин Тусий Табризда (Мўғул элхонларининг пойтахти) қурган расадхона Ҳалокухондан қолган ёдгорликдир. Шу расадхонада тузилган зиж “елхоний” номи билан машҳурдир. бўлиб

*Эттинчи*— охириги боб Чиғатой улусининг Чингизхон замонидан (1227 йил) Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил) гача бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Бу бобда ҳам диққатга сазовор воқеалар кўп. Шундай воқеалалардан бири Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ кўзғолонидир. Мирзо Улуғбек бу воқеанинг бошиданок Маҳмуд Торобийнинг асл қиёфасини чизиб беради:

Сохта шер кўк сўфи кийиб юрарди, иккиюзламачилигу айёрликнинг асосларини ирғитди.

Фириб билан тутун тарқатди олчок, уларнинг саломи саловоту рўзадан иборат.

Мирзо Улуғбек Торобийнинг эл орасида обрў орттириш усулини ҳикоя қилар экан, биринчи навбатда. Эркакларни итрофига йиғиб, унинг

амридан чиқмаслигини буюрди. Торобийнинг табобатдан хабрдориги сабаб айрим хаста одамлар унга келиб. “тасодиф бўлиб, бир-иккикасалга Тангритаолошифоҳамберди”. Шу боис омма унга ихлос қўйди ва унинг атрофига йиғилди. Парчада Маҳмуд Торобийнинг халқни қандай қилиб ўзига оғдириб олиш усуллари, авомни нотавонлигидан фойдаланиб. Ўзини соҳибкаромат қилиб кўрсатиш усуллари баён қилади. Бухоро шаҳри ташқарисида мўғуллар ва Маҳмуд Торобий ўртасида бўлиб ўтган жангда мўғул аскарларидан бирининг камондан отган ўқи Маҳмуд Торобийга тегди ва у жон берди. Аммо унинг ўлиmidан ҳеч ким воқиб бўлмади, шу пайтда қаттиқ чанг-тўзон кўтарилиб, одамлар бир-бирларини кўра олмай қолдилар. Мўғул лашкари бу табиий ҳодисани ҳам Торобийнинг кароматига йўйдилар ва жанг қилишдан тўхтадилар. Шайх Торобийнинг одамлари талон-тарожга берилдилар, Талон-тарожни бас қилганларида, шайхнинг йўқлиги маълум бўлиб қолди ва “шайхимиз ғойиб бўлибди” деб унинг укаси Муҳаммад Алини шайх қилиб кўтардилар. Мўғул лашкари билан Муҳаммад Али томонидан Бухоро халқи ўртасидаги жангда ҳар икки томондан йигирма минг одам ўлди. Мўғул лашкарининг қўли баланд келди ва Қорачор нўённинг амри билан Бухорони ғорат қилишдан лашкар ўзини тийди.

Маҳмуд Торобий билан боғлиқ воқеаларни Мирзо Улуғбек келтиришидан шу нарса маълум бўладики, тарихда Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ кўзғолони золимларга қарши кураш йўлидаги кураш эмас. Балки Маҳмуд Торобий авом халқни алдов билан ўзига оғдириб олгани ва шу халқ уни Бухоро амири қилиб кўтарганини ҳикоя қилган. Маҳмуд Торобий ўзини авомгақандай қилиб соҳибкаромат қилиб кўрсатгани куйидаги парчада яна аён бўлади: “...Кейинги жума куни Шайх Маҳмуд Торобий номига хутба ўқитдилар. Имомлар ва Бухоро ақобирларининг барчаси шунда ҳозир қилинди. Уларнинг баъзиларини ўлдирди, баъзиларини сазойи қилди. Ринд ва авбошларнинг барчасини катта эҳтиром билан қабул қилди. Уларга деди: “Сизлар учун ғойибдан қуроляроғ топишга муяссар бўлдим!” Ўша кунларда Шероз томондан бир карвон келди ва тўрт харвор

шамшир олиб келишди. Бу ҳам одамлар сонининг кўпайиши ва эътиқодига сабаб бўлди”. Халқ бундан ташқари бойларнинг уйига кириб, молини талон-тарож қилиб келдилар, Маҳмуд Торобий ўлжаларни авбошларга тақсимлаб берди.

Мирзо Улуғбек Маҳмуд Торобийнинг қиёфасини чизмаган бўлса-да, у билан боғлиқ воқеаларда унинг ички дунёси билан ташқи ҳаракатлари бирига ниҳоятда мос эканини кўрсатиб берган.

Шунингдек, мазкур бобда Чиғатой улуси билан Элхонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Чиғатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида барлос амирларининг роли, Балх ва Андижоннинг қайтадан тикланиши, маъмурий ва маънавий ислохотлар сингари воқеалар ҳам ўрин олган.

Ҳар бир бобда бирон хон ёки муайян тарих ҳикоя қилинар экан, албатта, Мирзо Улуғбек оддий баёнчиликдан қочади, китобхонни жалб қилиш мақсадида аввало. Асар услубига бадиий жило беради, иккинчидан, маълум тарихий воқеалар ёки қаҳрамонларга таъриф бериш мақсадида шеърӣ парчалар келтиради. Умуман. асарда Мирзо Улуғбек бу асарини яратиш билан ижодкорлик маҳоратини намоён қилган. Ўтмишдаги тарихий асарлар айна пайтда бадиий асарлар каби китобхоннинг эстетик эҳтиёжини қондириш учун ҳам хизмат қилганини Мирзо Улуғбекнинг мана шу асари мисолида янада аниқроқ кўриш мумкин.

Мирзо Улуғбек асарида “достон” терминини қўллайди. Бу бежиз эмас. Жумладан, “Ўтрор муҳосараси достонининг тугаши”, “Жанд воқеаси достонининг охири”, “Жўжихон, Чиғатойхон ва Ўктойхон достонининг охири” ва ҳ. тарихий воқеаларнинг баёни, айниқса, Ўтрор шаҳзодаларининг фожиали ўлими, аҳолининг аянчли ҳаёти тасвири, Ўтрор ҳукмдори Ғойирхон билан шаҳар аҳлининг қалъага кириб, бир ой давомида ўлимга тик боқиб, мўғул лашкарлари билан аёвсиз жанг қилгани шу даражада маҳорат билан тасвирланганки, чиникам достон каби ўқилади.

Айниқса, Жўжихоннинг вафоти билан боғлиқ воқеа (туркийча *жир*) “Тўрт улус тарихи”даги энг таъсирли лавҳалардандир. Маълумки, Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжихон Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қиларди. Жўжихоннинг вафоти ҳақидаги хабар Ўрдага этиб келганда, бу хабарни Чингизхонга этказишга ҳеч ким журъат қила олмайди. Охири барча амирлар улуғ жарчидан. Чингизхон яхши кайфиятда турганда бу шум хабарни этказсангиз. Деб илтимос қиладилар. Улуғ Жарчи фурсати этганда Чингизхонга қуйидаги туркийча жирни айтди:

*Тенгиз бошдан булгонди, ким тиндуроро, хоним?*

*Терак тубтун жигилди, ким тургузоро, хоним?*

(Яъни, дарё бошидан лойқаланди, уни ким тозалайди, эй подшоҳим? Терак илдизидан қулади, уни ким турғизади, эй подшоҳим?)

Чингизхон Жарчининг саволига шундай жавоб берди:

*Тенгиз бошдан булгонса, тиндурур улум Жўжидир,*

*Терак тубдин жигилса, тургузур улум Жўжидир.*

(Яъни, агар дарё бошидан лойқаланган бўлса. Уни тиндирувчи менинг ўғлим Жўжидир. Агар терак ёғочи илдизидан қулаган бўлса, уни турғизувчи ўғлим Жўжидир).

Жарчининг кўзларидан шашқатор ёшлар оқди. Чингизхон фожиани англайди ва қуйидаги байтни айтади:

*Кўзинг ёшин чунгур турлу лиқ-лиқ тўлди бўлгайму?*

*Жиринг кўнгул ўркутур Жўчи ўлди бўлгайму?*

(Яъни, кўзларинг ўз ёшларини думалатмоқда, наҳотки кўнглинг тўлиб кетган бўлса? Сўзларинг юракларни ўртади. Наҳотки Жўжи ўдган бўлса?)

Жарчи Чингизхоннинг бу байтига қуйидагича жавоб беради:

Сўйдамакка эрким йўқ, сен сўйладинг, о хоним,

Ўз ярлиғлиғ озарға жавобди ўйладинг, о хоним!

(Яъни, бу ҳақда гапиришга қудратим ва ихтиёрим йўқ, ўзинг шундай буюргансан, эй подшоҳим! Ўз ҳукминг ўзинг учун бўлсин, тўғри фикр қилдинг, эй подшоҳим!)

Чингизхон Жўжини бошқа ўғилларидан ҳам кўра ниҳоятда яхши кўрар эди. Чингизхон: “Кимки Жўжи хоннинг ўлимини талга олса, менинг сиёсатимга (яъни жазоимга) дучор бўлади”, деб огоҳлантирган эди. Жарчининг жавобидан тақдирга тан берган Чингизхон шундай дейди:

Кулон олғон қувланди, қулунимдан айрилдим,

Айрилишқон анқуди эр улумдан айрилдим!

(Яъни, ов қилиш учун ов майдонида қувланаётган қулонга ўхшайман, кулон ўзи қочади. Аммо боласи қолади, мен ҳам худди кулон каби боламдан жудо бўлдим!)

Бу воқеа, шубҳасиз, китобхонни ларзага солмасдан қўймайди.

### **Ҳайдар Хоразмий**

Ҳайдар Хоразмий XIУ асрнинг охири – ХУ аср бошларида яшаб ижод этган. Навоий «Мажолис-ун-нафоис» да унга «Мавлоно Ҳайдари туркигўй» дея таъриф берган. «Муҳокамат-ул-луғатайн»да эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Шоҳруҳ султон замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. В аул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуштабъ салотине зухурға келди; шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар...»\* Давлацҳоқ Самарқандий (ХУ аср) «Тазкират-уш-шуаро» асарида Ҳайдар Хоразмий тўғрисида қуйидагиларни зикр этади: «Султон Искандар ҳукмронлигида фозил кишилардан Мавлоно Муиниддин Натанзий ва Мавлоно Ҳайдарлар бор экан. Мавлоно Ҳайдарнинг туркий ва форсий тилларда битган яхши шеърлари бор ва у Низомийнинг «Махзанул-асрор»ига ўзбек тилида жавобёзиб, уни шахзода Искандар отига бағишлади». Дарҳақиқат, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор» асари Низомийнинг «Махзанул-асрор» асаридан илҳомланиб ёзилган. Шоир асарнинг назм этилиши сабаби тўғрисида шундай хабар беради:

Улфат ила беги уланди алиф,  
Вукусидин қофия топти радиф,.  
«Маҳзани асрор» бу рамз эрди, бил,  
Нотика бу кўзгудин ўгранди тил.

### **Ҳайдар Хоразмий**

Темурийлардан Умаршайхнинг ўғли Искандар Мирзо хукмронлиги даврида (XIV асрнинг бошлари) яшаб ижод этди. «Гулшанул-асрор» ўзбек тилидаги ахлоқий-фалсафий дostonчиликнинг йирик намунасидир. Асар тахминан 1409-1414 йилларда ёзилган.

Ҳайдар Хоразмий ўз асарида Низомий Ганжавийни ҳурмат билан тилга олади, унга сўз ганжининг подшоҳи сифатида юксак таъриф беради. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор»и Низомийнинг асаридан ҳажман анча кичик бўлиб, 639 байтдан иборат маснавийдир.

Ҳайдар Хоразмий «Гулшанул-асрор» асарини яратиш билан ўзбек адабиётида шеърини ҳикоянинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. «Гулшанул-асрор»даги ҳикоятлар панд-насихат мазмунида бўлиб, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалар қаламга олинган. Умуман, Ҳайдар Хоразмий бу асари билан узоқ тарихга эга бўлган фалсафий-дидактик дostonчиликнинг янги даврини бошлаб берди. «Гулшанул-асрор»нинг таркиби қуйидагича: «Сўз таърифнинг баёни»; б); «Мусаннифнинг васфи ҳоли»; «Китоб ёзилиши баёни»; «Мавъиза» (ўғит, насихат). Шундан кейин қуйидаги ҳикоятларни келтиради: «Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти», «Ҳотам Той ҳикояти», «Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят», «Ҳорун билан Баҳлул ҳикояти»; «Сўнгги сўз». Хуллас, асарда муаллиф тўртта ҳикоят ва ҳикоятлар орасида берилган мавъиза ҳамда мақолотлар орқали ҳалоллик, ростлик, тўғрилиқ ва барча инсоний фазилатлар тўғрисида сўз юритади.

Ўзбек мумтоз адабиётида Лутфий қаламига мансуб деб қараб келинган «Гул ва Наврўз» дostonи кейинги манбалар ва тадқиқотлар натижасида Ҳайдар Хоразмий асари экани маълум бўлди.\*



## Лутфий (1366-1465)

(Қўшимчаларини киритиб бўлдим, изоҳга Гота нусхаси тўғрисида маълумот бериш керак, балки справкага ҳам.)

Лутфий ХВИ асрнинг охири – XV асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилди. Мавлоно Лутфий ўз замондошлари орасида “малик ул-калом” (Алишер Навоий)\*, “сўз лутфида ягонаи даврон” (Хондамир)\* шоир сифатида шуҳрат қозонган. Унинг бизгача этиб келган асарлари тарихий ва илмий манбаларда Лутфий тахаллуси билан берилган. Лутфий форс ва туркий тилларда ижод қилган. Бу Лутфийдан бошқа шу тахаллус билан ижод қилган шоирлар тарихда ўтган. Мавлоно Лутфийдан бошқалари озарбайжон, усмонли турк, форс-тожик тилларида ижод қилганлар. Аммо унинг алоҳида форсий девони борлиги тўғрисида маълумот йўқ. “Лутфий” тахаллусли шоирларнинг биронтаси ҳам Мавлоно Лутфий даражасида шеър битолмаган. Шу тахаллусли шоирларнинг бири тўғрисида Навоий “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради\*. Алишер Навоий, Хондамир, Абдулла Кобулийлар\* Лутфий меросининг асосий қисмини унинг туркий девони ташкил этишини айтганлар. Шоир девонининг бизгача этиб келган қўлёзма нусхалари ҳақида турли манбаларда маълумотлар берилган бўлиб, бу маълумотлар бир-биридан фарқлидир\*.

Лутфий замонасининг мутасаввиф олимларидан Шаҳобиддин Хиёбонийдан таълим олган.

Бойсунғур Мирзо каби султонлар Лутфийнинг шоирлик маҳоратини ғоят эътироф этганлар, уни ўз ҳузурларига таклиф қилиб турганлар. Лутфий Boyсунғурнинг ҳаёт даври () ва унинг ўғли Алоуддавланинг ёшлик, навқирон йигитлик пайтига бағишланган қасидасининг сўнгида икки байтида ўзи билан шаҳзодалар ўртасидаги муносабатлар манзарасини чизиб беради:

Этти бошим кўкка, шоҳоким, тиладингиз ғазал,  
Ул шарафтин топти девоним қабули шайху шоб.  
Лутфий қулнинг шеъри бирла худди эҳтиёж,  
Илтифотингдин, бегим, мен шуҳрат эттим иқтисоб.

[Менинг ғазалларимни истаганингизда бошим кўкка этди, шундан  
Девоним шараф топиб, кексаю ёш томонидан қабул қилинди.  
Қулнингиз Лутфийнинг шеърини ўқишга сиз эҳтиёж сездингиз, эй  
бек, сизнинг илтифотингиздан мен шуҳрат топдим.]

Кўринадики, Алоуддавла ҳам Лутфий ғазалларини ёқтирган. Чамаси,  
Алоуддавла Лутфий ғазалларини сўраб олиб ўқиб турган. Байтлар  
мазмунидан яна шу нарса англашиладики, юқоридаги қасида ёзилган даврда  
– тахминан 1430 йилларда Лутфий девон тузган, деган хулосага келиш  
мумкин. Лутфий девонни бир марта эмас, балки бир неча марта тузган.  
Бундай фикрга келишга девон қўлёзмасининг Париж ва Гота нусхалари  
ундайди. Зотан, бу нусхаларда девон янги шеърлар билан тўлдириб борилган.  
Девонда шеърларнинг ўрни алмаштирилган, шеърлар таркибидаги айрим  
байтлар туширилиб, янгилари билан алмайтирилган, байтлар мазмунан қайта  
тахрир қилинган. Демак, Лутфий ўз ижодига ҳар доим жиддий ёндашган.

Бугунги кунда мавжуд маълумотларга таянган ҳолда, Лутфийнинг  
ижодий мероси жанрлар бўйича қуйидаги миқдорни ташкил этади: ғазаллар –  
372 та бўлиб, 4712 мисра; қасидалар – 3 та бўлиб, 214 мисра; тўртлик  
(туюқлар) – 115 та бўлиб, 460 мисра; фардлар 60 та бўлиб, 120 мисра; айрим  
байтлар 22 та бўлиб, 44 мисра\* .

Лутфий Шарафиддин Али Яздийнинг форс тилидаги “Зафарнома”  
(1437) асарини ҳам Шоҳруҳ Мирзонинг таклифи билан она тилига шеърый  
таржима қилган. Маълумотларга қараганда, “Зафарнома”нинг таржимаси ўн  
минг байтдан ортиқдир\* .

Мавлоно Лутфийдан бой адабий мерос қолган. Манбаларда шоирнинг 20 дан ортиқ асар ёзгани айтилади. Лекин бу асарларнинг айримлари ҳали топилмаган.

Шоирнинг ижоди жуда эрта бошланиб, умрининг сўнгги давларигача ҳам ижод билан машғул бўлган. Манбаларда хабар берилишича, шоир “Уфтад” радибли ғазалини 99 ёшида – вафот этган йили ёза бошлаган. Навоийнинг айтишича, Лутфий бу ғазалини давом эттириб тугатишни Абдурахмон Жомийга васият қилган.

Лутфий ўз даврида ҳам, кейин ҳам замонанинг машхур ижодкорлари томонидан Навоийдан кейинги ўринда турадиган шоир сифатида эътироф этилган. Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебчасида ҳам Лутфийнинг Ироқ ва Хуросонда шуҳрат тутганини алоҳида таъкидлайди. Навоий Лутфий ғазалига боғлаб яратган учта мухаммасини мазкур девонига киритган.

Умуман, Лутфий ҳақида Алишер Навоий асарларида кенг маълумот берилган. Кейинчалик яратилган адабий-тарихий манбаларда Навоий асарларида берилган маълумотлар такрорланса-да, бу маълумотлар айнан қайтариб бўлмай, Лутфий ҳаёти ва ижодининг бирон қиррасини очишга хизмат қилади. Камолитдин Биноий, Давлашох Самарқандий, Заҳиритдин Бобур, Пошшохожа каби қатор шоиру муаррихлар Лутфий ижоди, хусусан, шеърятига юксак баҳо берганлар. Лутфий асарлари XIX асрнинг охиригача ҳам ижод аҳлига кучли таъсир кўрсатганини қори Раҳматуллоҳ Возех (1817-1894) нинг “Мажмуаи мансур ва манзуми Возех” тазкирасидан биламиз.

Лутфий форс тилида ажойиб қасидалар битгани маълум. Бу ҳақда Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида маълумот беради. Лутфийнинг ўзбек тилидаги ғазал, рубоий, туюқ ва бошқа жанрдаги асарлари жаҳоншумул шуҳрат қозонди.

**Гадойй.** Шоир Гадойй ижоди XV асрда темурийларнинг адабиёт ва санъатда алоҳида эътибори боис Мовароуннаҳр ва Хуросонда адабиёт

гуллаб-яшнаган. В.В. Бартолд таъбири билан айтганда, бу ҳар икки ўлка туркий тилдаги адабий ҳаракатчиликнинг марказига айланган даврга тўғри келади. Бу даврда ўзбек адабиётининг тараққиётига Лутфий, Атойи, Саккокий билан бир қаторда, Гадоий ҳам катта ҳисса қўшди.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Гадоий ҳақида маълумотлар бор. Навоий Гадоий тўғрисида шундай ёзади: “Мавлоно Гадоий туркигўйдир, балки машоқирдиндур. Бобир Мирзо (Абдулқосим Бобур) замонида шеъри шуҳрат тутти. Бир навъи айтур ва анинг машҳур матлаъларидан бири булдурким:

Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,

Бу кўнгулнинг илкидин жонға бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўқсондан ўтубдир.

Бу матла анингдурким:

Билбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш

Ким, анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш”.\*

“Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган пайтда Гадоий тўқсон ёшда бўлгани эътиборга олинса, у 806 (1403-1404) йилда туғилган айтиш мумкин.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да истеъдодли туркигўй шоирлар Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Юсуф Амирий, Лутфий каби туркигўй шоирлар тўғрисида сўз юритганда, Гадоийни ҳам зикр этади: “Хулоғухон замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охириғача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар ва ул ҳазратнинг авлод ва ағфодидин ҳам хуш табъ салотине зухурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар”.\*

Гадоийнинг девони Париж Миллий кутубхонасида сақланади. Қўлёзма ҳажми 66 варақ бўлиб, шоирнинг 230 ғазали, 1 қасидаси, 1 мустазоди ва 5 тўртликдан иборат. Девондаги Гадоий меросининг умумий

ҳажми 2974 мисрадир. Девои тахминан XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида кўчирилган. Гадоий девони Лутфий девони билан бир муқовададир.

Гадоий ижодининг катта қисмини ғазаллар ташкил қилади. Унинг ғазаллари марказида инсон ва унинг муҳаббати туради. Унингча, севгисиз ҳаёт ҳаёт эмас, севги инсоннинг энг олижаноб ғазилати ва маънавий гўзаллиги нишонасидир.

Ҳар кишингким, сенингдек бир севар жонони йўқ,  
Филмасал, бир суратедурким, танинда жони йўқ

Гадоий учун ишқ ҳамма нарсадан юксак. У севгини мол-мулк, мансаб, бойлик, амалдан устун қўяди ва ўзи ҳам шу ақидага амал қилганидан фахрланади:

Ишқингиздин(дур) жаҳон ичра мубоғотни, бегим,  
Ўзгалар фаҳри гар ўлса мулку жоғу мол ила.

Гадоий ғазаллари асосан (асосида) туркигўй шоирлар кўп ижод қилган, ўша даврда кенг тарқалган “туркий” деб аталган суруд вазни (рамали мусаммани маҳсур)да битилган.

Гадоийнинг мустазоди шоирнинг шеърятдаги иқтидорига мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Саккокий.** Ҳаёти. Саккокий XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида этарли маълумот йўқ. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида бундай ёзади: “Мавлоно Саккокий – Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътаҳиддурлар (яъни эътиқод қилувчи (яъни эътиқод қилувчи) ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрқанда муаррифларидин (яъни таъриф қилувчи) ҳар неча тафаққус (яъни суриштирув) қилдимким, анинг натоижи таъбидин

бирор нима англайн, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, хўрлаб ўз отиға қилибтур. Ул эрларда бу нав ўхшаш йўқ, мазасиз муҳобалар (яъни қарши чиқиш) гоҳи воқеъ бўлур. Бори баъзиси таъриф қилибким ўқурлар, бу матлаъни анга иснод (яъни нисбат бериш) қилурким:

Не нозу бу, не шевадур, эй жоду кўзлук, шўхи шанг,  
Кабки дари й товусда йўқ албатта бу рафтору ранг

Қабри ҳам ўл сари оқдур”.

Навоий берган бу маълумот Саккокийнинг таржимаи ҳолига маълум даражада аниқлик киритади: Саккокий асли Маворауннаҳрдан, Самарқандда ўрнашган ва у эрда шуҳрат топган, Самарқанд халқининг катта ҳурматиға сазовор бўлган. Навоий Самарқандда бўлган пайтда Саккокийнинг ўзи ва шеърлари тўғрисида бирон маълумотга эга бўла олмаган, Лутфийнинг яхши шеърларини Саккокий ўзиники қилиб олган, деган баъзи миш-мишлару бўҳтонлар асоссиз ва ҳ.

Маълумки, Навоий Самарқандда икки марта бўлган. Аммо Саккокийни (1467-1469) кўра олмаганидан шундай фикрга келиш мумкинки, Саккокий олдинроқ вафот этган.

Яна Навоий Саккокийга қуйидагича таъриф беради: “Ва уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булақосидин Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий раҳимаҳумаллоҳким, бирининг ширин абёти ва Туркистонда бағоят бир-бирининг латиф ғазалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдур, ҳоли девонлари мавжуд бўлғай”. Мазкур таърифдан кўринадики, Саккокий Лутфий билан бир қаторга қўйишга лойиқ шоир бўлган. Бу фикрларни Саккокийнинг Лутфий ғазалларига ёзган учта назираси ҳам тасдиқлайди. Бу назиралар Саккокий девонларидан ўрин олмаган.

Шайхзода Абдураззоқ Бахши томонидан кўчирилган ўша уч ғазал Туркиядаги Сулаймония кутубхонасидаги 4757 рақамли баёзда учрайди.

Аввал кўриб турганимиздек, Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Саккокийни Шоҳруҳ даврида яшаган машҳур туркийзабон шоирлар каторида эслайди.

Яқиний ҳам Саккокийнинг шоирлик истеъдодига юқори баҳо берган, уни шоирларнинг мужтақиди (яъни ғайратлиси) деб таърифлаб, бир байтини келтиради: “Яна Саккокийким, турк шоирларининг мужтаҳидидур, менинг муносиби ҳолимға айтур. Назм:

Жоним фидо бўлсун сенинг ғамзанг ўқина неча ким,  
Ҳар неча қошинг эгмаси ўқдек бўйимни ё қилур”.

**Ижоди.** Саккокий шоирнинг тахаллуси бўлиб, туғилган эри, йили ҳам номаълум. Венгер туркийшунос олими Янос Экманнинг қайд этишича, Саккокий XI Васрнинг иккинчи ярмида туғилган ва XV асрнинг биринчи ярмида вафот этган. Саккокийнинг ҳаёти асосан Самарқандда ўтган. У илк шеърларини Амир Темур даврида ёза бошлаган бўлса, ижодий камолоти Улуғбек салтанати йилларига тўғри келади.

Саккокийнинг ижодий мероси ҳажм томондан кичик бўлса ҳам, аммо моҳияти жиҳатидан каттадир. У ўз салафларининг, қолаверса, Навоийнинг таърифига сазовор бўлганидан ҳам унинг ижод аҳли ўртасидаги юксак мавқеини баҳолаш мумкин. Албатта, Саккокийнинг шу қадар эътиборга сазовор ва машҳур шоир бўлиб камол топишида даврнинг ижтимоий-сиёсий вазияти, темурийларнинг бадий ижодга, илм-фанга бўлган эътибори омил бўлди.

Саккокий шеърлари ўз давридаги ижод аҳли ғазалларидан шуниси билан алоҳида аажралиб турадики, унинг маъшуқаси дунёда тенгсиз, унга монанд биронта зот йўқ. Бунинг тасдиғи сифатида *Бўюнгдек бутмади*

*бўстон аро сарви равон, эй жон* мисраси билан бошланувчи ғазалини олиб кўрайлик.

Ғазалнинг биринчи байтиданоқ бундай сарвқомат гўзал нафақат одамзод насли орасида, ҳатто табиатда ҳам яратилмаган, унинг юзи сингари гўзаллик гуллар орасида ҳам ҳали бу оламга келмаган:

Бўюнгдек бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон,  
Юзунгтек ҳам очилмади чаманда гулистон, эй жон.

Ошиқ маъшуқага этишиш учун ҳар қандай жабру жафоларга ҳам тайёр, жумладан:

Ўқунгузнинг башоқинга кўнгул муштоқу кўз ошиқ,  
Булар талошмоқин бўлди ул икки ора қон, эй жон.

Маъшуқанинг ташқи қиёфаси тасвирида Саккокий гўзал муболаға яратади – ёрнинг сочлари нафақат ошиқни, балки бутун Рум аҳлига худди Ҳабаш лашкарининг куч-қудратичалик ғорат этказиши мумкин, агар шундай ҳолат юз берса, “кўнгул мулкида” – ошиқнинг қалбида асло омонлик бўлмайди, унинг қалби жунбушга келади, вайрон бўлади:

Агар Рум аҳлига зулфунг Ҳабашнинг лашкарин солса,  
Кўнгул мулкинда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон.

Саккокий маъшуқанинг қошу кўзлари, киприкларини, айни пайтда ноз-карашмаларини тасвирлар экан, ошиқ учун ниҳоятда тотли азоблардир. Маъшуқадан жабр тортиш ошиқ учун лаззатли дамлардир. Шунинг учун шоир:

Менинг бу хаста жонимга сенинг дардинг эрур марҳам,  
Қиёматқа теки ҳаргиз бу дардимға даво қилма.

Ишқ ошиқ учун туганмас дард, аммо ошиқ бу дарднинг туганмаслигини истайди. Дарвоқе, агар ишқ дарди туганса, ошиқ руҳсиз, ўлик бир нарсадир.



У темурий ҳукмдорлардан Халил Султон (1405-1409), Мирзо Улуғбек, амир Хожа Арслон Тархонга қасидалар битган. Саккокий Улуғбек саройида яшаб ижод қилгани тўғрисида маълумотлар бор.\* Бу маълумот ҳам Саккокийнинг шуҳратини ва шоирлик иқтидорини тасдиқлайди.

Саккокийнинг ғазал ва қасидалардан иборат девони этиб келган\*.

Шоирнинг 13 қасидаси бўлиб, улардан 5 таси Мирзо Улуғбекка бағишланган, қолган қасидаларида у Халил Султон, Хўжа Муҳаммад Порсо, Арслон Хўжа Тархонларни мадҳ қилади.\* Саккокий қасидаларининг ҳажми 12 байтдан 54 байтгача этади. Насибдан кейин гуризгоҳ (ўтиш) келади. Гуризгоҳлар баъзан 4-5 ва ундан ортиқ байтлардан ташкил топади. Саккокий қасидаларининг насиб қисмлари бироз чўзилган бўлишига қарамасдан юксак дид билан ёзилган.

Саккокий қасидалари баъзан насибсиз, тўғридан-тўғри мадҳ билан бошланади. Бундай қасидалар одатда, “Қасидайи мужаррада”, яъни “яланғоч қасида” дейилади.

**Отойи.** Отойи XV асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган йирик сўз санъаткорларидандир.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида берилган маълумотларга кўра, Отойи Балх шаҳрида яшаган, Исмоил ота фарзандларидан бўлиб, хуштабиат, содда, дарвешваш киши бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзишича, Исмоил ота Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг ўғлидир. Демак, Отойи, насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавийга жуда яқин. Шоир девонининг муқовасида ва кўлёманинг охирида “Девони Шайхзода Отойи” деб қайд қилиниши ҳам уни шайхлар оиласидан келиб чиққан, дейишга асос беради.

Мирзо Улуғбек ўз саройига бир қатор олим ва шоирларни жалб қилганда, Отойи ҳам ўша шоирлар қаторида бўлган.

Отойининг бир девони маълум бўлиб, бу девонда шоирнинг 260 ғазали жамланган.

Отойининг 260 ғазалидан 109 таси “рамали мусаммани махсур” вазнида ёзилган. Маълумки, бу вазн XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси орасида кўп тарқалган ва “турки” деб аталган халқ кўшиқлари вазнидан олинган ҳамда арузга киритилган. Бу ҳақда Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да қимматли маълумотларни берган.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Отойи ҳақида сўзлаб, унинг

Ул санамки су яқосинда паритек ўлтурур,

Ғояти нозиклигининг сув била юца бўлур, - матлаъини келтиради ва “қофиясида айбҳинаси бор” деб кўрсатади. Отойи “ўлтурур”га “бўлур”ни қофия қилган эди. Навоий шоирнинг “туркона” шеър ёзганлиги, унинг ғазаллари туркий аҳоли орасида кўпроқ шухрат тутгани, лекин қофия эҳтиёжига риоя қилмаганини изоҳлайди.\*

Отойи халқ шеърлятига қоришиқ ҳолда ижод қилган. Бу усул шоир ғазалларининг халқ оммаси томонидан энгил қабул қилинишида асосий омиллардан бўлган. Шу боисдан Отойи шеърляти халқ иборалари, таъбирлари, мақолларига бойлиги билан ажралиб туради.

**Ҳофиз Хоразмий.** Ҳофиз Хоразмийнинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Шоир яшаган давр, унинг замондошлари ва ўз ҳаёти ҳақидаги маълумотларни унинг қасидалари, ғазаллари, қитъа ва рубоийларигина бера олади. Шоирнинг асл исми Абдурахим. Унинг эттита форсча ғазалида Раҳим, Абдурахим исми тахаллус сифатида келтирилади. Навоийга қадар XIV аср охири XV аср бошларида мукаммал девон тартиб этган шоир Ҳофиз Хоразмийдир.

Ҳофиз Хоразмийни Шохруҳнинг кичик ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон вафотида бағишланган марсияси бор. Иброҳим Султон 1435 йили Шерозда вафот этган. Демак, бу даврда Ҳофиз Хоразмий ҳаёт бўлган ва Шерозда яшаган.

Ҳофиз Хоразмийнинг бутун мероси 37 минг мисрадан ортиқ. Шоирнинг ижоди XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётининг такомилли тўғрисида аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ҳофиз Хоразмийнинг XV аср биринчи ярмидаги шоирлар ижодидан фарқли жиҳати шуки, араб-форс сўзлари кам, халқ тилига яқин сўзлардан кўпроқ фойдаланган, Хоразм шеvasига хос сўзлар кўп учрайди.

Ҳофиз Хоразмий девонининг таркиби қуйидагича: қасидалар – 9 та, таркиббанд – 1 та, таржеъбанд – 3 та, мухаммас – 1 та, марсия – 1 та, ғазаллар – 1052 та, мустазод – 2 та, қитъа – 31 та, рубоий – 12 та.

**Сайид Қосимий.** Шоирнинг таржимаи холи тўғрисида батафсил маълумот йўқ. Унинг тўртта достони – “Мажмаъ ул-ахбор”, “Гулшани роз”, “Ҳақиқатнома” ва “Садоқатнома” дostonлари бизга маълум. Мажмаъ ул-ахбор” дostonининг Султон Абу Саид Мирзога (1451-1469 йилларда ҳукмронлик қилган) бағишланган мадҳия билан бошланганини, “Ҳақиқатнома” дostonининг хотимасида Сайид Қосимий асарни ёзиб тугатган йилини (ҳижрий 863 – милодий 1458-1459 йиллар) қайд этганини эътиборга олсак, у XV аср ўрталарида Мовароуннаҳр ёки Хуросонда яшаб, ижод этган деб тахмин қилиш мумкин. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида Сайид Қосимий тўғрисида маълумот йўқ.

“Садоқатнома”нинг хотима қисмидаги ва “Мажмаъ ул-ахбор”даги маълумотлардан Қосимий илгари илгари шоҳ ва амалдорлар хизматида бўлганлиги маълум бўлади. Кейинчалик номаълум сабабларга кўра, саройдан четлаштирилади. Оқибатда шоирнинг турмуши оғирлашган. Бу тўғрида Абу Саид Мирзога бағишланган мадҳиясида ёзган. “Гулшани роз” дostonи ҳам Абу Саид Мирзо тасарруфидаги бир шаҳарнинг ҳокими Жалолиддин Сайид Мазидга бағишланган.

Сайид Қосимий ҳар тўрт дostonини яратиш билан туркий адабиётда XII-XIII асрларда ривож топган дидактик дostonчилик анъаналарини маҳорат билан давом эттирган шоирдир.

Сайид Қосимий дostonлари орасида “Илоҳийнома” асари алоҳида аҳамият касб этади. Шоирнинг мазкур асари пок, вафодор аёл тимсолини

мадҳ этади. “Илоҳийнома”ни Саййид Қосимий аёлнинг таъриф-тавсифи билан бошлайди:

Бор эрди вақте бир соҳибжамоле,  
Нигоре, нозанине, бемисоле.

Малоҳат кишварида подшоҳе,  
Кўзи лашкаркашу ҳусни сипоҳе...

Кўзи сарфитнайи офоқ эрди,  
Жаҳонда жуфт қоши тоқ эрди...

Амину муттақий (тақводор, парҳизкор, гуноҳ ишлардан сақланувчи) эрди ҳалоли,

Ёмон-яхши била йўқ қилу қоли (гап-сўз).

Шундан сўнг воқеалар оқими бошланади. Аёлнинг эри Каъба зиёратига отланади. Сафар олдидан укасига, хотинимдан сен хабар олиб турасан, у истаганини муҳайё қил, келганимдан сўнг ўн баробар қилиб қайтараман, деб ваъда беради. Йигит ҳар икки кунда келиб, акаси хотинининг юмушларини бажариб кетар, одобни ўз ўрнига қўяр эди.

Ки, хотун эрди олам порсоси,

Музайян эрди андин зуҳд асоси.

[Яъни: аёл оламдаги энг художўй аёл эди, тоат-ибодат билан шуғулланиш унингзхийнати эди] Шундай фазилатларга эга бўлган аёл доимо юзини пинҳон тутар, йигит унинг жамолини кўрмаган эди. Ногаҳон бир куни кутилмаганда йигит аёлнинг парда ортидаги гўзал юзига кўзи тушиб қолади ва *“асиру ошиқу девона бўлди, жамоли шамъина парвона бўлди”*. Йигитнинг нияти бузилди, унинг таклифини аёл қатъиян рад қилгач, унга тухмат уюштирди. Қозига бориб, аёлни зинокорликда айблади. Қози аёлни тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво берди. Оломон аёлни тошбўрон қилиб,

ўлди деб гумон қилиб кимсасиз жойга олиб келдилар. Ҳаммага ибрат бўлсин, деб ўша овлоқ жойда қолдириб кетдилар. Лекин аёлнинг ҳали танасида жони бор эди.

Шундан сўнг аёлнинг тақдирида кўп қора кунлар юз беради: аъробий (бадавий)нинг бу аёлга нисбатан қилмоқчи бўлган номаъқул хатти-ҳаракати, унинг “сияхрў, лаъин” қулининг аёлга қилган тухматлари, аъробийнинг аёлга қилган ҳиммати ва саховатпешалиги ҳикоя қилинади. Хирож тўлай олмаган бир йигитни шоҳ дорга ошишга буюрганда, аъробий иъном қилган уч юз динорни йигитнинг хирожи учун бериб, уни ўлимдан қутқариб қолади. Бу йигит бир савдогарни уни юз динорга сотиб юборади, аёлга савдогар ва кемадаги халойиқ кўп хиралик қилавергач, у Тангрига илтижо қилган эли, уларга Тангри бало-офат юборди. У йигит либосини кийиб олиб, катта бир мамлакатга келади ва ўша мамлакат подшоҳидан кемадаги жамики мол-мулк эвазига бир ибодатхона қуриб беришни сўрайди. Зотан, унинг мақсади ва аъмоли - тоат-ибодат, бу дунёдан у безган, унга молу давлат, бойлик керак эмас, фақат эгнидаги ҳирқаси бўлса, кифоя:

Ки, қилсам кеча-кундуз анда тоат

Ки, будур лаззати фақру қаноат.

Бу дунёдин маним бордур малолим,

Керак уқбода яхши бўлса ҳолим.

Икки дунйисида бир ҳирқа басдур

Ангаким, ёди бирла ҳамнафасдур.

Шоҳ унинг илтимосини қондиради. Шоҳ вафотидан олдин ўша “йигит”ни ўзининг ўрнига подшоҳ қилиб кўтаришларини халққа васият қилади. Хуллас, у бир қанча саргузаштларни бошдан кечиради. У ўзининг каромати билан одамларга шифо беради, тилсизларга тил ато қилади, кўзи

ожизларнинг кўзларини очади, катта кичикнинг эътиборини қозонади, мамлакат подшоҳи бўлади. Каъба зиёратидан қайтиб келган эри келиб кўрсаки,

Эву эли бори вайрон бўлмиш,  
Саройи эр билан яксон бўлмиш.

Инининг не аёқи, не эли бор,  
Икки кўзи доғи йўқ, бир тили бор...

Инисидин савол этди оғаси,  
Уйим, элим қанию кадхудоси?

Иниси акага юз берган воқеаларни айтиб беради, унинг зинокорлигини, қўни-қўшнилар гувоҳ бўлганини ва қозининг фатвоси билан тошбўрон қилиб ўлдирилганини бирма-бир сўзлаб беради. Ака ҳасрат чекади. Кўзи ожиз инисини “шаҳрда Исо нафаслик” бири бор эканини айтади ва унинг ҳузурига олиб боради. Аёл шифо топишга келган одамлар орасидан эрини танийди. Аёл улардан ташриф мақсадини сўрайди. Улар шифо топиш умидида келганларини эшитгач:

Айитди: - Ул эрур беҳад гуноҳкор,  
Шифо топмасдур онча қилмай гуноҳкор

дея жавоб беради. Ўша фитначи йигит юз берган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб беради: хотиннинг бегуноҳлигини, уни тухмат билан тошбўрон қилдирганини, нафси дун учун уни абгор қилганини, энди ўз қилмишларидан ўзи шарманда бўлиб турганини айтади. Аёл унинг гуноҳини кечириб, дуо қилади. Йигит ўша зоҳоти шифо топади. Шифо топиш умидида келган аъробийнинг қули, қари кампирнинг ўғли ҳам ўз гуноҳларини очик айтадилар ва аёлнинг дуоси билан шифо топадилар. Шундан сўнг аёл эрини бошлаб хилватга киради ва юзидаги ниқобини олади. Хожаси унинг гул

жамолини кўриб ҳушидан кетади. Аёл уни ўзига келтириб, ҳушидан кетиш сабабини сўрайди. Хожа:

Айитди: - Бор эди вақте ҳалолим  
Ким, эрди мунису дафъи малолим.

Бўлуптур ул бу дам раҳматға восил,  
Гар ўлтурсам ўзумни на ҳосил.

Сани ман ул соғиндим, эй парирўй  
Ки, йўқтур орангизда фарқ бир мўй.

Аёл хожасига ўзини танитади ва мамлакатда ҳаммани бой қилиш билан бирга, ўзи қаноатни бурч деб билди.

Достон сўнгида Саййид Қосимий қуйидаги байтни келтиради:

“Илоҳийнома”и Аттор бу дур,  
Давайи сийнаи афгор бу дур.

[Атторнинг “Илоҳийнома”си шудир, яраланган қалбларга даво будир]. Бундан ташқари, Саййид Қосимий бу достонини ёзишда «шайх руҳидин талабгор» бўлганини алоҳида таъкидлади ва бу «мушкил асрор» (Атторнинг эътиқоди ва маслағи)ни у ҳал қилди. Шу ўринда Саййид Қосимий ўз асарининг ёзилиш мақсади ҳақида қуйидагича хабар беради:

Они турки бирла Қосимий айди,  
Маъоний гуҳарин элга ёйди.

Демак, Саййид Қосимий Фаридидин Атторнинг “Илоҳийнома”сини эркин таржима қилмаган, балки шу мавзунини у ўзбек тилида ёритишни мақсад қилиб қўйган, деган фикр пайдо бўлади. Биз Фаридидин Атторнинг

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси (“Муסיқа” нашриёти, 2007 йил)даги “Илоҳийнома”сидан ўрин олган “Покиза аёл садоқати” ҳикоятини қиёслашни мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун биринчи навбатда, ҳар иккала асарнинг ҳажмига эътибор қаратамиз: Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома”си 411 байтни, Атторнинг “Илоҳийнома”си Жамол Камол таржимасида 305 байтни ташкил қилади. Достон сюжетида бир мавзуга – аёлнинг бошдан ўтказган саргузаштлари ва бу орқали ҳар икки муаллиф вафо, садоқат, зуҳду тақвони бош ўринга чиқаради. Достонлардаги айрим фарқлар қуйидагилар:

Атторнинг “Илоҳийнома”сида: эри укасини хотинига хизмат қилишни топширади.

Саййид Қосимий “Илоҳийнома”сида: эр Каъба зиёратига кетаётганда хотинидан хабар олиб, унинг хизматида бўлишни укасига тайинлайди.

Атторда: аёл бир хирож тўлашга қурби этмасдан дорга осилишга фармон бўлган йигитни дор тагидан қутқариб олади, йигит аёлни кемадаги савдогарга сотаётиб, унинг бир камчилиги бор, бу аёл қайсар, деб уни камситади ва юз динорга сотади.

Саййид Қосимийда: бу аёл телба, деб уни каситади ва уч юз динорга сотади ва ҳ.

Ҳар иккала асарда фарқ катта эмас. Фақат айрим воқеалар тасвирида тафсилотлар Саййид Қосимийда кўпроқ учрайди. Бунинг устига, Саййид Қосимий

Ҳар иккала “Илоҳийнома”нинг мақсади ва моҳияти деярли бирдир. Саййид Қосимий ўз “Илоҳийнома”сини туркийда ёзганини алоҳида таъкидлайди. Айни пайтда Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома”си Атторга таянган экан, Атторнинг “Илоҳийнома”си бир манбага – шарқ адабиётидаги ривоятларга таянгани англашилади. Зотан, асарнинг ниҳояси худди шарқ эртаклари ва ривоятларидаги сингари тугалланма билан яқунланади.

**Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний)**



Ҳусайн Бойқаро Амир Темур Кўрагон наслидан бўлиб, Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаронинг ўғлидир. Ҳусайн 1438 йили Ҳирот шаҳрида туғилган. 1469 йили Ҳирот тахтини эгаллаб, 1406 йилгача Хуросоннинг ҳукмдори бўлади.

Ҳусайн Бойқаро, Навоийнинг таъбири билан айтганда, форсий ва туркий тилда шеър яратиш иқтидорига эга бўлган бўлса-да, асосан туркигўй шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга чорлаб, махсус фармонлар берган. Бу ҳақда Навоий куйидагиларни ёзади: “Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди”.<sup>39</sup> Бу воқеа туркий адабиёт тарихида катта сиёсий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлди.

Навоий Ҳусайн Бойқарони этук шоир сифатида кўрсатишдан аввал, унинг шахсияти ҳақида, истеъдодини вужудга келтирган омиллар ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да сўз юритади. Жумладан, Ҳусайн Бойқаронинг шажараси ҳақида “Насабнома” битилган, аммо Навоий бу “Насабнома”ни ким битганлиги ҳақида тазкирада айтмаган. Унинг таърифлашига кўра, Ҳусайн Бойқаро “Насабнома”сининг ҳар саҳифаси шунчалик гўзал қилиб безалганки, Монийнинг суратлари ўза безаклар қаршисида хижолатда қолади. Бойқаронинг обрў-еътибори, донғи шарҳида “Насабнома”даги воқеалар битилган ҳар бир саҳифа Чин суратхоналарини уялтиради. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаронинг шону шавкати, тафаккур олами ҳақида Навоий сўз юритиб, Жамшид ва Искандарнинг билганлари ҳам, қилганлари ҳам унинг олдида ҳечдир ва ҳ.

Ҳусайн Бойқаро биз учун улуғ шоир сифатида қадрли. Навоий унинг девони ҳақида куйидагича маълумот беради: “Ул ҳазратнинг (яъни Ҳусайн Бойқаронинг – Н.Р.) хуб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубдур. Девон ибтидосидан бунёд қилилди ва ҳар ғазалдин бир

---

<sup>39</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 2 том. Тошкент, Фан. 1977, 426-бет.

матлаъ ёзилди”. Шундан сўнг Ҳусайн Бойқаро девонидаги ҳар бир ғазалнинг матлаъини келтиради. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўтказиладиган анжуманларни “олий мажлис” деб юритилгани ва бундай мажлисда энг этук асарлар ўқилгани ва муҳокама боиси бўлган тўғрисида маълумот беради. Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг VIII бобини Ҳусайн Бойқарога бағишлаган ва унинг девонидан 164 ғазалнинг матлаъини келтирган. Шоир Ҳусайний қўллаган поетик образлар, воситалар, шоирнинг шеъриятдаги ихтиролари юзасидан фикр юритган. Мисол сифатида “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайн Бойқаронинг девонидан “алиф” ҳарфига келтирилган матлаъни олиб кўрайлик. Навоий байтни келтиришдан олдин байт мазмунини шарҳ қилиб, маҳбубнинг ҳаддан ортиқ илтифотидан беҳол бўлгач, хушсизларча ўша илтифотни изҳор қилиш маъносида қуйидаги матлаъ ажойиб ифодаданганини айтади:

Эврулуб гул бошиға булбул висол ўлғай анга,

Гул анинг бошиға эврулса, не ҳол ўлғай анга.

(Булбул гулнинг бошида айланиб, унга эришмоқчи бўлади;

Агар гул булбулнинг бошида айланса, унинг ҳоли қандай бўларкин.)

Мана шу байтнинг ўзиёқ Ҳусайн Бойқаронинг туркий шеърият ҳомийсигина эмас, балки амалда ниҳоятда нозик дидли шоир эканини кўрсатиб туради.

Ҳусайн Бойқаронинг маҳорати, иқтидори шу қадар баланд бўлганки, бошқа туркигўй шоирлар амалда истифода эта олмаган ғазалга маҳорат билан ёндашади. Масалан, унинг девонидаги “се” ҳарфига битилган байтни келтиришдан олдин Навоий қуйидаги шарҳни беради: “Бу ҳарфда турк шуаросининг малик ул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айта олмайдурлар, то анга не этгайки, бу муқобалада киши они кетургай ё нисбат бергай. Бу матлаъ тарифида мунча басдур:

Ёр кўйидин ўтарда кўргузур бу зор макс,

Сўз деса доғи жавобида қилур бисёр макс

(Бечора ошиқ маҳбубасининг кўчасидан ўтганда, бу бечора тўхтаб қолади;

Маҳбуба бир сўз айца, жавоб беролмай, яна кўпроқ тўхтаб қолади)”.  
Ошиқнинг маъшуқа олдида ожизу нотавон ҳолатини шоир ана шундай тавсиф этади.

Навоий Ҳусайнийнинг этук шеърларига юксак баҳо беради, айниқса унинг шеърлари туркий тилда ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди (мисол).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома”да Ҳусайн Бойқаронинг фаолиятига юксак баҳо беради. “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замона эрди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эрди. Ҳар кишингиким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, қиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолға эткургай”. (Бобурнома, Тошкент, 1960, 239-240-бетлар.)

Ҳусайн Бойқаро Навоийга бағишлаб “Рисола” ҳам ёзган. “Рисола” “Муножот” руҳида ёзилган. Мисол. “Рисола”да ҳам шох, ҳам шоир бу олам саодати ва чексиз неъматларига этказгани, Жомий ва Навоий каби алломалар билан замондош, ҳамнафас қилгани учун Худойи Таолога шукрона айтади.

